

912



## ТАРИХИЙ АТАМАШУНОСЛИК



Ўзбекистон Олий ва Ўрта махсус таълим  
вазирлиги  
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон  
Миллий Университети  
Тарих факультети

# Тарихий атамашунослик

(бакалавриат йўналишидаги талабалар учун ўқув –  
услубий қўлланма)

1909

ТОШКЕНТ-2002

Ушбу қўлланма тарих факультетининг талабалари учун ўқув машғулотларига мўлжалланган. Тарихий атамаларни ўрганиш, уларни тўғри маънода ишлатиш ушбу атамаларни чуқур билишни талаб қилади. Шундан келиб чиқиб, ушбу қўлланма турли лўғатлар, энциклопедиялар ва рисоалардан олинган атамаларни яхлит бир хронологик шаклга келтириш асосида яратилди. Муаллиф тарихий атама ва сўзларни ўрганувчи қизиқувчиларга ҳамда дарс ва амалий машғулотларга мўлжаллаб, ушбу қўлланмани тайёрлаган.

Тўловчи ўқитувчи Зокиржон Саидбобоев \*

Маълум муҳаррир: т.ф.и., доц Омонулла Бўриев

Тадриччилар: т.ф.и.доц Ў.М.Мавлонов,  
ўқ. З.Б.Рахмонқулова.

Қўлланма ЎзМУ Илмий—методик кенгашининг 2002 йил 29 январ (баснома №5) мажлиси қарори билан тарихчи мутахассислиги иуналишлари бўйича ўқув—услубий адабиёт сифатида тавсия этилди.

## МУЎДАРИЖА:

Кириш	4
Атамашунослик фан сифатида. Тарихий атамашунослик ва унинг тарих фанларини ўрганишидаги ўрни.	6
Ўрта Осиёдаги давлатларнинг тарихий атамалари (Қадимги даврдан араблар босқинигача).	8
Қадимги дунё тарихининг тарихий атамалари.	16
Ўрта Осиёдаги араблар босқини. Араб тилидан Ўзлашган, ислом дини ва анъаналари билан боғлиқ тарихий атамалар.	20
Ўрта Осиё давлатларининг IX – XVIII асрлардаги тарихий атамалари.	28
Ўрта асрлар Европа мамлакатларининг тарихий атамалари.	34
Ўрта Осиё хонликларининг тарихий атамалари. (XIX – XX аср бошлари).	51
Янги ва энг янги даврнинг тарихий атамалари.	55
Ўзбекистоннинг мустақиллиги ҳамда дунё ҳамжамияти томон интеграциялашуви жараёнида тарихий атамалар.	69

## КИРИШ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли асарига «Маърифат ва билимдонлик жамият таракқиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч», — деб таъкидланган эди. Ушбу асарда Ўзбекистонда тарих фанининг ривожланиши йўллари ва асосий тамойиллари кўрсатилиб, унинг истиқболи аниқлаб берилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарор ҳам (1998 йил, 27 июл) тарихчилар олдига долзарб вазифаларни қўйиб, уларга янги ғоявий асослар билан тадқиқотлар олиб бориш масъулиятини юклади. Давримизнинг улкан муаммоларидан бири бўлмиш тарих фани ютуқларини мустақиллик ғоялари асосида тартиб ўтиш, минглаб ёзма манбалардаги маълумотларни умумлаштириш, наниб этилган тарихий ва бадиий асарлар матни билан ишлашни осонлаштириш учун махсус қўлланма, луғат ва маълумотномалар тузиш ва яратиш юқорида асосий талаблардан бири сифатида кўрсатиб ўтилган.

Ҳар бир тарихчи мутахассис учун ўтмиш ҳодисаларини чуқур ва аниқ тушунишда, таҳлил қилишда Ватан ва Жаҳон тарихи ҳақида соф илмий тушунча катта аҳамиятга эга (масалан, ўтмишнинг у ёки бу ҳодисалари, кўринишларини максимал даражада аниқ кўрсатувчи илмий атамалар) Тарихий воқеаларни характерли хусусиятига боғлиқ ҳолда атамалар ҳам сиёсий кўринишни аниқлашлар, изоҳлаганлар. Аниқ тушунча ва билимсиз — у ёки бу тарихий воқеалар ҳақида аниқ ва тушунчалар бўлмайди ва бўлиши мумкин ҳам эмас. Тарихда атамаларнинг маъноси йиллар ўтиши билан, ўтмишнинг маълум бир даврига хос ҳолда ўзгаргани тез—тез кузатиб турилган. Атамаларни махсус фан — терминология (атамашунослик) ўрганади. Уларнинг тарихга боғлиқ томонларини эса тарихий атамашунослик (ёки тарих атамашунослиги) ўрганади. Турли мамлакатларда, жамият ва цивилизациялар ривожининг турли босқичларида кишилик жамияти ҳаётининг янги ёки ўзгарган бўлса, шу минтақа еки мамлакатга хос тилдаги атамалар шунчалик кўп тарқалган. Кейинчалик улар халқаро атамаларга айланиб борган. Ҳозир (баъзан ўтмишда ҳам) уларни турли мамлакатларда маълум бир ёки айнан бир хил ҳодисаларни аниқлашчи атамалар сифатида қўлланмоқдаки, улар халқаро илмий лексикага киритилган. Тарих фанидаги атамаларни ўрганишда Ғарб ва Шарқ мамлакатлари тарихи, уларни ижтимоий — иқтисодий ва маданий ҳаётига оид, қадимги дунё, ўрта асрлар, янги ва энг янги тарихга оид ҳодисаларни изоҳловчи атамаларнинг келиб чиқишини курсимиз машғулотларида ўрганамиз.

Албатга, атамалар сони жуда ҳам катта. Ваҳоланки, ҳар бир фан ўзининг атамалар системасига эга. Демак, бир курс мобайнида бутун фанларга оид атамаларни ўрганиб бўлмайди. Шунинг учун биз фақатгина жаҳон (халқаро) тарихи атамашунослигига кирган, Ғарб ва Шарқ мамлакатлари, хусусан Ўрта Осиё ва жаҳоннинг буюк давлатлари тарихий ҳодисаларини еритиб берувчи атамаларни танлаб олиб тавсиф берамиз.

Тарихда бўлганидек, тарих атамашунослигида ҳам атамаларнинг келиб чиқишини ва маъносини ўрганишда тарихийлик, ҳолислик, танқидий таҳлил услубларига суянамиз. Баъзи бир аниқ ҳолларда эса атаманинг келиб чиқиш даври, турли тарихий даврларда қандай маънони аниқлаганини кўзда тутиш зарур.

Тарих атамашунослигига оид адабиётлар турли – тумандир. Биринчи навбатда булар справочниклар ва атама луғатлари, энциклопедиялардир (Масалан, 1996 йилда Т.А.Бугаева ва А.Н.Кудиновларнинг муаллифлиги остида нашр этилган «Сиссий атамалар қисқача луғати» ёки «Словарь иностранных слов»нинг исталган наشري ва бошқалар.)

Махсус адабиётларга келсак, уларнинг кўпчилиги қисми лингвистик муаммоларга ёки О.Д.Чехович, М.Ю. Йулдошев, Н.Б.Байкова, Д.С.Лотте, С.А.Чаплыгин, М.М.Ижевский, Г.А.Лаврентьева, С.И.Коршунов, М.К.Кузьмин, А.М.Терпигорев, Н.И.Сухов ва бошқалар ишлари махсус атамашунослик масалаларига бағишланган. Ўзбекистонда Б.Аҳмедов, Ж.Бекмуҳамедов, М.Қ.Бобоева, Р.С.Қурбонғалиева ва З.Чориевлар тарихий атамаларнинг изоҳли луғатларини нашр этгирганлар. Ушбу асарлардан маъруза ва амалий машғулотларда тўла фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

#### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.,1998.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Т.,1999.
3. Лотте Д.С. Омонимы в научно-технической терминологии. Изд. АН. ОТН, 1944 № № 1-2.
4. Мустақил Ўзбекистон тарихи,3 жилд – Т.,2000.
5. Чехович О.Д. О ходе историко терминологических исследований //ОНУ. 1965. № 4.



## Атамашунослик фан сифатида. Тарихий атамашунослик ва унинг тарих фанларини ўрганишдаги ўрни.

### Режа:

1. Атамашунослик тушунчаси ва атамалар шаклланиши.
2. Атамашуносликнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши
3. Тарихий атамашунослик ва унинг тарихий атамаларни ўрганишдаги ўрни.
4. Тарихий атамаларнинг асосий манбалари ва турлари.

Атама сўзи (термин – «terminus») – марза, чегара сўзларидан олинган. Қадимги Римда Термин худоси бўлиб, у марзали тошда турган Юпитер ибодатхонасида яъни Капитолийда сақланган.

Замонавий маънода атама – сўз ёки сўз бирикмаси бўлиб, ижтимоий – сиёсий ҳаётдаги, фан, техника ва санъатдаги бирор бир маънони, тушунчани англатади

Оддий сўзлардан фарқ қилиб атамалар, ўзининг аниқ семантик чегараларига эга. Атамалар ҳамма вақт ҳам ўз маъносини англатавермайди. Ҳар қандай илмий ва техник соҳада кўп миқдордаги омоним – атамалар ва синоним – атамалар мавжуд. Бу эса маълум маънода ноқулайликлар туғдиради. Шунинг учун ҳам фан ва техникадаги атамаларнинг тартиблаш ишлари бу йўлдаги қийинчиликларни бартараф этишга қаратилган. Ижтимоий – сиёсий, илмий ва техник атамалар ҳозирги кунда бир тилдан бошқа тилга ўтиб халқаро лексик фонд таркибига кирмоқда.

Атамалар улкан илмий аҳамиятга эга. Табиат ва жамиятдаги мавжуд ҳодисани ўрганиш учун унинг аниқ номини билиш талаб қилинади. Бунда атама тушунчани изоҳлабгина қолмай, уни бир–бирига яқин бўлган сўзлардан фарқлайди.

Атамаларнинг пайдо бўлишидаги бир йўл – бу унга муҳим атамашунослик аҳамиятини бериш саналади. Кўп ҳолларда атама умумодабий тилдан ҳосил бўлган ҳолда омоним бўлиб қолади ва ўз манбасига нисбатан маълум маънода ёки умуман алоқасини узади (Масалан, «операция» – жарроҳлик операцияси ёки банк операцияси, «полотно» – темир йўл полотноси ёки матоли полотно).

Кўп ҳолларда атама луғат таркибидаги сўзлардан сўз кўшиш йўли билан ясалади (чанг югич, тўрт юдуз) ёки қўшма сўз яшаш билан ясалади (темир йўл, тўғри бурчак).

Атамалар яшашда кўпинча латин ва юнон тили элементларидан фойдаланилади. (Масалан, «термометр» – юнонча иссиқлик ва ўлчайман сўзидан олинган, «эквивалент» – латинча quus – тўғри, valens (valent – ўзак) – кучли, қимматли).

Баъзи ҳолларда атамалар турли тиллардан калькалаш йўли билан ҳосил бўлади. (Таққослаш учун «беш йиллик режа» немис тилида Fünfens plan, француз тилида plan quin quennal, инглиз тилида five years' plan).

Калька — сўз ёки ибора бўлиб шу сўз замирида ёки бошқа тилдаги талаффузидан келиб чиқиб она тилга ўгирилиши тушунилади. Сўзларни калькалаганда аниқ морфологик тасаввур ҳосил бўлади. (Масалан, XVIII асрда русча «со—средоточить» сўзи морфемали таржима қилиш йўли билан). Калька йўли билан баъзан хорижий тиллардаги бутун конструкциялар ўша тилдан айнан шундай таржима қилинади. (Масалан, "вақтни йўқотмоқ" французча «tuer le temps», инглизча «kill the time», немисча «die Zeit totschalgen»). Русчадан беш йиллик план, социалистик мусобақа каби сўзлар бевосита калькалаш йўли билан замонавий тилимизга кўчган.

Атамашунослик (терминология) сўзи латинча «terminus» — термин ва юнонча «логос» — сўз фарқлайман каби сўзларидан олинган.

Тарихий атамаларнинг асосий манбаларига тўхталадиган бўлсак, аввало антик фалсафанинг ривожланиши билан (Аристотелдан бошлаб) илк бор фалсафий атамалар юнон тилида пайдо бўлишига эътибор беришимиз керак. Кейинроқ латин тилида ижод қилган Теренций Варрон, Цицерон, Квинтилман ва бошқаларнинг хизмати билан V асрда атамашунослик тўла шаклланади (Марциан Капелла ва Боэций эсдаликларида). Кейинроқ атамашунослик роман, герман, славян ва бошқа тилларига кўчди.

Ислом дини тарқалган мамлакатларда хунармандчиликнинг ўсиши, санъат, савдо алоқалари ва фаннинг ривожланиши билан санъат, савдо, химия, математика, астрономия, географияга оид атамаларнинг араб тилида кўчиши таъминланди. Булар кейинроқ ҳинд — европа тилларига кўчди (Масалан, тара, тариф, алкохол, ализарин, азимут, нодир, муссон).

Тариф — олинadиган ёки тўланадиган ҳақ — баҳолар кўрсаткичи, баҳо. Имтиезли тариф, почта тарифи, тариф жадвали.

Ализарин — руян ўсимлиги илдизидан олинadиган ёки сунъий йўл билан тайерланадиган буюк модда.

Алкохол — молекулалари таркибига кислород ва водород атомлари гуруҳи киритадиган бирикмалар, спиртлар.

Уйғониш даври (XIV — XVI асрлар)да илмий ва фалсафий дунёқарашнинг ўсиши, иқтисоднинг юксалиши аввал латин, кейин юнон тилидаги атамаларнинг кўпайишига олиб келди.

Латин тили ўрта асрларда Ғарбий Европа мамлакатлари учун илм ва маориф соҳасида халқаро тил бўлиб ўз аҳамиятини то XVII — XVIII асрларгача сақлаб келди. Ҳозирда медицина, химия, биология, зоология, ботаника, геология, палеонтология, математика, физика, фалсафа, ижтимоий — тарихий фанлар, сиёсат, санъат ва техникада латин ва юнон тилининг лексик элементлари сақланиб қолган.



Ўйғониш давридаги Италия санъати Европанинг бошқа ҳудудларига италян тилининг еилишига олиб келди. Италиян атамашунослигидаги чусиқа, театр, меъморчилик, санъат, денгиз ва ҳарбий санъат, банк ишидаги атамалар бошқа тилларга кўчди. (Масалан, сопрано, кантилена, батальон, солдат, сальдо ва бошқалар).

XVII – XVIII асрдаги халқаро лексикага голланд тилидаги денгиз ва кемасозлик атамалари кириб келди (Веръф, док ва ҳоказо). Бу эса ўша даврда Голландиянинг денгиз ва кемасозликда машҳур бўлганидан далолат беради. Ҳарбий атамалар франгузчадан (мина, гарнизон, салер), немисчадан (штаб, лагер, план) англизчадан (митинг, лидер, импорт, экспорт, спорт, бокс) каби сўзлар кириб келди. XIX асрда техник сўзлардан блюминг, крекинг, танк каби сўзлар кириб келди. Октябр тўнтаришидан сўнг колхоз, совхоз, болыневик, совет каби янги русча атамалар кириб келди.

#### Адабиётлар:

1. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари – Т., 1998.
2. БСЭ., изд.2., т.31., с21., – М., 1955.
3. БСЭ., изд 2., т.42 сс302–304. – М, 1956.
4. Саидбобоев З. Тарихий атамашунослик. Маърузалар матни. – Т., 2000.
5. Чехович О.Д. Об изучении терминологии исторических источников Средней Азии //ОНУ.1962, № 6.
6. Энциклопедический словарь. – М., 1987.

### Ўрта Осиёдаги давлатларнинг тарихий атамалари (қадимги даврдан араблар босқинигача).

#### Режа:

1. Ўрта Осиё ҳудудида қадимги даврлардаги атамалар (Қадимги давлатлар, Аҳмоийлар давлати, юнон – македон истилоси, Салавкийлар давлати, Юнон – Бактрия подшолиги, Қанғ, Кушон подшолиги ва бошқалар).
2. Илк ўрта асрлар давридаги тарихий атамалар (араблар босқинигача).

Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон улкан тарихий ўтмишга эга. Ўлкамиз ушбу тарихни ўз аجدодлари қўли билан узоқ минг йилликлар давомида яратдики, бу эса унинг инсониятнинг пайдо бўлиб ўз цивилизациявий ҳудуд барпо этганидан далолат беради.

Ўрта Осиёнинг илк давлатларида тарихий атамалар оғзаки нутқнинг шаклланиши ҳамда қадимги хоразм, сўғд, бактрия ҳамда туркий

тилнинг келиб чиқиши билан шаклланди. Ўрта Осиё ҳудудида тарихий атамаларнинг шаклланишида форсий (Эрон) атамалар ҳам таъсир этган. Бундан ташқари VIII – IX асрларда араб тилидан ўзлашган атамалар, гарчи улар Ўрта Осиё атамашунослигида етакчи, аниқловчи ўрин эгалламаган бўлса ҳам кенг қўлланиб келинган. Баъзи атамаларнинг пайдо бўлиши Ўрта Осиёга XVI – XVII асрларда кўчманчи ўзбекларнинг кириб келиши билан боғлиқдир. Аввало Ўрта Осиё ҳудудида қадимги даврлардаги атамаларга тўхталсак.

Милоддан аввалги IX – VIII асрларда Ўзбекистон ҳудудида илк темир асрига ўтиш бошланган.

Темирнинг хўжалиқда кенг қўлланиши натижасида ҳунармандчилик, савдо тараққий этиб, илк шаҳарлар, давлатлар вужудга келган. Давлатлар вужудга келиши милоддан аввалги VII – VI асрларга тўғри келади. Бу даврда Ўзбекистон ҳудудида сўғдийлар, бақтрияликлар, хоразмликлар, сак ва массагет каби элатлар яшаганлар. Зарафшон ва Қашқадарё водийсида деҳқончилик билан шуғулланган кўлаб аҳоли истиқомат қилган. Ёзма манбаларда бу ҳудуд Сўғда («Авесто»да), Суғуда (Беҳистун ёзувариди), Арриан, Курций Руф, Страбон асарларида Сўғдиёна деб номланган.

Бу ҳудудда яшаган аҳоли сўғдийлар деб аталган. Уларнинг ўз ёзувлари ҳамда тили ҳам мавжуд бўлган.

**Сўғд ёзуви** – милоддан олдинги минг йилликнинг охирида оромий алифбосидан ажралиб чиққан. Араб ёзуви сингари ўнгдан чапга қараб ёзилган ва ўқилган. Қадимги манбаларда сўғд алифбосида 25 ҳарф мавжудлиги таъкидланган, бироқ турли жойлардан топилган сўғд ёзуви ёдгорликларида ҳарфларнинг умумий сониди фарқлар бор. Сўғд ёзувининг милоднинг бошларига оид қадимги намунаси Самарқанд яқинидаги Толи барзу деган жойдан топилган.

Амударёнинг қуйи оқимида яшаган ўтроқ деҳқон элатлари хоразмликларнинг юрти Хваризм («Авесто»да), Хваризмиш (Беҳистун ёзувариди), Хорасмия (Арриан, Страбон) асарларида ёзиб қолдирилган.

Сўғдийларнинг энг яқин қўшнилари Бақтрияликлар бўлиб, уларнинг юрти Сурхон водийси, Афғонистоннинг шимоли, Тожикистоннинг жанубий ҳудудларида жойлашган. Ёзма манбаларда у Бахди («Авесто»да), Бақтриш (Беҳистун ёзувариди) деб номланган. Юнон – рим муаллифларининг асарларида Бақтриана еки Бақтрия деб аталган.

**Массагетлар** – Каспий юрти ва Орол денгизи яқинида ва Сирдарёнинг қуйи оқимида мил. ав. VI – IV асрларда яшаган қабилалар гуруҳининг умумий номи. Массагетлар ҳақида фанда ҳар хил қарашлар мавжуд. Айрим олимларнинг фикрича, массагетлар номи «мусо» – «балиқ» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «балиқхўрлар» маъносини билдиради. Кейинги текширишлар натижасида массагетларнинг «мас», «сака» ва «та» сўзларидан иборат бўлганлиги ва сакларнинг катта уюшмаси деган маънони билдириши аниқланган. Юнон тарихчиси

Геродотнинг таърифлашича, массагетлар шибда ва отда жанг қилганлар, отларнинг кўкракларига совут кийдирганлар. Массагетлар ўз подшоши Тумарис бошчилигида Эрон босқинчиларига қарши курашганлар. Милоддан аввалги VI асрда улар ўз ерларини бошқа қабилалар ҳужумидан ҳимоя қилиш мақсадида ҳарбий—қабилла иттифоқига бирлашганлар.

**Сақлар** — милодан аввалги I минг йиллик ва милоднинг бошларида Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистоннинг шимолий — шарқий ҳудудларида яшаган чорвадор қабилалар. Қадимги форс манбаларида сақлар уч гуруҳга бўлинганлиги кўрсатилган:

- 1) сака — хаумоварка;
- 2) сака — тиграхауда;
- 3) сака — тийатарадарайя.

Сақлар форслар армияси таркибида юнон—форс урушларида қатнашган. Александр Македонский, сўнгра славкийлар ўзларининг Ўрта Осиёдаги мулкларига хавф солган сақларга қарши кураш олиб борганлиги манбаларда қайд қилинган. Милоддан аввалги II аср ўрталарида сақлар бошқа кўчманчи қабилалар билан бирга Парфия подшолиги ерларига бостириб кирганлар. Аммо улар қаттиқ қаршиликка учраб Дарангиёнга сиқиб чиқарилган. Сақлар Дарангиёнада ўтроқ жойлашганлиги учун унга Сакистон, яъни Сақлар мамлакати деб ном берилган.

**Дай** — милоддан аввалги V — IV асрларда Сирдарёнинг қуйи оқимлари атрофида яшаган сак (шак) қабилаларидан айрим манбаларда уларнинг дахлар, тохарлар деб ҳам аташган. Спитамен Искандарга қарши курашиш учун охири маротаба дай қабиласидан қўшин тўплаган. Милоддан аввалги IV аср охири — III аср бошларида Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимида яшаган сақларнинг Қанғ давлати вужудга келди. Кейинчалик дайларнинг Қанғ давлатига кирган қавмлар иттифоқи сиқиб киришга мажбур бўлишган. Милоддан аввалги 250 йилда дайлар маҳаллий Бактрия аҳолиси билан биргаликда Бактрияни славкийлардан ажратиб оддилар ва янги давлатга асос солдилар. Шундан сўнг бу ўлканинг номи Тохаристон деб атала бошлаган.

Ўрта Осиёдаги давлат бирлашмалари шакланмасдан олдинги давр **ҳарбий демократия** — давлатга ўтиш даврининг бошқарув шакли бўлиб, уни ҳарбий қабилла бошлиқлари бошқарганлар. «Авесто» жамиятининг асосини катта патриархал оила ташкил этган. У «**н м а н а**» деб аталган. Шундай бир неча уруғ жамоаси «**в и с**» деб аталган. «**В а р з а н а**» деб эса ҳудудий қўшничилик жамоасининг, қабилалар жамоаси эса — «**з а н т у**» ни ташкил қилган.

Юқоридаги қабилаларнинг барчаси **э т н и к ж а м о а н и** — тили, урф—одати, диний эътиқоди жиҳатдан уюшган кишилар гуруҳини ташкил этган. Этнос — юнон тилида «халқ» деган маънони англатади.

Милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёда Зардуштийлик дини кенг тарқалди. Зардуштийлик динига кура олов (қуёш), ер, сув, ҳаво муқаддас саналган. Зардуштийлик динини асосчиси Зардушт (турли тилларда Заратуштра, Зораст, Зардушт) исмидан олинган. Унинг туғилган йили номаълум. Милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи чорагида яшаган. У биз ўз таълимотини Хоразм ёки Бақтрияда тарғиб қилган. У 77 ёшида душманлари қўлида ҳалок бўлган. Кейинроқ Европада бу дин тарғиботчисини Зороастр (юнонча «астрон» – юдуз) деб атай бошлаганлар, чунки Юнонистонда уни аллома – мунажжим тарзида ардоқлаганлар. Шу номдан келиб чиқиб, унинг таълимотини зороастризм деб юритганлар.

**Мунажжим** – осмон ёриткичларининг вазиятларини кузатувчи шахс. Бу сўз араб тилидан олинган. Зардушт 40 ёшида янги диний таълимот пайғамбари бўлади. «Пайғамбар» сўзи «савобли ишлар хабарчиси» деган маънони англатади.

Зардуштийнинг гоёлари милоддан аввалги IV асрда тўпланиб 21 китоб қилинади. Улар «Авесто»нинг асосини ташкил этган. Матнларда ёзилган тафсифлар «Занд» деб аталади. «Катта Авесто»дан айрим муҳим оятлар танлаб олиниб, Хоразм, Бақтрия, Марғиёна ва Сўғдиёна ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд.

**Ахурамазда** – зардуштийлик худоси бўлиб, ёруғлик, ободонлик, фаровонлик, саломатлик каби ҳамма эзгуликларни яратувчи ва бошқарувчи худо сифатида ифодаланган.

**Аҳриман** – зулмат, қоронғулик, очлик, вабо, совуқ, заҳарли жониворларни яратувчи ва бошқарувчи ёвузликлар худоси.

Зардуштийлик урф–одатига кура улган киши дафн қилинмаган. Жасадни қушларга ем бўлиши учун махсус баланд жойга қўйилган. Суяклари тозаланиб, қушларга ем бўлиши учун махсус идиш «о с с у а р и й» – «суякдон, оstdон»ларда сақлаганлар. Улар ноус деб аталувчи махсус биноларга қўйилган.

**Аҳамонийлар** – милоддан аввалги 558–330 йилларда Эронда ҳукмронлик қилган сулола. Аҳамонийлар сулоласига милоддан аввалги VIII асрда Элам яқинидаги Парса ҳудудида яшаган қадимги форс қабилаларининг бошлиғи Аҳмон асос солган. Кир I даврида Ўрта Осиё ҳудудлари ҳам Аҳамонийлар сулоласига бўйсундирилган. Унинг даврида қадимги Шарқнинг катта қисми ўз ҳукмронлигига бўйсундирилади ва Аҳамонийларнинг буюк империяси тузилади. Аҳамонийлар сулоласи вакиллари: Аҳмон (Ҳахоманши), Чиш–пиш, Кир I, Камбиз I, Кир II, Камбиз II, Доро I, Ксеркс I, Ортоксерокс I, Ксеркс II, Секудиан II, Доро II, Ортоксеркс II, Ортоксеркс III, Арсес, Доро III.

Геродотнинг ёзишича, Аҳамонийлар босиб олган ҳудудларни сатрапликларга бўлиб идора қилганлар. Уларнинг сони 20 та бўлган. Ўрта Осиё ҳудуди эса учта сатрапликка бўлинган.

**Сатраплик** — аҳамонийлар, салавкийлар, Парфия ва сосонийлар давлатларидаги маъмурий—ҳудудий тузилма. Форсча «Хшатра» — «вилоят» сўзидан келиб чиққан. Ҳар бир сатраплик белгиланган миқдорда солиқ тўлашга мажбур бўлган.

**Сатрап** — вилоят бошлиғи бўлиб, у чекланмаган ваколатларга эга эди.

Милоддан аввалги IV асрнинг охирларида Ўрта Осиёга Александр Македонскийнинг юриши бошланади. Бу даврда Ўрта Осиё халқларининг ҳарбий санъати юқори даражада бўлган. Ханжар «акгаинак» аталган, жанговор болта «сагирис» деб номланган.

**Спитамен** — Ўрта Осиёнинг йирик қўмондони ва Македонскийга қарши милоддан аввалги 329—327 йилларда Мароқандда кўтарилган кўзғолон раҳбари.

**Мароқанд** — Самарқанднинг юнонча номи. Милоддан аввалги VII — VI асрларда Мароқандда ўрнида мудофаа деворлар билан ўралган қишлоқ бўлган. Юнон тарихчилари Арриан, Квинт Курций Руф, Страбоннинг маълумотларига кўра милоддан аввалги 329 йилида А.Македонский Сўғдиёна пойтахти Мароқандни забт этиб, вайрон қилган, сўнгра ўзининг ҳарбий гарнизони учун қалъани қайта тиклаган. Сўғдийлар Спитамен бошчилигида бу босқинчиларга қарши курашган, кўзғолон бостирилгач, Македонский Мароқандни яна вайрон қилишни буюрган. Мароқанд кейинчалик Семизкент, Самарқанд номини олган.

Искандар вафотидан сўнг Ўрта Осиё Салавкийлар давлати таркибига кирди. Салавка ҳам бу ердаги ерларни сатрапликларга бўлди. Сатрапликдаги давлат мудофааси ва қўшинларини ташкил этиш ишлари билан **стратег** шуғулланган.

Юнон ва Македон истилоларидан бошлаб Ўрта Осиё вилоятлари маданияти тарихида антик (юнонча «қадимги») давр бошланди. Бу ҳол Шарқ ва Ғарб ўртасида маданий муносабатларнинг ривожланишига олиб келди. Айниқса, Бақтрия маданиятида юнон маданиятининг таъсири сезила бошлади.

**Эллишлаштириш** — Шарқда юнон маданиятининг ёйилиш жараёни, аралаш маданиятининг — юнон ва маҳаллий шарқ маданиятининг ташкил топиш жараёни.

**Юечжи** — улкан кучманчи қабила бўлиб, эрамиздан аввалги II аср ўрталарида Наньшан тоғлари ғарбидан Дуньхуандан шарққа томон Лабнор кўлигача бўлган ҳудудда, ҳозирги Хитойнинг Ганьсу провинцияси ҳудудларига тўғри келади. Юечжилар ҳақида маълумотлар қадимги Хитой ёзма манбалари (Бан Гу, Сима Цзянь)да учрайди. Юечжилар Кушон подшолиги тизимида катта роль ўйнаган. Этник таркиби ҳалигача ўрганилмаган (шарқий эронликлар, хиндоевропаликлар, турклар).

Юечжилар тили Бақтрия шаҳарларидан ва қабилаларининг номларидан бўлак сақланиб қолмаган. Этник қиёфалари Холчаёндаги скульптураларда, тангаларда ва бошқа ёдгорликларда сақланиб қолган.



Милоддан аввалги II аср ўрталарида юечжилар Хуннлар сиқуви остида Или дареси водийсига қочишга мажбур бўлганлар. Кейинроқ, милоддан аввалги II аср ўрталарида Хуннлар тазйиқи кучайгач, жанубга Шимолий Бақтрия ҳудудларига кўчганлар. Ғарб кўчган юечжилар «Катта юечжи», Паньшан тоғларида қолганлари эса «Кичик юечжи» номини олдилар. Кейинроқ юечжилар бутун Бақтрияни ишғол қилдилар ва ўзларининг конфедератив давлатини туздилар. Бу конфедерациялар:

1. Хюми (Сюми).
2. Шуанми.
3. Гуйшуань
4. Хиси.
5. Хуанми.

**Қанғли** — туркий қабилалар уюшмаси. Ўрхун—Енисей ёзувларида «канхарас» деб аталган, хитой манбаларида Қанғ давлати Қанғюй деб аталган. Қанғлилар милоддан аввалги III аср охирида Сирдарё бўйларида йирик Қанғ давлатини тузганлар. Пойтахти — Қанғдез бўлиб, милоддан аввалги III асрда асос солинган. Хитой тарихчилари бу шаҳарни Битян деб аташган. X аср охирида уларнинг катта бир қисми шимолий—ғарбга силжиб, Эмба ва Урал (Ёйиқ) дарёлари оралиғида жойлашган. XI асрда уларнинг кўпчилиги Кичик Осиё, Болгария ва Венгрия ерларига ўтиб маҳаллий аҳолига, айрим гуруҳлари эса Волга бўйларига келиб бошқирд, татар халқларига қўшилиб келган. XI асрнинг охири — XII асрнинг бошларида қанғлиларнинг катта гуруҳи Сирдарё бўйларида қайтиб келганлар. Ўрта асрларда қанғлилар Ўрта Осиё давлатларининг ички сиёсатида фаол иштирок этганлар. Қанғлилар ярим ўтроқ ҳолда яшаб деҳқончилик билан шуғулланишган. Улар бир неча уруғларга бўлинишган. Жумладан, сариқ—қанғли, қора—қанғли, қизил—қанғли, бобо—қанғли, олмиш—қанғли, бўка—қанғли ва ҳоказо.

**Кушон подшолиги** — милодий I асрнинг боши ёки ўрталарида юечжиларнинг Кушон (Хитойчада Гуйшуан) подшолигининг кучайиши натижасида пайдо бўлган. «Кушон» атамаси сулола ёки қabila номидан келиб чиққан. Кушонларнинг илк ҳудудлари шимолий Бақтрия, Тожикистон, Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган. Подшоликни асосчиси Ябғу (қирол), кейинроқ эса подшо номини олган Куджула Кадфиз (Кадфиз I) даврида кушонлар ҳозирги Афғонистон ва Тожикистоннинг каттагина қисмини босиб олдилар. Унинг вориси Вима Кадфиз даврида кушонларга Ҳиндистоннинг каттагина қисми бўйсунадиган бўлди. Канишка I даврида Кушон подшолиги ўзининг ривожланган палласини бошидан кечирди. Ўрта Осиёда кушонларнинг шимолий чегаралари Ўзбекистон жанубидаги Ҳисор тоғ тизмаларидан ўтган, ҳамда тоғли доvon (Дарбанд) да чегара деворлари қурилган. Кушон подшолиги даврида турли эралар мавжуд бўлган. (Салавкийлар, Викрома, Сака эралари ва бошқалар). Шунингдек, Канишка I ҳукмронлиги даврида



Канишка эраси бошланган. Ушбу эра даврида қуйидаги подшолар ҳукмронлик қилган:

Канишка I — 1–23 йиллар;

Васишка — 24–28 йиллар;

Хувишка — 28–60 йиллар;

Канишка II — 41 йил,

Васудева (Канишка III) — 64–98 йиллар.

Кушон давлати теократик давлат бўлиб, подшо мамлакатнинг бош қоҳини бўлиб ҳам ҳисобланган. Подшолик сатрапликларга бўлиниб, сатраплар бирмунча мустақил сиёсат олиб борганлар. Кушон подшолиги қулдорчилик давлати бўлиб, аҳолининг асосий қисми қишлоқ аҳолисидан иборат бўлган. Диний сиёсатда кушон подшolari эркинликни таъминлаганлар, чунки давлат ҳудудида буддизм, зардуштийлик кенг тарқалган бўлса, давлатнинг бошқа жойларида ҳинд, эроний, юнон ва миср динлари тарқалган. Пул муносабатлари савдо ва ҳунармандчиликнинг кенг ривожланиши билан шаклланиган. Пул тизими олтин ва мис тангалардан иборат бўлган. III асрнинг биринчи ярми ёки ўрталарида Кушон давлати тугатилади. Бақтрия — Тохаристон сосонийлар қўлига ўтиб, сосонийлар сулоласи томонидан бошқарилган. Улар эса ўз навбатида Кушонлар номи остидаги ёрлик билан давлатни идора қилганлар.

Илк ўрта асрларга оид тарихий атамаларга назар ташлайдиган бўлсак, аввало эфталлар атамасига дуч келамиз.

**Эфталлар** — Ўрта Осиё ва унга яқин мамлакатлар халқларининг этногенези ва тарихида муҳим рол ўйнаган йирик қабилалар уюшмаси. Уларнинг келиб чиқиши тугрисида турли фикрлар баён этилган. А.Н.Бернштамнинг фикрича, эфталлар таркиб топган ерлар ўрта ва қуйи Сирдарё ҳамда Амударёнинг юқори ҳавзасидир. С.П.Толстов эса уларни Орол бўйларида келиб чиққан, деб ҳисоблайди. Гарчи эфталларнинг таркиб топган жойи қатъий аниқланмаган бўлсада, улар этник элементлар аралашган Ўрта Осиёлик қабилалар негизида шаклланиши маълум. Эфталлар оташпараст бўлганлар, лекин кейинчалик улар орасида буддизм ва христианликка эътиқод қила бошлаганлар ҳам бўлган.

Илк ўрта асрларда ўз қарамоғидаги хизматкорлари меҳнатидан фойдаланиб келган деҳқонлар, кейинчалик турли йўллар билан қишлоқ жамоалари устидан ҳукмронлик қиладиган, бора—бора улар кучидан фойдаланиладиган бўдилар. Деҳқонларга қарам бўлиб қолган қишлоқнинг меҳнаткаш аҳли бу даврда «кадивар», яъни қишлоқ кўргонида яшовчилар номи билан юритилган. Шундай қилиб, мамлакатда илк ўрта асрлар мулкчилиги муносабатларининг шаклланиши билан қишлоқ жамоалари ичида йирик ер эгалари бўлмиш деҳқонлар билан бир қаторда ўз эркидан маҳрум бўлган, мутлақо ерсиз ва мулксиз камбағал зироатчи табақа — **к а д и в а р л а р** пайдо бўлади. Улар илк Ўрта асрларнинг ижтимоий ҳаётида дунёга келган ва ердор деҳқонлар

табақасига қарам бўлган қишлоқ жамоасининг, янги меҳнаткани, мазлум аҳолининг вакиллари эди. Мамлакатда ер – сув мулкчилигининг хусусийлиги орғиб, феодал муносабатларнинг мустаҳкамланиб бориши билан қишлоқнинг мулксиз ва эрксиз зироатчи мазлум аҳли – кадиварларнинг сони кўшайиб, деҳқончилик хўжаликнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучларининг бирига айланди.

V асрнинг ўрталарига келиб, мулкдор деҳқонлар ва руҳоний – қоҳинларнинг қул остидаги мулклардан иборат бўлса ҳам, аммо зироаткор воҳалардаги ерларнинг асосий қисми ҳали ҳам қишлоқ жамоаларининг қарамоғида эди. Зироатчи жамоаларнинг оддий меҳнаткани аъзолари «**к а ш о в а р з**», яъни ерни ҳайдовчи, ерни омоч билан ағдарувчи, «қўшчи» деб юритилади. Деҳқончилик маҳсулотларининг деярли асосий қисми мана шу қўшчи – кашоварзларнинг машаққатли меҳнати билан етиштирилар эди.

**Чоқар** – Ўрта Осиёда илк феодализм даврида феодалларга қаршли бўлган қуролланган йигитлар гуруҳи.

**Ишхид** – Сўғд ҳокимларининг насаби, унвони. Тарихий маълумотларга Сўғд араб халифалиги томонидан истило қилингунга қадар бу ерда 13 ишхид ҳукмронлик килиб тунган.

**Бўдун** – чорвадор аҳоли, қора бўдун – қора халқ.

Илк Ўрта асрларда Ўрта Осиёда феодал муносабатларининг ўрнатилиши билан илк ўрта аср шаҳарлари вужудга кела бошлади. Бу даврда айрим марказий шаҳарларининг ташқи деворларига туташган жойларда ҳунармандчилик мавзелари пайдо бўлади. Атрофи девор билан ўралмаган бу истеҳкомсиз мавзелар манбаларда «**р а б о т**» номи билан эслатилади. Кейинчалик работлар ҳам девор билан ўраб олинади. Работларда ҳунармандчилик маҳалларларидан ташқари савдогарлар, ўзга юртлардан келган мусофирлар учун карвонсарой, бозор, ибодатхона ва даҳмалар қад кўтаради.

Шундай қилиб, шаҳарлар ёнбошида рабодларнинг қад кўтариши билан илк ўрта асрларда улар уч қисми бўлиб қолади. Унинг подшоҳ қасри жойлашган қисми «**а р к**», ички шаҳар, «**ш а ҳ р и с т о н**» деб юритилади. Шаҳарнинг учала қисми ҳам алоҳида – алоҳида деворлар билан ўраб олинади. Уларнинг бир нечта дарвозалари бўлган. Манбаларда таъриф этилишича, VIII асрда Бухоро беш қисмидан иборат бўлиб, у беш қатор деворлар ҳалқаси билан ўралган эди. Шаҳар деворлари бўйлаб оқиб ўтган анҳор ҳандақ вазифасини бажарган.

Илк ўрта асрларда шаҳар ва қишлоқ аҳолиси «**н а ф**» дейилган. Ижтимоий жиҳатдан у бир нечта табақага бўлинган. Мулкдорлар «**о з о д**», шаҳар ҳунармандлари «**о з о д к о р**», зироаткорлар «**к а ш о в а р з**», хизматкорлар «**к о р и к о р**», муте қўшчилар «**к а д и в а р**», қул ва чўрилар: эркаклар «**б а н т а к**» ва аёллар «**д о я**» деб юритилган. Аслзода -- «озод»лар табақасига подшоҳ, маҳаллий ҳукмдорлар ва феодал деҳқонлар кирган. Булардан ташқари,

Сунда ибодатхоналар ва уларнинг тасарруфида мулк ва ерлар бўлган. Ибодатхоналар «**в а г н**», унинг бош руҳоний мулозими, яъни коҳини «**в а н г п а т**» деб юритилган. Коҳинлар тасарруфидаги ерлар эса «**в а г н з е**» деб аталган.

#### Адабиётлар:

1. Аҳмедов Б. Тарихдан қисқача изоҳли лугат. – Т., 1977.
2. Бекмухамедов Х. Тарих терминлари изоҳли лугати. – Т., 1978.
3. Ртвеладзе Э.В. Великий Шёлковый путь. – Т., 1998.
4. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 1 – 2 жилд. – Т., 2000.

### Қадимги дунё тарихининг тарихий атамалари.

#### Режа:

1. Қадимги тарихнинг диний атамалари.
2. Ижтимоий – иқтисодий мавзудаги тарихий атамалар.
3. Маданият, санъатга оид тарихий атамалар.

Қадимги жамоа тузуми инсоният тарихида энг узоқ даврини ўз ичига олган. У одамзоднинг пайдо бўлишдан тортиб то феодализм давригача давом этган. Ибтидий жамоа кишилари ибтидий тўда ва уруғ – аймоқчилик деб аталадиган икки даврни ўз бошидан ўтказган.

Уруғ – аймоқчилик жамоасига ўтиш билан одамларнинг яшаш тарзи ўзгариб, ер юзининг баъзи жойларида термачилиқдан деҳқончиликка, овчиликдан эса чорвачиликка ўга бошлаган. Аста – секин одамлар ҳунармандчиликни ҳам ўзлаштира бошлаганлар.

Аввало уларнинг диний эътиқодлари билан боғлиқ тарихий атамаларга тўхталсак.

Ибтидий жамоа одамларининг дастлабки эътиқодлари табиат олдидаги ночорчиликларидан юзага келган. Шулардан бири **т о т е м и з м** бўлиб, ибтидий жамоа одамлари тотемларга – ҳайвон ва ўсимликларга сизинишган. Ҳар бир қабила ўзининг тотемига эга бўлган. Ўз навбагида ушбу тотемни ўлдириш, истеъмол қилиш таъқиқланган.

**Фетишизм** ( фр. fetich – тумор сўздан олинган) – жонсиз предметларга эътиқод қилишни англатади. Фетишизм предмети бўлиб мунчоқ, тумор қабилар асосий урини эгаллаган. Ҳозирги динларда ҳам баъзи бир предметлар фетишизмга мисол бўла олади. Масалан, Маккадаги Қоратош ислом динида, крест (хоч) христианлик динида муқаддас саналди.

**Анимизм** – ҳайвон руҳларига ишониш демакдир.

Қадимги Юнонистонда табақавий жамиятга ўтиш даврида диний тасавурлар ўзгара борган. Юнон дунёсида ҳар бир нарса, ҳодиса ва

касб — корнинг ўз ҳомийлари, яъни худолари бор деб ўйлаганлар. Бу кўп худоликнинг кўриниши эди. Юнонистонда бош худо **Зевс** бўлиб, осмон, момақалдирак, чақмоқ худоси бўлган.

У Олимп тоғида яшайди деб ўйлашган. Римликларнинг Юпитер худосига тенг бўлган.

**Посейдон** — «Ерни тебратувчи» даҳшатли денгиз худоларидан бири бўлиб, юнонлар ундан ҳам қаттиқ қўрққанлар. Улар Посейдонни ярим — яланғоч, қўлида уч айрилиқ баҳайбат найза ушлаган ҳолда тасаввур қилганлар. Афсонага кўра, у ўзининг уч айрилиқ найзаси билан ерни ларзага келтириб, денгизда бўрон кутарган ва кемаларни чуқртириб юборган.

**Гелиос** — қуёш худоси бўлиб, ошпоқ отлар қўшилган олтин аравасида осмонга чиққанида гўё кундуз бошланар экан.

**Апеллон** — ёруғлик ва санъат худоси бўлган. Юнонларда ҳосилдорлик маъбудаси **Деметрий** бўлиб, ўсимликларни баҳорда барқ уриб ўсиши, табиатнинг жонланиши, кузда уларнинг сулиб сарғайиши унга боғлиқ экан.

Ер ости салтанатининг ҳукмдори — ҳомийси **Аид** бўлган. Афсонага кўра одам ўлагач унинг жони ер ости салтанатига тушиб кетар экан. Аиднинг оёқлари остида уч бошли бир ит ўтириб, ҳаммани ер ости салтанатига ўтказиб турар экан. Лекин у ҳеч кимни қайтиб чиқишга йўл қўймас экан.

**Дионис** виночилик, **Афродита** дастлаб ҳосил, кейинчалик севги ва гўзаллик, айни пайтда денгиз саёҳатчилари ҳомийси бўлган.

**Афина** Зевснинг қизи бўлиб, у уруш, ғалаба, санъат, билим, донолик маъбудаси бўлган.

**Политизм** (юнонча theos — худо) — кўпхудолик, кўпхудоликка ийониш. Шунингдек, Афина шаҳрининг ҳомийси бўлган.

**Гефес** — темирчилик худоси ҳисобланган.

**Гермес** — савдо — сотиқ худоси.

**М и т р а и з м** эса Рим империясидаги асосий диний эътиқодлардан ҳисобланган. Унинг номи Митрадан олинган бўлиб, илк Митра культидан фарқ қилган. Митраизм Шарқда Рим легионерлари орасида тарқалиб, Флавий даврида Римга кўчирилган. Ўз мазмуни ва диний анъанасига кўра Митра Рим империясидаги барча аҳоли қатламлари кайфиятларига мос келган, аммо кўпроқ Рим легионерларининг манфаатларига мос келган. Митраизмнинг ер ости ибодатхоналари Рим империясининг Британиядан то Парфиягача бўлган улкан ҳудудларидан кўплаб топилган. Митраизм узок вақт Рим империясида христианлик динига мухолиф бўлган.

Ижтимоий ва иқтисодий атамаларини ўрганишда қуйидаги атамаларга эътибор бериш керак:

**П а т р и ц и й л а р** Қадимги Римнинг энг қадимги туб аҳолиси бўлиб, бунинг маъноси латинча pater — ота сўзидан олинган.

1909

Италиянинг бошқа жойларидан кўчиб келган одамлар ва уларнинг авлодларини **п л е б е й л а р** деб аташганлар.

**Полис** (юн. polis, лот. civitas) — шаҳар — давлат, Қадимги Италиядаги давлат ва жамиятнинг ижтимоий — иқтисодий ва сиёсий ташкилоти ҳисобланган. Полислар тенг ҳуқуқли граждандардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ер эгаллиги ва сиёсий эркинликларга эга бўлган. Полисда ҳокимият шакли турлича (олигархия, демократия) бўлган.

**Эн** — Мессопатамияда милавв. III—II минг йилликларда шаҳар — давлатлар номи. Энарни олий руҳоний бонқарган. Уни **л у г а л ь** деб ҳам аташган.

**Сенат** — (лот. senatus, senex — қария) — Қадимги Римда республика даврида юқори ҳокимият органи ҳисобланган. Афинада оддий халқ **д е м о с** деб аталган. Демоснинг кўпчилигини оддий деҳқонлар, ҳунармандлар, денгизчилар, матрослар ва мардикорлар ташкил қилган. Милоддан аввалги VIII — VII асрларда демоснинг бир қисми бойиб кетган. Уларнинг орасида бой савдогарлар, кема ва устахоналарнинг эгалари, шунингдек бадавлат деҳқонлар етишиб чиққан. Уларнинг ихтиёрида ҳам қуллар бўлиб, айти пайтда улар мардикор ёллаб ишлатар эдилар. Аммо демоснинг ҳуқуқи чекланган бўлиб, улар аслзодаларга тобе эдилар.

Ҳиндистонда милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярмида тепасида подшо турган кўпгина давлатлар ташкил топа бошлаган. Мулкий тенгсизликнинг кучайиши жамоанинг турли **в е р н а л а р** га — тоифаларга бўлинишига олиб келган. Булар брахманлар, хоҳинлар, кшатриялар, вайшилар ва шудралардир.

Милоддан аввалги XIII аср бошларида Лаконикани дорийлар истило қиладилар. Дорийлар Эврат дарёсининг ўнг соҳилида бир шаҳар барпо қилганлар. Улар бу шаҳарни Спарта деб, ўзларини эса спарталиқлар деб атаганлар. Истилочи дорийлар Лаконикани босиб олганларидан сўнг қўшни Мессенияни ҳам истило қилганлар. Спарталиқлар итоат эттирилган аҳолининг кўпчилик қисмини қул қилганлар. Қул қилинган маҳаллий аҳоли **и л о т л а р** деб аталган. Бу сўзнинг маъноси «асир олинган» демакдир.

Милоддан аввалги V — IV асрларда бутун Юнонистонда ҳунармандчилик ривожланди. Афина ва бошқа шаҳарларда тўқимачилик, заргарлик, кулолчилик, тикувчилик, қуролсозлик ва меъморчилик авж олади. Бу ерда ҳар хил ҳунармандчилик устахоналари ва ишхоналар **э р г а с т и ц и я** деб аталган.

**Гладиатор** — (лот. gladiator, gladius — қасос) — Қадимги Римда қуллар, ҳарбий асирларнинг цирк саҳналарида бир — бирлари билан ёхуд ёввойи ҳайвонлар билан урушишига мажбур этилган қисми. Улар махсус мактабларда ўқитилганлар. (Римда, Капуя ва Пренестда ана шундай махсус мактаблар бўлган.) V асрдан бошлаб гладиаторлар жанглари тўхтатилган.



Айтиш мумкинки, қулар меҳнатининг самарасизлигини кўрган кўпгина ер эгалари ўз хўжаликларидаги ерларни кичик – кичик қисмларга бўлганлар. Улар бу ерларни ерсиз эркин камбағалларга ижарага берганлар. Кичик – кичик ерларни ижарага олган кишилар Римда **к о л о н л а р** деб аталган.

Қадимги Рим тарихида этрусклар алоҳида из қолдирганлар. Қадимги Римликлар уларни «тусклар», юнонлар «тирренлар», ўзлари эса ўзларини «расен»лар деб номлаганлар. Мидоллан аввалги VIII – VII асрларда этрусклар Подус (По) дарёсининг қуйи оқими билан Тибр дарёси оралигидаги ерларда яшаганлар. Этрусклар жамияти ҳам кулдорлик жамияти бўлган. Уларда ҳукмдорлар **л у х о м о н**, қарам кишилар **л а т у н л а р** деб аталган.

**Театр** (юнон. theatron – кўриш жойи, томошагоҳ) маънони англаиб, санъат тури ҳисобланади. Унда саҳна ҳаракати намойиш этилади. Теарт манбаси бўлиб қадимги ов ва қишлоқ хўжалик ўйинлари, оилавий халқ урф – одатлари хизмат қилган. Қадимги юнонистонда театрнинг турли шакллари бўлиб, улар ўз анъаналари ва саҳна техникасига эга бўлган. Театр томошаларининг хилма – хил ва бой шакллари Ҳиндистон, Хитой, Индонезия, Япония ва бошқа мамлакатларда ҳам мавжуд.

**Комедия** (юнон. komodia) – драма жанрларидан бири бўлиб, ундаги қаҳрамонлар комик (кулгили) тарзда намойиш этиларди, трагедиянинг акси.

**Трагедия** (юнон. tragodia – эчки қўшиғи) драма тури бўлиб, трагик (фожеа) қаҳрамонлар иштирокида намойиш этилади. Трагедиянинг асосини жамиятдаги кескин зиддиятлар, инсон ҳаётининг муаммолари, шахслар ўртасидаги тўқнашувлар ташкил қилади.

Трагедия одатда бош қаҳрамоннинг ўлими билан якунланади. Трагедиянинг классик жанри қадимги Римда Эсхил, Софокл томонидан яратилган.

**Амфитеатр** (юнон. Amphitheatron) – Антик давр томошагоҳи бўлиб, ўртада саҳна, атрофида эса томошабинлар учун зинасимон ўриндиқлар бўлган (масалан, Римдаги Колизей амфитеатри).

#### Адабиётлар:

1. Бобоева М.К., Қурбонғалиева Р.С Қадимги дунё тарихидан изоҳли луғат. – Т., 1992.
2. История первобытного общества: эпохи первобытной родовой общине. – М., 1986.
3. История Древнего Рима. – М., 1981.
4. История Древней Греции. – М., 1972.
5. Энциклопедический словарь. – М., 1987.
6. УМЭ, 1 – 2 ж., – Т., 2000
7. Қадимги дунё тарихи. I – II жилд – Т., 1975.



## Ўрта Осиёга араблар босқини. Араб тилидан ўзлашган тарихий атамалар.

### Режа:

1. Ислом динининг пайдо бўлиши ва Ўрта Осиёда тарқалиши.
2. Ислом дини билан боғлиқ ва араб тилидан ўзлашган атамалар.
3. Иқтисодий мавзудаги тарихий атамалар.

VII асрнинг иккинчи ярми – VIII асрнинг бошларида Ўрта Осиёга арабларнинг ҳужуми кучайди ва натижада кўплаб ҳудудлар араб ҳукмронлиги остига ўтди. Араблар Ўрта Осиё халқларини янги дин – Исломга киритдилар. Худди шу даврдан араб тили ва ёзув кенг тарқалди. Натижада тилимизга араб тўхталар эканмиз, истилочиларнинг Мовароуннаҳрда ўрнатилган сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлаш ва унинг барқарорлигини таъминлаш учун Ислом динини тарғиботини ва уни ерли аҳоли ўртасида ижтимоий табақалардан қатъий назар, кенгроқ ёйишга аҳамият бердилар. Бир нечта мажусий динларга толинувчи ва ўз эътиқодига эътиқоди кучли бўлган Мовароуннаҳрни эътиқодли аҳолисини узил – кесил бўйсундиришда ягона динга – Ислом динига бирлаштириш ҳам қилувчи аҳамият касб этишини араблар яхши тушунардилар. Ислом дини бошда зўрлик билан аҳоли ўртасида тарғиб қилинди. Ислом динининг кириб келиши, шубҳасиз, Ўрта Осиё халқлари ҳаётида янги даврни бошлади.

Ислом араб дунёсида пайдо бўлган бўлса – да, унинг ҳуқуқий асоси Ўрта Осиёда шаклланди. Қуръонга шарҳлар (Тавсир), Ҳадис илми ва фикҳ (Ислом ҳуқуқшунослиги) каби Ислом динидаги алоҳида соҳаларнинг пайдо бўлиши ва тараққиётига Ўрта Осиёлик олимлар, уламолар ҳисса қўшдилар. Буни бутун Ислом олами ҳам эътироф этиб келмоқда.

Президентимиз И.Каримов шундай деган эди: «Мен фахр билан айтишим мумкинки, халқимизнинг бутун тарихи давомида ҳеч қандай низо, одамларни миллати ва диний мансублигига қараб айириш ҳоллари бўлмаган ва биз ҳеч қачон йўл қўймаймиз». Айтиш мумкинки, бу динлараро бағрикенглик – толерантликнинг кўринишидир.

**Толерантлик** (лот. *Tolerantia* – сабр) бошқаларнинг фикр, эътиқод ва эркинликларига бағрикенглик ва сабр – тоқат билан муносабатда бўлишдир.

Таъкидлаш жоизки, Ислом дини билан боғлиқ янги атамалар ҳам пайдо бўлди. Аввалги диний атамалар секин – аста ўз таъсирини йўқота борди. Иқтисодий ҳаётда ҳам янги солиқлар солиниши билан янги атамалар пайдо бўлди. Араблар Мовароуннаҳрнинг иқтисодий ҳаётини ўз қўлларида жиловлаб олиш учун сосонийларнинг солиқ тартибини жорий этдилар. Уларнинг номланиши араб тилидан кириб келди.

Араб тилидан ўзлашган атамаларнинг деярли кўпчилиги қисми ҳозирги давримизда муомалада ишлатилиб келинмоқда.

**Ислом** — дунёда энг кўп тарқалган динлардан бири бўлиб, унга эътиқодда бўлганларни мусулмонлар деб аталади. Ислом дини ягона худо — Аллоҳга эътиқод қилади. Ислом дини VII асрда Арабистонда вужудга келган. Муҳаммад Пайғамбар ислом динининг асосчиси. Ислом дини бугунги кунда араб давлатларида, Туркия, Эрон, Афғонистон, Покистон, Индонезия, Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон ва бошқа бир қатор мамлакатларда асосий дин ҳисобланади.

**Қуръон** — Мусулмонларнинг асосий муқаддас китоби. Муҳаммад Пайғамбарнинг Макка ва Мадинада олиб борган оғзаки диний тарғиботлари тўпламидан иборат. Қуръонда ислом қоидалари, эътиқод талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий нормалари ўз ифодасини топган. Ислом анъанасида Қуръон Аллоҳ томонидан Муҳаммад Пайғамбарга рамазон ойининг 27—куни кечаси ваҳий қилиниб, рўза тутилган. Унинг 27—куни кечаси «лайлот ул—қадр», яъни қудрат кечаси, илоҳиёт қудрати намоён бўлган кеча деб улуғланади. Қуръон китобини «Қуръони Карим», «Қуръони Масжид» деб сифатлашади.

**Мовароуннаҳр**—арабча сўз бўлиб, луғавий маъноси дарё ортидаги ер, деган маънони билдиради.

Араблар Ўрта Осиёни босиб олгандан кейин Амударёдан шимолгача қараб ҳўзилган Ўрта Осиё ерларини Мовароуннаҳр деб аташган.

**Авлиё** — Ислом динида Аллоҳга яқин киши, ҳомий, «бандаларнинг ҳомийси» маъноларини билдиради. Авлиё худонинг алоҳида илтифотидан баҳра олиб, илоҳий қудратга эга бўлган, одамларнинг ҳаётига, турмушига таъсир кўрсата оладиган киши ҳисобланади. Мана шунинг учун ҳам мусулмонлар авлиёларнинг мазорларига сизинишиб, улардан мадад сўрашади.

**Азон** — Исломда ҳар куни беш маҳал ўқиладиган намоз вақтини эълон қилиш ва унга даъват қилиш. Намозга ҳар бир масжидда маҳсус киши — **м у а з з и н** томонидан азон айтиб қақиради.

**Амир** — Ислом дини қабул қилингунга қадар арабларда амир сўзи қабила бошлиғи, ҳарбий бошлиқ деган маъноларни билдирган. Араблар кўп жойларни босиб олиб, ўз динларига ўтказгандан сўнг араб халифалигига қарам бўлган мамлакатларни бошқариш учун тайинланган ҳокимни, кўшин қўмондони ва йирик лашкарбошилари амир деб аташган.

**Амир ал—мўминин** — мўминларнинг ҳукмдори. Илк Ислом даврида халифаларнинг кенг қўлланилган унвони. Бу унвонни дастлаб халифа Умар олган. Кейинчалик барча халифалар деган маънони англатади.

**Анбиёи —изом** — Улуғ пайғамбарлар деган маънони англатади.

**Ансорлар** — Ислом тарихида 622 йилда Маккадан Мадинага кўчиб келган мусулмонларга ва уларнинг Пайғамбари Расулulloҳ Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламга ёрдам берган ва ислом динини қабул қилган

мадиналик авс ва ҳазраж қабилаларининг аъзоларига нисбатан қўлланилган ном. Ансорлар Маккадан қочиб келган муҳожирлар билан бирга илк мусулмонлар жамоасини ташкил қилган.

**Байгуллоҳ** — Макка Ислom динининг ягона марказига айланганидан кейин Оллоҳнинг уйи — Каъбага берилган ном.

**Байтулмол** — Ислom мамлакатларида давлатга қарашли қимматбаҳо буюмлар, мол — мулклар ҳамда эгасиз қолиб давлат ихтиёрига ўтган мол — мулк ва шу мол — мулк сақланадиган махсус жой, хазина.

**Бидъат** — Ислom динидаги расмий таълимотларга қарши янги фикр ва ақидалар Ислom Муҳаммад (С.А.В.)дан кейин пайдо бўлган унсур ва қоидалар.

**Бурок** — ривоят бўйича меърож кечаси Маккадан Байтулмуқаддаста, кейин осмонга Муҳаммад (С.А.В.)ни олиб кетган отнинг номи.

**Умра** — Ислom анъанасида кичик ҳаж. Каъба зиёратига бориладиган муайян кунлардан бошқа вақтда Маккага бориб ҳаж қилиш «кичик ҳаж» деб ҳисобланган ва у м р а деб аталган.

**Фатво** — Ислomда муфтий ёки уламолар кенгаши томонидан диний, ҳуқуқий, сиёсий ҳамда ижтимоий масалаларда бериладиган қарор, ҳукм ёки изоҳ. Фатво диний жамоалар, муассасадар ва мусулмонлар томонидан бажарилиши керак. Фатво Куръон, ҳадислар ва шариатга ёки илгари берилган фатволарга асосланиши керак.

**Фиқҳ** — мусулмон ҳуқуқшунослиги, шариат қонун — қоидаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи Ислom илоҳиегининг бир соҳаси. Фиқҳ диний ҳуқуқшунослик сифатида икки соҳада — шариат манбаларини ишлаб чиқиш (усул ал — фиқҳ) ва шариатни аниқ соҳаларга татбиқ қилиш (фурурь ал — фиқҳ)дан иборат.

**Халифа** — ўринбосар, ноиб, муовин. Мусулмон жамоаси ва мусулмон теократик давлати (Араб халифалиги)нинг диний ва дунёвий бошлиғи. У Муҳаммад Пайғамбарнинг ўринбосари, уммавийлар давридан бошлаб эса Аллоҳнинг ердаги ноиб ҳисобланган. Биринчи тўрт халифа (Абубакр, Умар, Усмон, Али) «ал — Хулафо ар — рошидун» номи билан машҳур бўлганлар. Улар Муҳаммад пайғамбардан сўнг араб халифалигини бошқарганлар:

1 Абубакр (632 — 634).

2 Умар (634 — 644).

3 Усмон (644 — 656).

4 Али (656 — 665).

Уммавийлардан кейин аббосийлар, шунингдек, фотимийлар сулоласи вакиллари ҳам халифа унвони билан ҳокимиятини бошқарганлар.

**Сайид** — арабларда мусулмон даври бошлангунга қадар қабиланинг сайланадиган раҳбарининг унвони бўлиб, бошлиқ, масъул шахс деган маънони билдирган. Муҳаммад Пайғамбарнинг амакиваччаси Алининг отаси Абутолиб бир вақтлар курайш қабиласининг сайидларидан бўлган. Шунинг учун бу унвон Муҳаммад Пайғамбарнинг неваралари, Алининг

уйиллари, Ҳасан ва Ҳусаннинг бутун авлодлари исмига қуйиладиган фахрий унвон ҳисобланган. Сайидларнинг қизига уйланган кишининг фарзандлари ҳам сайид ҳисобланган. Мана шунинг учун ҳам мусулмон дунёсида, жумладан, Мовароуннаҳрда ҳам кўпинча ҳукмдорлар ҳам ўз авлодларининг мавқеини кўтариш мақсадида сайидлар қизига уйланишга ҳаракат қилинган. Манғитлар сулоласининг сўнгги вакили Саид Олимхон она томонидан Алининг авлоди ҳисобланган.

**Хўжа** — том маънода, асосан Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари ўртасидаги феодал ижтимоий табақа. Хўжалар сайидлардан кейинги ўринда турган. Кенг маънода феодал жамиятдаги ҳукмрон табақалар вакили. Хўжаларнинг келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар мавжуд. Баъзи маълумотларга қараганда хўжалар дастлабки тўрт халифа — Абу Бакр, Умар, Усмон, Алидан тарқалган дейилса, бошқа манбаларда арабларнинг истилочилик юришларида бошчилик қилган саркардаларининг насли деб ҳисобланади. Хўжалар Ислом оқсуяк табақаси сифатида маълум имтиёзларга эга бўлганлар. Улар кўп ҳолларда ўлим, тан жазоси, урушларда қатнашиши ҳамда солиқ тулашдан озод этилганлар. Хўжалар қизини фуқарога бериш ман этилган.

**Шариат** — Ислом диний ҳуқуқ тизими. Унда соф ҳуқуқий масалалардан ташқари, ахлоқий нормалар ва амалий талабларга ҳам қонун туси берилган.

**Таровиҳ** — диндорлар томонидан рамазон ойи давомида, яъни рўза тутиш кечалари ўқиладиган қўшимча намоз.

**Мунофиқлар** — Ислом тарихига хос атама бўлиб, икки юзламачиликни англатган. Ислом динининг юзаки қабул қилиб, ўзи эса аввалги қабилавий динига сиғишни давом эттирган арабларга нисбатан қўлланилган.

**Мурид** — пир еки эшонга қўл бериб, уларни ўзининг раҳнамоси деб билган шахс. Муридлар ўз пирларига итоат этиши, хизмат қилиш ва уларнинг изидан бориши лозим бўлган.

**Нойиб** — Ўрта асрларда мусулмон давлатларида ўлка ёки вилоят ҳукмдори. Олтин Ўрдада нойиб хоннинг йирик вилоятларидаги ердამчиси.

**Садақа** — мусулмонларда фақирларга хайр—эҳсон тариқасида бериладиган ҳаёда. Садақа қаттиқ касалик, ёмон туш, қўққисдан бирор фалокатга йўлиқиш натижасида юз берадиган кулфат ва мусибатнинг олдини олиш мақсадида берилган. Шунингдек, бирор хурсандчилик муносабати билан, саёҳат юзасидан садақа бериш ҳам расм бўлган.

**Рўза** — Исломнинг фарз ҳисобланган маросимларидан бири. Қуръони Каримда ёзилишича, рамазон ойи давомида Аллоҳ Муҳаммадга Қуръонни ваҳий қилиб юборган, шунинг учун ҳар бир мусулмон 30 кун саҳардан шомгача рўза тутиши керак бўлган. Шариатда рўза тутишни эркаклар учун 12 ёшдан, аёллар учун 9 ёшдан белгиланган. Унда кўрсатилишича, чўмилиш, чекиш, гул ҳидлаш, овқат истеъмол қилиш,

дори ичиш билан рўза бузилади. Бу маросим Қуръони Карим, Хадис ва шариатда гуноҳлардан қутулиш, савоб орттириш учун энг яхши йўл деб талқин қилинади. Рўзадан ҳомиладор, эмизикли аёллар, оғир беморлар ва сафарга чиққанлар озод этилган.

**Салла** — Мусулмонларда бошга ўраладиган мато. Асосан эркаклар ўрайди. Оқ, яшил, кул ранг матолардан кўпинча доқадан иборат бўлиб, дўши, телпак устидан ўралади. Киши сафарда, йўлда вафот этган, жангда ҳалок бўлган пайтларда салласидан кафан қилишга мўлжалланган. Салла ураш усуллари, матоси кишиларнинг қайси ижтимоий гуруҳга мансублигига қараб белгиланган. Масалан, узларини сайидлар деб ҳисобловчилар ва ҳожилар яшил матодан салла ураганлар.

**Сунна** — Муҳаммад Пайғамбарнинг кўрсатмалари ва оятлари ҳақидаги ҳадислар, ривоятлар. Исломда фақат Муҳаммад ибрати, анъанаси деб эътироф этилиб, Қуръони Каримдан кейинги муқаддас манба ҳисобланади. Сунна VII аср урталарида йиғила бошлаган.

**Сўфи** — 1. Масжидда азон айтиб, намозга чорловчи шахс. Муаззин атамасининг синоними. Муаззин халқ тилида «сўфи» деб ҳам аталади. 2. Намозхонлар сафини тартибга солувчи. 3. Сўфи тариқат ва сулуқда бўлган мурид.

**Лайлат — ул қадр** — рамазон ойининг 27 — кунга ўтар кечаси. Ислом динига сийновчилар ҳар йили шу кечада Аллоҳ ҳар бир инсоннинг ибодат пайтида илтижо қилган тилагини ҳисобга олиб, унинг тақдири ҳақида ҳукм чиқаради, деб тасаввур қиладилар. Мана шунинг учун ҳам Лайлат ул — қадр кечасининг Қуръон ўқиб, Аллоҳга илтижо қилиб, дуо ва ибодат қилиб ўтказиш расм бўлган.

**Масжид** — саждагоҳ, мусулмонларнинг ибодат жойлари. Мусулмонлар жамоа бўлиб, намоз ўқийдиган жой. Масжидлар асосан мусулмонларнинг кундалик беш вақт намоз ўқиши учун мўлжалланган муқаддас жой. Жума ва Ҳайит намозлари эса жомеъ масжидларида ўқилади. Биринчи масжидни Мадинада Муҳаммад Пайғамбар қурдирган.

**Имом** — арабча сўз бўлиб, намозда жамоатнинг олдида туриб намозни бошқарувчи киши. Шунингдек, Ислом динида мусулмонларнинг раҳбари, бошлиғи демакдир. Имом атамаси ниҳоятда кенг мазмуни бўлиб, қуйидаги маъноларда ишлатилган ва ишлатилмоқда: 1. Суннийликда барча мусулмонларнинг олий раҳбари; 2. Суннийликка шариат мазҳабларининг асосчиси; 3. Шиаликда энг юксак раҳнамо, яъни Ҳазрати Али ва унинг авлодлари; 4. Суннийликда ҳам, шиаликда ҳам масжидда намозни бошқариб борувчи диндор — масжид имоми.

**Мадраса** — Мусулмон илоҳиётининг масалаларини шарҳлаб бериб турадиган марказ. У мадраса сифатида арабларда VII — VIII асрларда пайдо бўлган. Кейинчалик айрим масжидлар қошида илоҳиёт мактаблари таркиб топиб, мадраса деб атала бошланган. Мадрасалар хонлар ва йирик ер эгалари ва бошқа давлатманд кишилар томонидан қурдирилган. Мутавалли вақфдан тушган даромадни мударрис, муллавачча, имом ва



бошқаларга тақсимланган. Мадрасага мактабни тугатган успирилар қабул қилинган. Ўрта Осиёдаги мадрасаларда араб ва форс тилида ёзилган «Аввали илм» китоби ўқитилган. Айрим мадрасаларда тиббиёт, аруз илми, фалсафа, география ва бошқа фанлар ҳам ўқитилган. Мадрасанинг ҳар бир босқичида ўқиш муддати 3—4 йил давом этган.

**Мавлид** — Муҳаммад Пайғамбарнинг туғилган куни билан боғлиқ диний байрам. Раби ал—аввал ойининг 12 куни нишонланади. Мусулмон мамлакатларида мавлуд куни дуолар, Пайғамбар шаънига мадҳиялардан иборат шеърлар ўқилади, садақалар берилади, диндорларнинг йиғилишлари ўтказилади.

**Маддоҳ** — XX аср бошларига қадар Ўрта Осиё ҳудудида одам гавжум, майдонларда, жойлардаги очиқ майдон ва чойхоналарда ҳамда саройларда одамларни тўшлаб, уларга азиз авлиеларнинг кароматли мужизаларини изоҳлаб берувчи, диний қонун—қоидаларини шарҳлаб тушунтирувчи диний нотик. Маддоҳ хизмати эвазига тингловчиларидан назр йиғиб олинган.

**Мажлис** — расмий доираларда қўйиладиган масалани муҳокама қилиш учун бўладиган йиғилиш ва муҳокама жараёни.

**Мазҳаб** — шариат мазҳаблари: Исломда диний ҳуқуқ тизимлари ва йўналишлари. VII — IX асрларга келиб, шариатнинг шаклланиши жараёнида ҳуқуқшунослик, фикҳ соҳасида жуда кўп мазҳаблар юзага келган. Ҳозирги вақтда суннийликда 4 та мазҳаб — ханафия, маликия, шофиъи, ханбалия; шиаликда битта мазҳаб — жаъфария сақланиб қолган. Шариат мазҳаблари диний ақталардан фарқ қилади. Мазҳаблар умуман диний ҳуқуқ доирасидан чиқмаган ҳолда шариат масалаларида энгилроқ еки қаттиқ ҳукм чиқариш билан бир—биридан фарқ қилади. Ҳозир Ўрта Осиёда ханафия мазҳаби ҳукмрон.

**Макруҳ** — шариат тушунчаларидан бири. Қатъиян таъқиқ қилинмаган, лекин номақбул ҳисобланган ва рад этилган ҳатти—ҳаракатлар макруҳ ҳисобланган ва бу учун жазо белгиланмаган.

**Маликийлар** — Исломнинг сунний оқимидаги мазҳаблардан бири бўлиб, Малик бин Анас асос солган. Бу мазҳаб тарафдорлари ҳуқуқ масалаларида рационалистик услубга, яъни ақлга асосланган ҳолда талқин қилишга қарши чиққан. Дастлаб Ҳижоз ва Мадинада, кейин бошқа мамлакатларда тарқалган.

**Имомийлар** — шиаликда асосий оқимларидан бирининг тарафдорлари, яъни Али авлодига таалуқли 12 имомни тан олувчи муътадил шиалар. Имомийлар 11 имом Ҳасан ал—Асқарий вафотидан (873 йил) кейин унинг ёш ўғли Муҳаммадни охириги 12 чи имом деб тан олганлар. Ривоятларга кўра, бу имом йўқолган. Имомийлар уни «яширинган имом», яъни маҳдий эълон қилганлар. У қайтиб келиши билан адолат тантана қилади деб ҳисоблайдилар «Яширинган имом»га эътиқод имомийларнинг асосий ақидаларидан биридир. Имомийлар шиаларнинг анча кўп тарқалган қисмидир.



**Исмоилийлар** – VIII аср ўрталарида араб халифалигида шиа оқими доирасида шаклланиб, X–XI асрларда яқин ва ўрта шарқда кенг тарқалган диний мақсад тарафдорлари. Мазҳаб шиаларининг имом Жаъфар ал–Содиқнинг катта ўғли Исмоил номи билан боғлиқ. Имом Жаъфар катта ўғли Исмоилни маҳрум қилиб кичик ўғли Мусо ал–Козимни ворис қилиб тайинлангандан кейин бундан порози бўлган Исмоил тарафдорлари Жаъфар вафотидан сўнг унинг ўғли Муҳаммад ибн Исмоилни имом деб тан олганлар. Кейинги даврларда халифаликда кутарилган жуда кўп кўзголонлар ва тахт учун курашларида исмоилий таълимоти диний ниқоб бўлиб хизмат қилган.

**Зиммийлар** – Ислом дини ҳукмрон бўлган мамлакатларда яшаб турувчи, аммо бошқа динларга мансуб бўлган мусулмонлар ҳимоясидаги аҳоли, ёхуд шарнома кишилари. Ўрта асрларда араб халифалигида мусулмон бўлмаган аҳолига маъмурият билан икки ўртада тузилган шартнома асосида шахс ва мулк дахлсизлиги ҳамда ўз динларига эркин синдириши ҳуқуқни таъминлаш ҳақидаги кафолат. Ислом давлати ўз ҳимоясида сақлаб турганлиги зиммийлар жон солиғи – жузья ва ер солиғи хирож тўлашга мажбур бўлганлар.

**Зоҳид** – VIII–X асрларда Мовароуннаҳрда молу–дунёга рағбат ва хоҳиши бўлмаган киши: тарки дунё қилган ва ҳаёт лаззатларидан воз кечган киши. Зоҳидлар мусулмонларни бу дунё роҳат фароғатидан воз кечишга, жабр зулмга чидашга ундаганлар. Зоҳидлик сўфийликнинг айрим оқимлари билан боғлиқ бўлган.

**Ийд, ийд аёми** – мусулмонларнинг диний байрамлари. Ийд атамасининг бир оз бузилган ўзбекча талаффузи ҳайитдир. Ўтмишда етти кун давом этадиган ийд ал–қурбон, яъни қурбон ҳайити (баъзи манбалари 3 ёки 4 кун бўлган) ва уч кун давом этадиган ийд ас–фитр, яъни руза ҳайити кунлари орасида ийд айёми деб юритилган.

**Илоҳиёт** – диний ақидалар ва улар ҳақидаги илоҳий кўрсатмаларни ўз ичига олган диний таълимот. Илоҳиёт ҳозир ҳам диний мадраса, институт ва университетларда ўқитилади. Исломда илоҳиёт илк шаклланиши даврдан бошлаб Калас деб номланган.

Араб тилидан ўзлашган иқтисод билан боғлиқ тарихий атамалар:

**Хирож** – Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, жумладан, Ўрта Осиёда давлат томонидан ундирилган ер солиғи. Хирож араблар томонидан жорий қилинган. Хива ва Қўқон хонликларида ҳамда Бухоро амирлигида жорий йиғиш учун ҳар бир вилоятларга саркор, девонбеги ва котиб сайланган. Хива хони Муҳаммад Раҳим I хирожни пул билан ундиришни жорий қилган. Бунда хирож олинган ҳосил миқдоридан эмас, балки ер эгасининг ҳўжалиги ва ер майдонига қараб олинган. Қўқон хонлиги Россия томонидан босиб олингандан кейин хирож бу ерда натура ўрнига пул билан йиғиладиган бўлган.

**Мутаваллий** — вақф мулкига ва ундан келадиган даромадга васийлик қилувчи. уни тақсимловчи диний амалдор. Вақф ерларни ижарага бериш, вақф мулкида хужалик ишларини юритишни ҳам мутаваллий бажарган.

**Закот** — Ислом дини беш асосий талабларидан бири бўлиб, мол — мулк ва даромаддан бериладиган садақа, хайр — эҳсон, солиқ. Шариатга мувофиқ, муайян бойликка эга бўлган катта ёшдаги мусулмон закот беради. Закот миқдори пул даромадларидан қирқдан бир улушига тенг. Деҳқонлар ва чуёнлардан олинадиган закот миқдори бирмунча юқори бўлган. Закот камбағаллар, етим — есирлар, касаллар ва ҳеч кими йўқ аёллар ўртасида тақсимланиши лозим бўлган.

**Вақф** — давлат томонидан, шунингдек, айрим кишилар томонидан диний муассасалар, масжидлар, мадрасалар, ихтиёрий даромаддан фойдаланиб туриш, аммо сотмаслик шarti бўлиб ўтказилган еки васият қилиб қолдирилган мол — мулк, яъни ер — сув, бино ва бошқалар вақф дейилади. Вақфдан келадиган даромадлар диний муассасалар ва уларда хизмат қиладиган дин пешволарига берилган.

**Иқтоъ** — ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида Ҳукмдор томонидан феодалга катта хизматлар эвазига инъом қилинган чек ер. Одатда, иқтоъ умрбод берилмай, ҳукмдор уни истаган вақтда қайтариб олиб, бошқа кишига тортиқ қилиш мумкин бўлган. Иқтоъ ҳақидаги дастлабки маълумотлар VII аср охирига мансуб араб манбаларида учрайди. IX асрга келиб халифа томонидан араб амирига идора қилиш учун берилган вилоятлар ҳам иқтоъ деб аталган.

**Ушр** — мусулмон мамлакатларида натура шаклида ундирилган солиқ. Ушр солиғи ҳар йили деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик маҳсулотлари ва бошқалардан олинган.

#### Адабиётлар:

1. Каримов И. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. — Т., 1999.
2. Ислом справочниги. — Т., 1989.
3. Аҳмедов Б. Тарихдан қисқача изоҳли луғат. — Т., 1977.
4. Бекмуҳамедов Х. Тарих терминлари изоҳли луғати. — Т., 1978.
5. Историческая энциклопедия. Т. 1 — 12. — М., 1961 — 1972.
6. Фомченко А.П. Ўрта асрлар тарихидан изоҳли луғат. — Т., 1979.
7. Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати. — Т., 1999.
8. УМЭ, 1 — 2 ж. — Т., 2000.

## Ўрта Осиё давлатларининг IX – XVIII асрлардаги тарихий атамалари.

### Режа:

1. Сиёсий – ҳарбий мавзудаги тарихий атамалар.
2. Иқтисодий мавзудаги тарихий атамалар.
3. Оғирлик ва узунлик ўлчов бирликларини ифодаловчи атамалар.

Ўрта Осиё мамлакатларининг тарихий атамашунослиги оғзаки нутқнинг ривожланиши билан боғлиқ. Шу билан бирга минтақада форс (эроний) атамаларининг ҳам таъсири кучли бўлган. Бундан ташқари XII – XIV асрларда кўчманчи мўғуллар босқини ва кейинроқ кўчманчи ўзбекларнинг кириб келиши билан боғлиқдир. Ушбу давр атамаларининг энг кўп қўлланилганлари келтириб ўтамиз. Сиёсий – ҳарбий мавзудаги тарихий атамалар:

**Девон** – сомонийлар даврида бошқарув шакли бўлиб, вазирлар маҳкамаси вазифасини ўтаган. Девонбеги эса вазирлар маҳкамасининг бош маъмури бўлган.

Сомонийлар даврида шаҳар ҳокими **раис** деб аталган. Вилоят ҳокимлари эса баъзан **вазир** деб аталган.

**Мухтасиб** – мусулмон мамлакатларидаги амалдор. Кўпинча сайидлардан тайинланган. У аҳолининг урф–одатларга амал қилиш ҳамда бозорлардаги нарх–наво ва ўлчов асбобларининг тўғрилиги устидан назорат қилиб турган. XIX – XX асрларда Бухорода мухтасиб раис деб ҳам аталган.

**Гўрхон** – қорахитой хонларининг фахрий лақаби.

**Кешик** – XIII асрда мўғуллар қўшинидаги заҳира қисм: гвардия, гуруҳ.

**Доруға** – ҳарбий маъмур.

**Изофа** – заҳира қисм.

**Оталиқ** – дастлаб салжуқийлар сулоласи даврида (1038–1194) хон эътиборини қозонган кишиларга берилган мансаб. Оталиқ «Ота ўрнига ота» деган мазмунга эга бўлиб, унинг вазифаси шаҳзода ёки хонзолаларни тарбиялаш ва улар ихтиёридаги улусни балоғатга етганларига қадар бошқаришдан иборат бўлган. Тарихда баъзи оталиқлар ҳокимиятни ўз қўлларига олган ҳоллар ҳам бўлган. Чунончи, аштархонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида (1599–1753) Балхда Маҳмудбий оталиқ (XVIII аср бошлари), Манғитлар сулоласи ҳукмронлиги даврида (1753–1920) Бухорода Муҳаммад Раҳим оталиқ (1753–1758) мана шундай йўл орқали ҳокимиятни эгаллаган.

**Соҳибқирон** – 1 Қуёш тизимидаги катта сайёралардан иккитасини бир–бирини тўсиш пайтида туғилган одам. Ривоятларга қараганда, Амир Темур икки шарофатли юдузлар Зуҳра ва Муштарий сайёралари бир–

бирларига яқинлашган пайтда тузилган экан. Мунажжимларнинг фикрига кўра, бундай одам бахтли, улуғ мартабали бўлиши муқаррар саналган. Амир Темурнинг Соҳибқирон деб аталиши ҳам шундан. Соҳибқирон сўзининг асл маъноси «бахтиёр подшоҳ», «қудратли подшоҳ» демакдир:

2. Шарқ мамлакатларида обрўли, голиб подшоларга берилган унвон. Ўрта Осиёда дастлаб Амир Темурга шундай унвон берилган.

Маълумки, Амир Темур ўзининг ҳарбий муваффақиятларига ўзининг кучли қўшини билан эришган. У қўшинни ўнталик аскарый бирикмалардан иборат лашкарлардан тузган. Лашкар ўнг минглик бўлса — туман, минглик эса — **ҳазора**, юзлик — **хушун**, ўнлик эса — **хайл** деб номланган. Уларга бошчилик қилган лашкарбошилар эса **туман оғаси**, **мириказора**, **қўшинбоши**, **айлбоши** деб юритилган.

**Амир** — Муғуллар истилосидан сўнг Олтин Ўрда, кейин Ўрта Осиё ва Эронда мўғул ва турк қабиалари бирлашмаси — улус бошлигининг унвони ҳам амир деб аталган. Соҳибқирон Темурнинг унвони ҳам амир бўлиб, тарихда Амир Темур деб юритилган. XVIII аср охиридан бошлаб, Бухорода манғит сулоласига мансуб бўлган ҳукмдорлар ҳам ўзларини амирлар деб юритишган.

**Амирлик** — мусулмон мамлакатларида амир томонидан бошқариладиган мамлакат. XVIII асрнинг ўрталаридан бошлаб Бухоро хонлиги Бухоро амирлиги деб юритилган.

**Хон** — туркий халқлар ва мўғул ҳукмдорларининг унвони. Дастлаб қабила бошлиғи, кейинчалик олий ҳукмдорни англатган. Салжуқийлар ва хоразмшоҳлар даврида вилоят ёки шаҳар ҳокими, мўғул феодал империясида улус бошлиғи давлатларда олий ҳукмдор хон, подшоҳлик қилмаган. Чингизийларда эса султон деб юритилган. Қўқон, Бухоро (1750 йилгача) ва Хива хонлигида ҳукмдорлар ўзларини хон деб атаганлар.

**Хонлик** — хон томонидан бошқариладиган давлат. Ўрта Осиёда XVI аср охирида иккита хонлик — Бухоро ва Хива хонлиги вужудга келган. XVIII асрда Қўқон хонлиги вужудга келган. XVIII аср охирининг охириги чорагидан Бухоро — амирлик деб юритилган.

**Мунши** — Ўрта Осиё хонликлари даврида хонлар ёки айрим ҳокимларнинг шахсий котиби. Мунши лавозимига одатда, маълумотли ва чиройли ёзадиган кишиларгина олинган. Муншилар олим ва фозил кишилар бўлганлиги учун оддий котиблардан фарқ қилган. Улар зиммасига хон ва амирларнинг мактуб ва фармонларини ёзиш юклатилган. Тарихий асарларнинг аксарияти ана шу муншилар қаламига мансуб. Мунши лавозимида бўлган кишилар мунши сўзини тахаллус сифатида ўз номлари кетига қўшиб қўйганлар.

**Бекларбеги** — Ўрта Осиёда мавжуд бўлган юқори маъмурий унвон ва лавозим. Вилоят, катта шаҳар ҳокимлари ана шу унвонга эга бўлишган. Бу унвон кўчманчи халқлар орасида кўп ишлатилган. Бекларбеги лавозими Ўрта Осиёда XIX аср охиригача сақланган.

Бекларбегининг асосий вазифаси солиқ ва турли бошқа феода­ л мажбуриятларининг ўз вақтида тўланишини таъминлаш, хон фармонларини амалга ошириш, тегишли масалаларни бий, оталиқлар, оқсоқоллар кенгаши билан кенгашиб ҳал этишдан иборат бўлган. Бекларбегилар қўл остидаги вилоятларда алоҳида вазир, шайхулислом, садр, жонишин (беклар бегининг муовини) каби мансаблар ҳам булиб, улар бевосита беклар бегига бўйсунганлар.

**Амири лашкар** — Темурийлар давлатида кенг тарқалган энг юқори олий ҳарбий унвон. Кейинроқ XIX асрда Қўқон хонлигида ҳам Олий Бош Қўмондонга нисбатан ушбу унвон қўлланилган.

**Қушбеги** — XV — XVI асрларда подшоҳ ва хонлар қушхонасининг мутассадиси бўлган. Унинг зиммасига овни ташкил қилиш ва ўтказиш вазифалари юклатилган.

**Қозикалон** — Бухоро амирлигидан диндорлар ва муллаларнинг бошлиғи, яъни раиси бўлган. Шу билан бирга бу даврда барча мусулмон давлатларида бўлгани каби, Бухорода ҳам ҳуқуқ масалалари динга қарашли бўлиб, диндорлар қўлида эканлиги сабабли қозикалон барча ҳуқуқ масалалари ва армия маъмуриятининг ҳам раиси ҳисобланган.

**Парвоначи** — XVII — XVIII асрларда Бухоро хонлигида мавжуд бўлган мансаб, вазир муовини, фармон ижро қилувчи. Парвоначи хон фармонларини ёзиб тегишли кишиларга етказиб турган. Юқори мансабга тайинланган амалдор парвоначи томонидан лозим фармонни уч кун мобайнида ўз салласига кистириб юришлари лозим эди.

**Тўқсобо** — ҳарбий унвон. XVI — XVIII асрларда Ўрта Осиё хонлиқларида хон байроғини қўриқлаган махсус ҳарбий қисм бошлиғи. XIX асрда умуман бир полкдан иборат бўлган ҳарбий қисм бошлиғи.

**Нозир** — ўрта асрларда Ўрта Осиё хонлиқларида сарой таъминоти ва унинг харж қилинишини назорат қилиб турувчи мансабдор. XX аср бошларида Бухоро ва Хоразм Халқ Республикаларида савдо, саноат, ҳарбий ва бошқа соҳалар бўйича халқ нозирлари тайинланган бўлиб, улар ўша соҳа бўйича ишнинг боришига жавобгар шахс ҳисобланганлар.

Иқтисодий мавзудаги тарихий атамалар ҳам хилма—хил ва кўпчиликни ташкил қилади. Биргина темурийлар даврида аҳолидан бир неча йиғимлар олинган. Уларни тўпловчилар, масалан, ҳосил миқдорини белгиловчилар — соҳиб жамоа, солиқ йиғувчилар — мухассилони, киримни бошқарувчилар — зобитона, сув тақсимловчилар — миробона деб аталган.

**Қупчур** — кўчманчи халқлардан ва қабилалардан ундирилган солиқ. Қупчур солиғининг миқдори юз бош ҳайвондан бирини, баъзан қирқдан бирини ташкил этган.

**Калон** — XIII асрдаги ер солиғи. Калон ҳосилдан 10 дан 1 ҳажмда олинган.

**Шулен** — XIII асрда олинган озиқ — овқат солиғи.



**Суюрғол** – бирор ҳукмдор томонидан алоҳида хизмат кўрсатган шахсларга берилган инъом. Суюрғол берилган ер наслдан – наслга мерос бўлиб ўтган. Унинг эгаси давлат солиқларидан озод этилиб, олган даромади ва маҳаллий аҳолидан ўз ихтиёрича фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган. Ўрта Осиёда суюрғол Амир Темур ҳукмронлиги даври (1370–1405)да кенг тус олган. Амир Темур забот этган мамлакатларнинг айрим вилоятларини шу ерларнинг собиқ эгаларига, уз ўғилларига, невараларига, баъзан алоҳида хизмат кўрсатган амирларга, қўшин бошлиқларига суюрғол қилган. XVI асрдан бошлаб суюрғолнинг аввалги тартиби ўзгарди. Шайбонийлар ҳукмронлигининг сўнги йиллари ва аштархонийлар ҳукмронлиги даврида айрим кишлоқлар ер майдонлари, ҳатто шу ерлардан ундирилган солиқларнинг бир қисми ҳам суюрғол тариқасида бериладиган бўлди.

XVIII – XIX асрнинг биринчи ярмида суюрғол характери тубдан ўзгариб, унинг фақат меросийлиги сақланиб қолди.

**Тархон** – I. Ўрта асрларда туркий халқлардаги фаол номи; 2. Ўрта Осиё хонлиқларида феодалларнинг давлат солиқларидан озод қилинган ер – сув, мол – мулклари.

**Сарроф** – шаҳар кўчалари ва расталарида утириб, кишиларнинг йирик пулларини майдалаб, қимматбаҳо буюмларини пулга алмаштириб берувчи шахс. Саррофлар чет элдан келган савдогарларнинг пулларини маҳаллий пулларга алмаштириб бериш, қимматбаҳо тошлар, олтин, кумуш ва бошқаларни аниқлаш, уларнинг баҳосини белгилаш, айрим кишиларнинг омонат пулларини, буюмларини маълум муддатгача сақлаб бериш каби ишлар билан ҳам шуғулланганлар. Илгари Ўрта Осиёнинг ҳар бир шаҳрида саррофлик билан шуғулланувчилар бўлган.

**Амлок** – катта ер эгалари, мулклар, ер – сув, киши тасарруфидаги нарса ва буюмлар амлок дейилган. Бухоро амирлигида солиқни тақсимлаш бирлиги ҳисобланган. XVI – XIX асрларда Бухоро ва Қўқон хонлиқларида феодал ер эгаллигининг бир тури бўлиб, давлат олдидаги хизматлари учун шаҳзодалар, лашкарбошилар ва амалдорларга инъом қилинган ер – сув амлок дейилган.

**Бегар** – Ўрта Осиёда ўрта асрларда мавжуд бўлган мажбурий ишлаб бериш мажбурияти бўлиб, меҳнаткаш халқ хон ва маҳаллий ҳукмдорлар тарафидан давлат ва феодалларнинг турли қурилишлари, жумладан, қалъа, сарой, йул қурилиши, канал ва ариқлар қозиш каби ишларда текинга ишлаб беришга мажбур қилинган. Масалан, Абдуллахон II нинг (1583–1598) ҳукмронли даврида, унинг махсус фармони билан машҳур Жуйборий хўжаларидан Хўжа Саъднинг ерларига Вахшдан сув чиқариш учун ариқ қозишга Ҳисор, Деҳнов, Қабодиен ва Шаҳрисабздан 10 минг киши сафарбар қилинган.

**Иқтоъ** – ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ҳукмдор томонидан феодалга катта хизматлар эвазига инъом қилинган чек ер. Одатда, иқтоъ умрбод берилмай, ҳукмдор уни истоган вақтида қайтариб



олиб, бошқа кишига тортиқ қилиш мумкин бўлган. Иқтоъ ҳақидаги дастлабки маълумотлар VII аср охирига мансуб араб манбаларида учрайди. IX асрга келиб халифа томонидан араб амирига идора қилиш учун берилган вилоятлар ҳам иқтоъ деб атала бошлаган. Амир ўзи ҳукмронлик қилаётган ушбу вилоятлар солиғини бутунлай ёки қисман ўзлаштириш ҳуқуқига эга бўлган. Иқтоъ ерлари давлат мулки ҳисобланган, лекин IX асрдан бошлаб феодалнинг хусусий мулкига айлана бошлаган. Темурийлар даврида иқтоъ ўрнида тиюл ва сукорғол, бобурийлар салтанати даврида эса жогир атамалари қўлланилган.

**Осиё пули** – тегирмон пули ҳам дейилган. Бухоро амирлигида ҳар бир сув тегирмонидан йилига 20 тангадан 100 тангачага миқдоридан олинадиган солиқ.

**Алаф пули** – Ўрта Осиё хонликларида яйлов, бедазор, мевали боғ ва узумзорлардан олинадиган солиқ.

**Баззо** – ип-газлама билан савдо қиладиган дўкандор. Қадимда бундай дўкандорлар Ўрта Осиё бозорларида кўп бўлган. Баззолар газламаларни от-араваларга ортиб, узоқ қишлоқларга олиб бориб сотишган.

**Баковул** – турли даврда турли хил маъноларни англатган: I-XVI – XIX асрларда белгиланган жойларда савдогарларнинг тамға, яъни бож солиғининг тўлаб ўтишлари устидан назорат қилиб турган кичик мансабдаги ҳарбий хизматчи;

2. XV асрдан бошлаб подшо, хон ва лашкарга овқат тайёрлаш устидан назорат қилиб турувчи ҳарбий мансабдор. Лашкарга маош ва улуфа, яъни озиқ-овқат тақсимлаш ҳам баковуллар зиммасига юклатилган. Улар бовурчилардан бир даража юқори ҳисобланган;

3. XVIII – XIX асрларда ва XX асрнинг биринчи чорагида ҳозирги Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудларида тўйларда таом тайёрловчи пазанда ҳам баковул деб аталган. Пазандалар устидан назорат қилиб турувчи шахс эса баковулбоши деб аталган;

4. Ҳозирги кунда республикамизнинг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари тўйларида кураш, улоқ (кўпқари), пойга мусобақаларини бошқарувчилар, ҳамда тўйларда таом тайёрлаш устидан назорат қилувчи кишиларни ҳам баковул деб аташади.

**Аворизот** – XIII асрдан Ўрта Осиёда мавжуд бўлиб, ер эгаси ёки ҳокимнинг ҳўжалигида ишлаб бериш мажбурияти.

**Арбобона** – Бухоро амирлигида арбоблар фойдасига халқдан йиғиб олинадиган солиқ.

Узунлик ва оғирлик ўлчов бирликларини ифодаловчи тарихий атамалар:

**Барид** – 1. Чопар, хат элтувчи, почтальон;

2. XIV – XVI асрларда Ўрта Осиё халқларида кенг қўлланилган масофа ўлчови бўлиб, икки фарсаҳ, яъни тахминан ўртача 12 км га тенг йўл бўлган.

**Болиш** – муғуллар империясида тилло пул бирлиги, болиш 8 мисқол, у 2 донга тенг бўлган.

**Ботмон** – Шарқ мамлакаatlари, жумладан, Ўрта Осиёда қадимги давр ва ўрта асрларда мавжуд бўлган оғирлик ўлчови бирлиги. Ботмон турли даврларда турли жойларда миқдори узгариб турган. Масалан: XIX асрда бир ботмон Хивада 20,16 кг дан 40,95 кг гача, Бухоро ва Самарқандда – 8 пуд (1 пуд 16 кг), яъни 131,44 кг, Фарғонада – 8–10 пуд яъни 131,44 кг дан 163,800 кг гача, Тошкентда – 10,5 пуд яъни 171,99 кг га тенг бўлган. Шунингдек, Ўрта Осиёда ботмон сифатида ер ўлчови сифатида ҳам қўлланилган, яъни бир ботмон оғирликдаги буғдой сепилиши мумкин бўлган ер бир ботмон ҳисобланган. бу тахминан бир гектарга тенг сатҳ ўлчов белгиси бўлган.

**Газ** – Шарқ мамлакатларида тахминан 62 см дан 91,5 см га тенг бўлган узунлик ўлчов бирлиги.

**Динор** – ўрта асрларда Араб халифалиги ҳудудида ишлатилган тилла пул. XIV асрда Мовароуннаҳрда бир динор икки мисқол кумушга тенг бўлган. Бир мисқол 4,53–4,55 граммни ташкил қилган.

**Дирҳам** – ўрта асрлардаги араб кумуш тангаси.

XIV асрда Мовароуннаҳрда дирҳам 3\1 (учдан бир) мисқол оғирликдаги кумуш танга бўлган. Оғирлиги 3,12 граммга тенг.

**Донг** – бирон нарса­нинг олтидан бир қисми; динор ёки дирҳамнинг олтидан бир қисмига тўғри келади (бир дирҳам 2 қирот, бир қирот 0,19 гр. га тенг), XIV – XIX асрларда бир Бухоро донги 0,8 кг. га тенг бўлган.

**Жав** – оғирлик ўлчови, арпа донаси. 0,045 граммга тенг бўлади.

**Заръ** – узунлик ўлчови, 107 см. га тенг.

**Зираъ** – масофа ўлчови, тахминан 79,8 см га тенг.

**Истор** – оғирлик ўлчови. Тўрт ярим (21 гр) мисқолга тенг.

**Курух** – масофа ўлчови, тахминан 2 км.

**Мисқол** – оғирлик ўлчови бирлиги. Шарқ мамлакатларида қимматбаҳо тошларнинг вазнларини аниқлаш учун ишлатилган ўлчов бирлиги. VI – VIII асрларда Самарқандда бир мисқол 4,6 граммга, ўрта асрларда Ўрта Осиё ҳудудида бир мисқол 4,25 граммга тенг бўлган. XIX – XX асрларда Фарғонада бир мисқол 4,53–4,55 граммга тенг бўлган оғирлик ўлчови ҳисобланган.

**Нимча** – оғирлик ўлчови, 400 гр. дан ортиқ.

**Кол** – 4, 53–4, 55 граммни ташкил этган.

**Таноб** – Ўрта Осиё хонликларида экин майдонини ўлчаш учун ишлатиладиган юза бирлиги. 1 таноб 3600 м.кв.

**Фарсах** (фарсанг – парсанг, порасанг) – Шарқда, жумладан Ўрта Осиёда қадимдан ишлатилиб келган масофа ўлчов бирлиги. Бир фарсах 9–12 минг қадамга ёки 6–8 км. га тенг бўлган.

**Чакса** – Ўрта Осиё ҳудудида қадимдан то XX аср бошларига қадар ишлатилиб келинган оғирлик ўлчов бирлиги. Турли жойда турлича

вазнини билдирган. Хужанд агрофларида қарийб 1 кг. Наманганда — 5.3 кг, Қўқон агрофларида — 4,6 кг ёки 5,1 кг бир чакса ҳисобланган.

**Жариб** — 958 кв.м.га тенг ер майдони.

#### Адабиётлар:

1. Аҳмедов Б. Тарихдан қисқача изоҳли луғат. — Т., 1977.
2. Байкова Н.Б. О некоторых взаимоотношениях в сфере русской среднеазиатской торговой терминологии// ОНУ. 1963.№3.
3. Бобур З.М. Бобурнома. — Т., 1990.
4. Иванов П.П. Из области Среднеазиатской хозяйственной терминологии. "Изв. АН. ООН., сер VII, 1935 №8.
5. Миллер Б.В. Персидско — русский словарь — М. 1953.
6. Фомченко А.П. Ўрта асрлар тарихидан изоҳли луғат. — Т., 1979.
7. Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати. — Т., 1999.

## Ўрта асрлар Европа мамлакатларининг тарихий атамалари.

### Режа:

1. Ижтимоий — иқтисодий мавзудаги атамалар.
2. Диний мавзудаги тарихий атамалар.
3. Сиёсий — ҳарбий мавзуда оид атамалар.

Ўрта асрлар даври узоқ даврни — милоднинг V—XVII асрларини ўз ичига олиб, уни дунёнинг барча халқлари ўз бошларидан кечирганлар. Маълумки, қадимги дунё тарихида қулдорлик жамияти асосан Шарқ мамлакатларида узининг юксак чўққисига эришган эди. Унинг сўнгги даврида юксак ривожланиши маркази аста секин Ғарб дунёсига кўчди.

Ўрта асрлар тарихидаги энг муҳим воқеалар қаторида христиан ва ислом динларининг пайдо бўлишини алоҳида таъкидлаш лозим. Худди ана шу ўрта асрларда буюк географик кашфиётлар ҳам содир бўлиб ўтдики, у Европа халқлари ҳаётида янги даврни очиб берди. Капиталистик муносабатлар, илк капиталистик корхоналар ҳам ўрта асрларнинг сўнгги даврида шаклланди. Лекин ўрта асрлар даври урушлар, очарчилик ва табиий шароитлар анча қийин келган йиллар билан ҳам изоҳланадики, албатта, бу ҳам ўша давр тарихида узининг манъум асоратларини сақлаб қолган.

Ўрта асрлар тушунчасини мазмунан бойитган феодализм — кишилик жамияти тараққиетида V аср охиридан ва XVII асрнинг ўрталаригача бўлган даврни ўз ичига олади. Феодализм ўз тараққиёти йўлида уч босқични босиб ўтди. Феодализм генезиси (V аср охиридан XI асргача), ривожланган феодализм (XI — XV асрлар), сўнгги феодализм (XVI аср ва XVII асрнинг биринчи ярми). Жаҳоннинг айрим минтақаларида феодализм муносабатлари сақланибгина қолмай, балки унинг ҳукмрон мавқеи кейинги даврларда ҳам давом этди ва энди унинг мазмуни (кишилик

жамияти тарихи масшабда) унинг ўсиб бораётган даражаси билан эмас, балки майдонга келаётган ва тобора мустаҳкамланиб бораётган капиталистик муносабатларнинг даражаси билан белгиланадиган бўлиб қолган эди.

Ижтимоий – иқтисодий мавзудаги тарихий атамалар:

**Феод** – (лот.) Ўрта аср Фарбий Европаси манбаларида ер, мансаб ва даромадларни белгилашда қўлланиб келинган лотинча термин Фарбий Европа феодализм даврида сенъор томонидан ҳарбий хизматни ўташ ва бошқа бир қатор мажбуриятларни бажариш шарти билан фойдаланиш учун мерос бўлиб ўтадиган қилиб инъом қилинган ер – мулк. Ўрта асрларда Францияда феод «**фьер**», Англияда – «**фи**», Германияда эса «**лен**» деб аталган.

**Барщина** – капитализм давригача бўлган ер рентаси шаклларида бири: крепостной деҳқоннинг помещчик хўжалигида ҳақ олмасдан мажбуран меҳнат қилиш; ишлаб бериш рентасининг русча номи. Барщина ва унга мос келадиган хўжаликни барщина усулида ташкил этиш феодализм даврида барча мамлакатларда тарқалган эди. Хўжаликнинг барщина системаси бўлганида крепостной деҳқон ҳафганинг муайян кунларида шахсий меҳнати билан унга тегишли бўлган ерни амалда ва ҳуқуқий жиҳатдан ўзига тегишли иш қуроли ёрдамида ишлар, ҳафганинг қолган кунлари эса помещчик ерида помещчик учун ишлаб берар эди. Ер эгаси кўшимча вақтни ўз фойдасига ўзлаштиради. Илк ўрта аср даврида Фарбий Европа деҳқонларини барщина усулида эксплуатация қилиш кенгая бориб, XI – XIII асрларда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши ва бунинг натижасида шаҳарнинг қишлоқдан ажралиб чиқа бошлани, синфий курашнинг кескинлашуви, деҳқонларнинг феодал ерларидан шаҳарларга ва янги ерларни қидириб, оммавий равишда бошқа жойларга кетиб қолишлари таъсири остида оброк системаси барщина системасини сиқиб чиқара бошлади. Ишлаб бериш рентаси озик – овқат рентаси билан, сўнгра эса пул рентаси билан алмаштирилди. XIV – XV асрларда Европанинг кўпчилик мамлакатларида феодаallarнинг деҳқонларга янги хўжуми бошланиб, феодал зулми кучайтирилди ва барщинани қисман тиклаш йулида ҳаракат қилинди. Уларнинг бу уринишларига деҳқонлар бир қатор йирик кўзғолонлар билан жавоб бердилар ва Англия, Франция каби мамлакатларда феодаallar барщинани қатъий тиклаш ниятларидан воз кечишга мажбур бўдилар. Натижада узил – кесил оброк системасига ўтдилар. Деҳқонларни барщина усулида эксплуатация қилиш қолдиқлари Польша, Венгрия ва Руминияда XX асргача сақланиб қолди.

**Оброк** – феодал ер рентасининг икки формасини яъни маҳсулот (натура оброги) ва пул (пул оброги) шакллариини билдирган атама. Бу иккала шаклдаги оброк ҳам деҳқон хўжалигида ишлаб чиқариладиган кўшимча маҳсулотнинг (ёки унинг пул эквивалентининг) феодал томонидан ўзлаштирилишини билдиради.

**Альменда** — германларда ўрта асрларда қишлоқ жамоаларининг аъзолари умумий фойдаланадиган ер — мулклари (ўтлоқлар, ўрмонзорлар, ҳайдаладиган ерлар). Альменда мулклари қишлоқ жамоалари асоратта солинганидан кейин ҳам сақланиб қолди. XI — XIII асрларда альменда анча қисқарди, чунки аҳолининг ўсиши ва бошқа сабабларга кўра альменда ҳисобига ерлар бўлиб берилди. Бундан ташқари феодал альмендани якка ўзи бошқаришга, уни ўз доменига қўшиб олишга интилди. Крепостнойлик қишлоқларига товар — пул муносабатлари кириб келиши билан альменданинг аҳамияти ошади, у шиддатли синфий кураш объектига айланади. Альменда учун кураш XIV — XVI асрларда барча деҳқон қўзғолонларида катта роль ўйнайди. Капиталистик муносабатларнинг вужудга келиши ва ривожланиши альмендадан фойдаланишда туб бурилишни келтириб чиқарди. Англия лордлари уни ўз мулкига айлантирдилар. Ғарбий Европанинг бошқа мамлакатларида альменда бўлиб юборилди, бунда феодал — помещчик унинг катта қисмини қўлга киритиб қолди.

**Аристократия** — ҳукмрон синфнинг имтиёзли табақаси. Феодал жамиятда аристократия феодаллар ҳукмрон синфининг унвонли юқори табақаси. Абсолютизм даврида аристократия таркибига энг йирик руҳоний ва дуневий ер эгаларигина эмас, сарой дворянларини ҳам қўшган эдилар. Англия (XVII аср) ва айниқса Франция (XVIII аср) буржуа революциялари феодал аристократияга зарба берди, аммо улар чекланган революцион бўлганликлари сабабли феодализм қолдиқларини тамомила тугатмадилар, аристократлар эса илгари имтиёзларини ва ерларини бир қисмини сақлаб қолдилар. Буржуазия ҳукмронлиги даврида аристократ муҳим сиёсий роль ўйнашини давом эттирди.

**Банк** (ўрта асрларда) — феодал даврида товар — пул муносабатларининг ривожланиши банкларга зарурият келтириб чиқарди. Банк операциялари судхўрлик ва пул майдалаш ёки айирбошлаш иши билан боғлиқ эди, чунки таркибида турли миқдорда олтин ва қумуш бўлган ҳар хил пуллар мавжудлиги туфайли айрим мамлакатлар ва феодал князликлари пулларини бошқа мамлакат пуллари билан айирбошлаб туриши керак эди. Ўрта асрларда банк иши даставвал пул муносабатлари барвақтроқ ривожлана бошлаган Шимолий Италия республикаларида вужудга келди. Италия банки пул айирбошлаш, судхўрлик, бир мамлакатларида ҳам ривожланди. Хусусий шахслар (асосан итальянлар ва яҳудийлар) билан бир қаторда банк операциялари билан (айниқса, судхўрлик билан) Рим курияси ва руҳоний рицарь орденлари ҳам шуғулланди. Банк операциялари, айниқса, ссуда (қарз) бериш қалтис иш эди, чунки йирик феодаллар ва қироллар кўпинча қарзни қайтаришдан бош тортардилар, натижада банкир хонавайрон бўларди. Флоренция банкирлари Медичига ҳатто қироллар ва императорлар ҳам қарам бўлиб қолишган эди, уларнинг ўзлари эса Флоренциянинг ҳукмронлари (тиранлари) бўлиб қолдилар.



**Бенефиций** — Ғарбий Европада илк ўрта аср даврида саройда, мамурий органларда, кўпинча ҳарбий соҳада муайян хизмат қилиш формаси. Шу сабабли одатда бенефиций деганда ерга ҳарбий (рицарлик) хизматини ўташ шарт билан эғалик қилиш тушунилади (бу прекарийдан фаркли ўлароқ, асосан, деҳқончилик типидаги ер эғалиги эди). Бенефиций умрбод бериледи. Ер олган кишининг белгиланган шартлари бажармаслиги ер эғасининг бенефецийни бекор қилишга сабаб бўларди.

Ер олган киши вафот этганида бенефиций ёки янги шартнома асосида ворисга ўтказиларди ёки илгариги ер эғасига қайтариб бериларди. Бенефицийнинг тарқалиши Франклар давлатидаги аграр тузумда VIII асрда рўй берган ўзгаришнинг ифодаларидан бири бўлди. Мулкни тамомили инъом қилиш ўрни «бенефиций» сифатида умрбод фойдаланиш учун совға қилиш эғалади. Бенефицийнинг вужудга келиши франклар жамиятининг ижтимоий структурасига катта таъсир кўрсатди. Бенефицийларнинг ҳарбий қатлами вужудга келиб, у ерга эғалик қилиш жиҳатидан қирол ҳокимиятига боғланган ҳолда янги ижтимоий заҳирани яратди. Бенефицийни қиролларгина эмас, балки бошқа йирик феодаллар ҳам берардилар. Натижада айрим феодаллар уртасида ерга эғалик ҳуқуқи соҳасида алоқалар вужудга келди. Шу тарзда бенефиций франклар давлатининг мустаҳкамланишига хизмат қилди. Аммо феодаллашиш жараёнида бенефицийлар ўз мулкларини меросга айлантиришга тобора кўпроқ интиладилар, бунга биринчи гада йирик ер эғалари муяссар бўлди. XI — XII асрларда бенефицийнинг умрбод бериладиган инъомдан меросга қолдириладиган феодал мулкига — феодалга айланиши феодаллашиш жараёнининг муҳим томонларидан бири бўлди. Илгари қирол билан чамбарчас боғланган бенефиций эғалари тобора мустақил бўла бориб, уларнинг кўплари тамомила эркин бўлиб олишди. Йирик бенефицийлар қиролдан қудратлироқ бўлиб қолдилар, бу эса қирол ҳокимиятининг заифлашуви ва давлатнинг бўлиниб кетишига сабаб бўлди. Карл Мартел бошлаган ҳамда унинг ўғли Типин ва набираси Буюк Карл давом эттирган аграр тўнтаришнинг натижаси ана шундай бўлди.

Бенефицийга Русьда «милость» (эҳсон), кейинчалик поместье, Византияда — прония, араб давлатларида иқто, Ҳиндистонда — жагир атамалари тахминан мувофиқ келади.

Католик черковида бенефиций — черков лавозимини ва у билан боғлиқ бўлган даромадларни билдиради.

**Ғайда** — Англияда илк ўрта аср даврида бир оилага тегишли жамоа ери. Ернинг ўртача ҳажми 120 акр ҳайдалган ерни ташкил қилади (1 акр — 0,4 гектарга тенг). Ғайдалган ер билан бир қаторда ғайдага яшиллов ерлари ҳам кирарди.

**Ғанза** — XIV— XVI асрларда (расман 1669 йилгача) Любек бошчилигида бўлган шимолий немис шаҳарларининг савдо иттифоқи ганзадир. XI — XII асрдаги немис савдогарларининг вориси сифатида



вужудга келди. Немис савдогарлари Шимолий ва Шарқий Европа савдогарлар нисбатан заиф бўлган шароитда немисларнинг славян мамлакатларининг мустахлакага айлантириш соҳасидаги муваффақиятлардан фойдаланиб ва немис рицарлик орденларининг ҳарбий кучларига олган эдилар. XIII асрнинг бошларида Шимолий немис шаҳарларининг айрим гуруҳлари бошқа мамлакатларда савдо имтиёзларини қўлга киритдилар ва у ерда (аввало Готланд, Висби шаҳрида) ўз контораларини асосладилар, бу ердан немис савдогарлари Новгородга кириб келдилар. XIII асрнинг иккинчи ярмида Шимолий ва Болтиқ денгизлари ўртасида қўлтиқ бўйлаб ўтадиган йўлни ҳимоя қилиш ва биргаликда пул чиқариш учун Любек, Гамбург, Люнебург, Штральзунд ва бошқалар ўртасида битим тузилди. 1356 йили «немис Ганзаси» деган номни олган ва 70 шаҳарни бирлаштирган иттифоқ 1367 йилда шаҳарларнинг биринчи умумий съездида узил – кесил шаклланди. Ганза шаҳарларида иқтисодий ҳаётнинг негизи асосан савдода бўлиб, ҳокимият савдогарлар патрицаси қўлига ўтган эди. Иттифоқ чет эллар билан савдони монополизация қилибгина қолмай, патрицийлар ҳукмронлигини ҳам сақлар эди. Ганза мустақил сиёсий организмга айланиб, Германия империясининг таркибий қисмларидан бўлиб қолди. Унинг қудрати Дания билан урушда (1367 – 1370) намоён бўлди, бу уруш Ганзанинг тўла галабаси билан тугалланди. Бу – Ганзанинг энг равнақ топган даври бўлди. Унинг таназзули XV аср ўрталарида бошланди. Ганза шаҳарларида цех ҳунармандларининг қўзғолонлари кўтарилди. Ганзанинг айрим аъзолари ўртасида рақобат кучайиб, бу нарса Германиядаги мустаҳкамланиб олган ҳудудий князларга Ганза шаҳарларини бўйсундиришга имкон берди, натижада турли вилоятлардаги Ганза шаҳарлари ўртасида алоқа заифлашиб қолди. Англия ва Нидерландияда саноат ва савдонинг ўсиши уларга Ганзада устунлик қилиш имконини яратди. XV аср охирларида марказлашган Русь давлати таркиб топаётган даврда Иван III Новгородни Москвага қўшиб олгандан кейин (1478) Ганза савдогарлари шаҳардан ҳайдаб чиқарилди. Американинг ва Ҳиндистонга савдо йўлининг очилиши, жаҳон савдоси марказларининг Атлантика океанига кўчиши Ганзага узил – кесил зарба берди. Ганза шаҳарларининг охириги съезди 1669 йилда бўлди.

**Қаср (қалъа)** – феодал ҳукмроннинг истеҳкомли турар жойи. Феодал жамиятда қаср крепостник – феодалнинг ҳарбий базасигина бўлиб қолмай, феодал ер мулкининг ҳужалик маркази сифатида ҳам катта роль ўйнаган. Душман ҳужум қилган вақтларда қаср атрофларидаги аҳолига бошпана ҳамда атрофдаги ерларга ва у ерлардан олиб ўтиладиган маҳсулотлардан ўлпон йиғиш ва савдогарларни талаш имконини берар эди. Сенъорнинг таянчи бўлган қаср атрофидаги аҳолининг доимо даҳшатда сақлаб, сенъорга аҳолини сиёсий жиҳатдан бўйсундириш ва эксплуатация қилиш имконини берарди. XIV аср ўрталарида Ғарбий Европада ўт очувчи қуроолларнинг тарқалиши қасрнинг ҳарбий

аҳамиятини аста-секин йуқотиб борди, феодал тузумнинг буржуазия тузumi билан алмаштирилиши эса уни хужалик ва сийсий марказ аҳамиятидан ҳам маҳрум этди.

**Шериф** — Франк давлатида Граф қандай функцияларни (ҳарбий, суд, маъмурий — полициячилик) адо этган бўлса, Англияда шундай функцияларни адо этувчи мансаб. Шериф графликларнинг бошида турган қадимги аслзодалар насаби бўлган — эльдермен билан бир даражада бўлиб қолади.

**Шляхта** — Польшада дворянлик. Дастлаб шляхта — бу рицарлик, олий феодалларнинг қуйи гуруҳи (йирик олий феодаллар — мажновладлардан фарқ қиладиган). XIV — XVI асрларда шляхтанинг сословие сифатида шаклланиш жараёнида олий феодалларнинг қуйи табақаси шляхталари унинг таркибига кирмай қолди. Лекин унинг таркибига магнатлар (олий феодалларнинг юқори табақаси) киритилган эди. XVI — XVIII асрларда Польша — Литва давлатларида — Речь посполита шляхта республикасининг давлат тузumi қарор топади. XVIII асрда Польшанинг бўлинишидан сўнг шляхта қоидага кўра рус дворянлари билан тенглаштирилади. Речь посполитада, айниқса, Польшанинг Австрияга ўтган қисмида шляхтанинг олий унвони (граф, барон ва бошқалар)ни олиш кенг ёйилади.

**Цехлар** — феодализм даврида ҳамкасбларини феодалларнинг ҳамласидан сақлаб қолиш ва маҳсулот ишлаб чиқариши, уни сотишда ягона устунликни ўз қўлида сақлаб қолиш мақсадида, маълум касб бўйича шаҳар ҳунармандларининг бирлашмаси цехлар маълум бир ижтимоий иерархиясига эга бўларди. Уста, уста ердэмчиси — халфа ва шоғирдларга эга бўларди. Фақат усталаргина тўла ҳуқуқли аъзоси бўла оларди. Цехларнинг фаолияти фақат маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни сотиш билангина чегараланиб қолмасдан, балки ўрта аср ҳунармандининг шахсий оилавий ижтимоий ҳаётини ҳам қамраб олар эди. Ҳар бир цех ўз патрони хўжайинига эга бўлиб, бир вақтнинг ўзида феодал шахридаги синфий курашнинг барча босқичларида ва, айниқса, XIV асрнинг «цех революциялари» даврида катта роль ўйнаган ҳарбий ташкилот бўлиб ҳам ҳисобланар эди. Ўрта аср цехларининг келиб чиқиши саноатнинг деҳқончиликдан ва шаҳарнинг қишлоқдан ажралиши билан боғлиқ бўлди. Цехлар Италияда IX — X асрларда, Франция, Германия ва Англияда XI — XII асрлардан бошлаб пайдо бўла бошлади. Кўччилик Ғарбий Европа мамлакатларида цехларнинг энг тараққиёт чўққисига етган даври XIII — XIV асрларга тўғри келади. Цехлар одатда маҳаллий бозор учунгина маҳсулот ишлаб чиқарадиган майда феодал ҳунармандчилик ишлаб чиқариши эди. Цех низомларида усталар, уста ердэмчиларининг ишлаш соатлари (иш вақти), хом ашё сифати, ишлаб чиқариш технологияси, тайер буюмларининг сифати ва миқдори, маҳсулотларни сотиш жойлари ва шартлари ҳамда ҳар бир устанинг ўз устахонасида ишлаши мумкин бўлган уста ердэмчилари ва станокларнинг

сонин кўрсатиб қўйилган бўлар эди. Цехлар ўзларининг дастлабки тараққиети даврларида катта роль ўйнаган эдилар. Улар ҳунармандларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий мавқеларини мустақкамларди. Цехлар XII—XV асрларда Ғарбий Европа мамлакатларининг иқтисодий жиҳатдан тараққий топишига ёрдам берди. Аммо цех XVI — XVIII асрларда, яъни капитализм ривожланиш даврига келиб мамлакатларнинг тараққиети йўлида ғов бўлиб қолди. Цехлар майда ҳунармандчилик ишлаб чиқаришини сақлаб қолишга ҳаракат қилган ҳолда янги капиталистик ҳўжалик шакллариинг ривожланишига тўсқинлик қилди.

**Паж** — Ўрта аср Европасида аслзода сенъорлар, йирик феодалларга хизмат қилувчи дворян йигит, маҳрам.

**Паладин** — Ўрта асрларда Ғарбий Европада подшо саройидаги амалдор, тўра.

**Парламентлар** — феодал Франциясида олий суд муассасалари ва маъмурий муассасалар. Дастлаб қиролнинг суд ва маъмурий ишлар бўйича кенгаши вазифасини ўтади. Людовик IX давридаёқ (XIII аср) йирик феодаллар юстицияси билан курашда қирол юстициясини марказлаштириш ва кучайтириш қуроли бўлиб хизмат қилди. Филип IV Чиройли 1303 йилда Парижда парламентни бир йилда икки марта йиғиладиган анча муайян ташкилотга айлантди. Парламентлар тараққиети ўрта аср дунёвий юристларнинг, яъни легистларнинг фаолияти билан боғланган. Париж парламентлари билан бир қаторда провинцияларда олий суд бўлиб ҳисобланган провинциал парламентлар ҳам пайдо бўлди. Парламентларга аъзолик, Генрих IV (1589—1610 йиллар) замонидан бошлаб сотила бошлади ва фаолият ҳуқуқи сифатида мерос бўлиб ўта бошлади. Парламент аъзоларининг аҳволи хусусий мулк характериға эга бўлган ҳуқуқни акс эттиргани учун парламентлар маълум даражада мустақилликка эга эдилар ва улар баъзи қирол ҳукумати билан қаттиқ низолашиб қолар эдилар.

**Магнатлар** — Ғарбий Европада, айниқса, феодал — крепостной Польша ва Венгриядаги йирик феодалларнинг номи.

**Мануфактура** — капиталистик ишлаб чиқаришнинг йирик машина саноати пайдо бўлмасдан илгари шакли. Американинг кашф этилиши ва Ҳиндистонга денгиз йўли очилиши дастлабки жамғариш процессини тезлаштирди. Ишсиз қолган жуда кўп ишчиларнинг мавжудлиги ва маблағларнинг жамғарилаётганлиги ўзига хос капиталистик ишлаб чиқариш — мануфактураға ўтиш учун шароит яратиб берди. Мануфактура қуйидаги асосий белгиларға эга:

а) капиталистнинг айрим ишчилар меҳнатини бир корхонаға бирлаштириши;

б) ишлаб чиқаришда қўл меҳнатининг устунлиги;

в) корхонада меҳнатнинг аниқ тақсимланиши.

Мануфактурада меҳнат таққимоти ишда чаққонлик ва тезликни ошириш, иш вақтидан тўла фойдаланиш ва иш асбобларини

махсулаштириш орқали самараси капиталист томонидан ўзлаштириладиган меҳнат иж унумдорлигини оширди. Мануфактура маҳсулот баҳосини камайтириш йўли билан ишчи кучи баҳосини пасайтиради, яъни зарурий меҳнат улушини камайтиради ва капиталист томонидан ўзлаштириладиган қўшимча меҳнат улушини кўпайтиради. Меҳнатнинг мануфактура тақсимоти индивидуал ишчи меҳнатини бағамом капиталистга буйсундиради. Мануфактура ишлаб чиқариши кейинчалик аниқ меҳнат тақсимоти, меҳнат қуролларининг маҳсулашуви, малакали ишчиларнинг етишиб чиқиши билан машиналашган йирик саноатга айлана борди.

**Патария** — XI асда Шимолий Италияда, айниқса, Миланда шаҳар аҳолисининг камбағаллашиб кетган табақасининг халқ ҳаракати. Патария Шимолий Италия шаҳарларида коммуналарнинг ташкил бўлишига ёрдам қилди.

**Пэрлар** — Франция ва Англияда олий аристократлар намояндаларининг унвони. Ўрта асрларда келиб чиққан. Қирол ҳокимиятининг кучайиши билан пэрларнинг аҳамияти пасайиб кетди, пэрлар унвони Францияда 1789 йилда бекор қилинди. Англияда пэрлар унвони сақланиб қолди. Буни мерос қилиб олган шахслар лордлар палатасида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

IV — VI асрларда Герман халқларининг буюк кўчишида ғоят муҳим роль ўйнади, бу кўчиш натижасида Ғарбий Рим империяси ҳудудида варварлар қиролликлари ташкил топди. I — II асрларда пайдо бўлган Христиан дини учта асосий тармоққа бўлиниб кетди: Православ, Католик ва Протестан диний мазҳаблари. 1054 йилда Христиан черкови Шарқий (православ) ва Ғарбий (католик) черковига бўлинди.

**Православ дини** — асосан грекларда, болқон сляванларида, руминларда тарқалган ва Россияда чор самодержавияси даврида давлат дини бўлиб ҳисобланган. христиан дини асослари IV — XI асрлар ўртасида Византияда ривожланди. (Православ черковининг грек — шарқий номи ҳам шундан келиб чиққан.)

**Католик дини** — ёки Рим католик черкови асосан жануби — ғарбий ва Марказий Европа ҳудудида, Марказий ва Жанубий Африка аҳолиси ўртасида тарқалган. Христиан дини мазҳабларидан бири католик динининг маркази Рим черков бошлиғи эса Рим епископи, ердаги пападир. Католик дини XI асрга келиб мустақил диний ташкилот сифатида шаклланди. Католик дини ўзининг ўрта асрлар тарихида оммани эзиш, хурوفот тарқатиш, дунёвий билим соҳибларини қувғинга солиш (Галилейни бадкор қилиш, Ж.Брунони гулханда ёндириш) қуроли бўлиб хизмат қилиб келди.

Папалик итальян савдо республикаси билан иттифоқликда салб юришларига раҳбарлик қилди. Катта пул заҳираларига эга бўлган рим — католик черкови (айниқса монастырлар) ўрта асрларда йирик сўдхурларга айланиб кетишди. Ўрта асрлардаёқ бир қатор мазҳабларга

кириб борган ва кейин рим католик черковига қарши қаратилган ҳаракатлар айрим Шимолий ва Ғарбий Европа мамлакатларидан католик динини сиқиб чиқаришга олиб келди. Черков бу оммавий ҳаракатларга қарши аевсиз реакция билан жавоб берди. Католик черкови XIII асрда францисканлар ва доминиканларни ҳамда XVII асрда эса — қаттиқ «ғарбий» интизом асосида ташкил этилган иезутлар ордени каби монархларнинг курашчан орденларини ишга солиб, барча кучларни курашга сафарбар этди.

**Папа** — Рим епископи, католик черковининг бошлиғи. Папа апостол Петрнинг ноибни ҳисобланарди. Унга дин ва ахлоқ масалаларида гуноҳсиз деб нисбат берилди. Папа олий руҳоний кардиналлар томонидан одатда ўз ичидан сайлаб қўйилади.

**Кардинал** — католик черковининг олий мансабдори. Кардиналлар мажлиси — **к о н к л а в** папани сайлайди.

**Папа вилояти** (ёки Черков вилояти) — ўрта Италиядаги пойтахти Рим бўлган чекланмаган олий ҳукмдор — папа бошчилигидаги давлат (756—1870 й.). 1870 йилда Римнинг Италия қироллигига қўшилиши натижасида папа давлати йўқ бўлиб кетди.

**Костел** — католик черковининг номи.

**Булла** — муҳр босилган давлат ва черков актларини тантанали шаклда эълон қилишнинг Ғарбий Европадаги эскича номи. Бу ном ҳозир ҳам папа ҳокимиятидан чиқадиган тантанали актларга нисбатан қўлланилади.

**Нунций** — папа элчиси. Бир қатор мамлакатларда нунций дипломатик корпуснинг бошлиғи ҳисобланарди.

**Протестантизм** — XVI асрдаги реформация натижасида рим— католик черковидан ажралиб чиққан лютеранлик, кальвинизм каби христиан диний таълимотининг умумий номи. Протестантлар деб дастлаб Шпейерда (1528) қақирилган герман империяси сейми аъзоларининг реформация ҳаракатига қарши кураш ҳақидаги кўпчиликнинг ҳаракатига қарши норозилик билан чиққан (протест) озчилик қисмини аташган эди. Протестантлар Аустурдаги (1530) рейхстагда Мартин Лютер томонидан тузиб чиқилган янги диний таълимот асосини тақдим этдилар. Кейинроқ реформациянинг ҳамма тарафдорлари протестантлар деб аталадиган бўлди. Швецарияда, Франция ва Польшада Цвингли ва Калвин тарафдори ёки реформаторлар ҳам протестантлар деб аталган. АҚШ, Англия, Германия ва бошқа мамлакатларда XVI — XVII асрларда протестантизм негизда вужудга келган баптистлар, менонитлар, квакилар ва шунга ўхшаш жуда кўп секталар мавжуддир.

**Индюльгенция** — ўрта асрларда католик черкови иш практикасида қўлланилган пул баробарида ёки черков олдида кўрсатилган хизматлари учун айб ва гуноҳларини кечириб ва черков жазосидан озод этилганлиги ҳақида бериладиган ёрлиқ. Индюльгенция бериш билан уни шарм— ҳаёсизларча сотиш халқ оммасининг ғазабини келтирди ва бу ҳол



реформация ўтказишга қаратилган ҳаракатнинг келиб чиқишига асосий сабаблардан бири бўлди.

**Инквизиция** — католик черковида XII асрдан то XIX асргача мавжуд бўлган бидъатчилар иши юзасидан иш кўрувчи махсус черков суди. Бу бидъатчилар ва антифеодалар халқ ҳаракати қатнашчиларини суд, тергов қилиш ва жазолаш муассасаси сифатида ташкил этилган. Инквизиция ҳар қандай эркин фикр қилувчиларга, черков ва у ҳимоя қилаётган феодал тузумнинг ҳар қандай оппозициясига қарши аёвсиз равишда кураш олиб борди. XV асрнинг охирларидан бошлаб фақат бидъатчиларга ва яҳудийларга ҳам қарши қаратилган давлат қироллик муассасасига айланди. Инквизиция, айниқса, Испанияда халққа ҳаддан ташқари жабр ўтказган.

**Аббат** — (бош руҳоний) бошчилигидаги католик монастыри. Черковнинг юқори бошқариш органлари — епископга ёки папага бўйсунди, аббатга бошқа монастырлар қарам бўлиши мумкин. Аббат Ғарбий Европада VI асрда вужудга келиб, урта асрларда диний соҳадагина эмас, балки иқтисодий ва сиёсий ҳаётда ҳам муҳим роль ўйнади. У қарам деҳқонларни шафқатсиз эксплуатация қилган. Аббат ўз тасарруфидаги кишлоқлар, ер — сувлар, ўрмонзорлар билан бирга феодал мулки (сеньор ҳисобланиб), феодал жамияти ташкилотининг мустақил таркибий қисми эди. Реформация давридан бошлаб, ўзининг илгариги аҳамиятини йўқотган бўлса — да, католик мамлакатларида сақланиб қолган.

**Митрополит** — мамлакатнинг барча иерархлари ўртасида бош ўринда турадиган айрим епископларнинг олий диний унвони. Ҳозирги пайтда православ черковида айрим епископларнинг фахрий унвони.

**Приорлар** — католик черковидаги айрим монастырларнинг назирлари.

**Пастор** — протестант руҳонийси.

**Реконкиста** — VIII—XV асрларда Пиреней ярим ороли халқларининг араблар ва берберлар томонидан босиб олинган ҳудудларини жанг орқали қайтариб олиши.

**Епископ** — христиан черковларида юқори лавозимли руҳоний. Дастлабки христиан жамоаларида епископ жамоанинг бой ва эътиборли кишиларидан сайланарди. Черковнинг хазиначиси бўларди. Кейинроқ у олий мартабали руҳонийга айланди. Православ черковида епископ давлат ҳокимияти томонидан тайинлана бошлади.

**Клермон йиғилиши** — 1095 йил ноябрида папа Урбан томонидан Клермон шаҳрида чақирилган черков йиғилиши. Бу йиғилишда черков ерлари ва бойликларни эгаллаб олиш учун турк — мусулмонларга қарши солиб юриш ташкил этиши ҳақида қарор қилинган эди.

**Салиб юришлари** — Ғарбий Европа феодалларининг 1096—1270 йилларда католик черкови ташаббуси билан Фаластиндаги христиан



Авлиеларини мусулмонлар дини ҳукмронлигидан озод қилиш учун олиб борилган босқинчилик юришлари.

**Схоластика** – урта асрларда феодал жамиятнинг диний мафкуравий фалсафасининг умумий номи, схоластика христиан дини ақидаларига асосланган.

**Теология** (илоҳиёт) – худо ва унинг фазилатлари, диний ақидалар тўғрисида муқаддас китоблар ва черков ривоятлари ҳақидаги таълимот.

**Гусчилар ҳаракати** – XV асрнинг биринчи ярмида Чехия халқ оммасининг феодал эксплуатациясига, католик черковига ва чет эл агрессиясига қарши олиб борган кўп йиллик кураши. Гусчилар ҳаракатида Чехия аҳолисининг турли табақалари – деҳқонлар, шаҳар хунармандлари, буржуазия ва дворянларнинг каттагина қисми қатнашган эди. Чех дворянлари асосан немис ҳукмронлари ва католик черкови кўлида тўпланган черков мулкларининг мусодара қилишга, чех буржуаси эса немис тирик буржуасини сиқиб чиқаришга интилар эди. Гусчиларнинг бир қисми дин соҳасида черковни демократлаштириш, яъни фуқаро билан руҳонийларнинг маросимлар ўтказишдаги тенглигини ва чех тилида ваъз айтишга йўл қўйилишини талаб қилиш билан чекланди. Деҳқонлар билан шаҳар хунармандлари қатъий талаблар: дин соҳасида – Рим черкови билан алоқани узил – кесил узиш, ижтимоий соҳада ерларни мусодара қилиш, мулклардан воз кечиш, солиқ ва ўлпонларни йўқотиш талабларини қўйишди. Гусчиларнинг бу қисми ўзларининг истеҳкомли таянчларига айлантирган жойларни номи билан Табор сўзидан таборийлар деб атадилар. Таборийларнинг сўл қаноти адалитлар деб ном олди. Ян Желивкий ва Ян Жичка бошчилигида асосан хунарманд табақаларнинг 1419 йилги Прага кўзғолони узоқ давом этган Гусчилар урушларининг (1419–1434) бошланиши бўлди. Аввал Гусчиларнинг барча гуруҳлари душманга қарши бирга ҳаракат қилишди. 1420 йилда Ян Жичка Чехия тахтини даъво қилган герман императори Сигизмунд қўшинларини тор – мор келтирди. Турли синфий табақалардан иборат гусчилар тезда бўлиниб кетишди.

**Пуританлар** – Англияда XVI асрнинг иккинчи ярмида келган англичан черковини католицизм қолдиқларидан тозалашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган диний ҳаракатнинг қатнашчилари. Пуританларнинг диний ғоялари кальвинизмнинг кучли таъсири остида шаклланди. Пуританларнинг синфий негизи:

1) бой савдо буржуазияси;

2) буржуалашган ер эгалари (янги дворянлар) ташкил этди. Кальвинизмнинг буржуача моҳияти ҳеч қаерда инглиз пуританчилигидагидек яққол намоён бўлмаган эди. XVI аср охирида абсолютизмга қарши пуританларнинг диний оппозицияси сиёсий оппозицияга айланди.

**Гадолийк орденлари** – католик монархлари орденлари. Папаликнинг фаол ердамида камбағалчиликни тарғиб қилиш ва

авлоларининг тақводорлик билан ҳаёт кечиришини намуна қилиш орқали тез — тез тарқалиб бораётган еретикликни бартараф этиш мумкин деган мақсад билан XIII асрнинг биринчи ярмида ташкил этилган эди. Гадоёлик ордени монархлари ўз низомига мувофиқ шахсий мол — мулкка, уй — жойга эга бўлмас ва садақа орқалигина кун кечирар эдилар. Камбағалликда яшаш аҳдига ҳамма вақт ҳам риоя қилинавермас эди. Гадоёлик ордени ҳозирги кунда ҳам мавжуд, ammo улар фақат номигагина «гадоёлик қилувчилар» холос. 1964 йилда гадоёлик қилувчиларнинг орденининг барча кўринишларида 79.133 киши бор эди.

**Анафема** — черковдан ҳайдаш ва лаънатлаш. Анафема — христианлар черкови ўрта асрлар мобайнида ва янги даврда баъзи ижтимоий тафаккурга қарши кураш учун қўлланган ижтимоий ва диний террор куралидир. Масалан, Рим папалари 1846 йилдаёқ коммунистик фикрларни анафема қилдилар, сўнгра буни бир неча бор тасдиқладилар. Россияда православия черкови деҳқон қўзғолонларининг йўлбошчилари Болотников, Разин, Пугачёвни анафема қилди.

**Месса** — католик литургияси (христианларнинг эрталаб еки пешин чоғи черковда қиладиган ибодати).

**Монархомахлар** — XVI асрнинг иккинчи ярми ва XVII аср бошларида Ғарбий Европада қирол абсолютизмга қарши чиққан ёзувчи публицистлар. Монархомахлар подшо ҳокимиятининг илоҳий йўл билан келиб чиққанлигини инкор этганлар ва суверенитет халққа тегишли бўлиб ва у шартнома бўйича ҳокимиятни монарх ихтиёрига беради ва у шартномани бузган тақдирда уни тахтдан ағдариб ташлаши ёки уни ҳақго ўлдириш ҳукмига ҳам эга дейишар эди. Монархомахлар «халқ деб халқ оммасини эмас, балки ё буржуазияни, ёки дворянларни тушунишар эди».

**Монахлик** — кўпчилик динларда руҳонийларнинг алоҳида бир кўриниши. Монахлик қилувчилар, яъни монахлар ўзларининг олдига аскетик махсус чеклашлар, жумладан, оила қурмасликка ўхшаш чеклашлар қўяди. Монахлик хамиша олий черков иерархиясининг буюк таянчи бўлган. Черков ва давлат ҳомийлиги монахликнинг ривож топишига ва монастирлик жамоаси — дастлаб эрлар, кейинчалик хотин — кизлар, ҳатто аралаш монастирларнинг келиб чиқишига олиб келди. Нирик монастирлар аббатлик деб аталадиган бўлди. Монастирлар черковга феодал тузумидан анча таъсирчан кучга эга бўлган қаттиқ шитизом ўрнатилган аппарат, уюшган кучларни берди. Феодал жамиятнинг ҳукмрон синфи томонидан қўллаб — қувватланган монастирларнинг таъсири ва бойлигини оширишга, уларнинг қўлларида янги ер мулклари ва крепостнойларнинг тўпланиб қолишга ердан берди. Улар Россияда шундай Сергиевларнинг даромади XVII аср бошларига келиб бутун Москва давлатининг барча даромадини учдан бир қисmini ташкил этган. XVIII асрда эса 400 монахга 625 минг крепостной деҳқон кўри келар эди. Ғарбий Европа ўрта асрлар черкови монахликни

ривожланишини ҳар тарафлама рағбатлантирар ва пана абсолютизмнинг тарафдорлари сифатида чиққан монахлик орденларининг жумладан, францисканлар ва доминиканлар орденининг келиб чиқишига ҳар тарафлама имкон берган эди. Реформация даврида айрим мамлакатларда буржуазия ски князь ҳокимияти претестантизм билан бирлашиб монахликни йўқ қилиб юборди, монастырь ерлари ва мулкларни мусодара қилди. Контрреформация тиклашда катта роль ўйнайди.

**Морискилар** – араблар Испаниядан қувиб чиқарилгандан сўнг Испанияда қолиб кетган ва христианликни мажбуран қабул қилган, аммо яширин равишда ислом динига сизиниб юрадиган араб аҳолисининг бир қисми. Улар доимо оқсуяклар ва черков ҳокимияти назоратида бўлишар, инквизиция таъқиб қилиб турар эди. 1609–1610 йилларда морискилар Испаниядан қувиб юборилади. Уларнинг кўпчилиги Шимолий Африкага келиб жойлашади. Бу Испания иқтисодига катта зарба бўлиб тушган эди.

Бу даврнинг сиёсий ва ҳарбий атамаларидан асосийларига тўхталиб ўтамиз.

**Муниципийлар** – Рим империясидаги ўзини ўзи бошқарадиган шаҳар округи. Халқ мажлиси, шаҳар сенати ва аъзолари декурионлар ёки куриоллар деб аталадиган шаҳар курияси. Муниципийларнинг органлари бўлиб ҳисобланган.

**«Муқаддас Рим Империяси»** – 962 йилда Германия подшоси Оттон I томонидан Шимолий ва Ўрта Италиянинг бўйсундирилиши натижасида асос солинган ва 1806 йилгача давр сурган ўрта аср империяси.

**Англо–сакслар истилоси** – герман қабилалари – англлар, сакслар, ютларнинг Европа қитъасидаги Британияга кўчиб бориши ва уни забт этишинан иборат узоқ жараёндир.

Англо–сакслар истилоси V аср ўрталарида бошланди ва VI аср охирларида Британиянинг тамомила бўйсундирилиши билан тугалланди. Англо–сакслар истилоси даврида бриттлар деярли тамомила қирғин қилинди ёки улар Уэльсга, Шотландияга ва қитъага сиқиб чиқарилди, аммо улар қисман истилочилар билан қўшилиб кетишди.

**Англо–сакслар** – Англия ҳудудида VII–X асрларда англо–сакслар истилосидан кейин, англлар, сакслар ва ют қабилалари аралашуви жараёнида ташкил топган ва кельт элементларини ўз ичига олган Англо–сакслар элати германлар забт қилган ҳудудда ўрнашиб олишлари даврида уруғ–қабил алоқаларининг бузилиши ҳамда оролнинг шимолида ва ғарбда уриттларга қарши, VIII аср охирларида эса скандинавларнинг ҳужумига қарши курашда уларнинг жипслашуви шароитида шаклланди. Аввалига англо–сакслар еттига қиролликни ташкил қилдилар. Жанубий – шарқда ютлар қироллиги кент, саксларнинг учта қироллиги. Ғарбда Уэссекс, жанубда Сессекс, шарқда Эссекс, англлар қироллиги – Шарқий Англия ва Нортумбрия ҳамда ўртадаги қироллик – Мерсия. Ана шу еттига тарқоқ қиролликлар ҳукм сурган давлатлар

тарихда гентархия, яъни етти давлатлик даври номи билан машҳур. IX асрда барча қиролликлар битта Англия қироллигига бирлашди.

**Конуи** — Скандинавия халқларида дастлаб ҳарбий йўлбошчи, феодализм ривожлангандан сўнг эса подшо.

**Кортеслар** — феодали Испанияси ва Португалияда сословиели вакиллар мажлиси. Кортеслар деган ном биринчи марта 1137 йил Кастилияда учраган. Испан кортеслари ҳам Фарбнинг барча сословиели вакиллар муассасаси каби ҳамма аҳолининг манфаатларини эмас, балки фақат дворянлар, руҳонийлар манфаатини ифода этган. Шаҳарлар вакиллик қилиш ҳуқуқини анча кеч олди. Кортеслар давлат ҳаётига доир барча муҳим ишларни ўз қўлларига олганлар ва қиролларнинг қаттиқ назорати остида тутганлар. Абсолютизмнинг ривожланиши билан кортеслар батамом барбод бўлган.

**Коррехидорлар** — Испания ва унинг мустамлакаларидаги маъмурий ва суд лавозими. XIII асрда Австрияда таъсис этилган.

**Корсарлар** — уруш вақтида ҳукумат ижозати билан душманнинг савдо кемасини босиб олган, хусусий денгизчилар.

**Оқ гуллар билан қизил гуллар уруши (1455—1485)** — Плантагенларнинг қирол сулоласидаги икки йўналиш Ланкастер (гербида қизил гул) ва Йорк (гербида — оқ гул) ўртасидаги инглиз тож — тахти учун олиб борилган қонли феодали усулининг кризисини ва хусусан иририк мулк ҳужалиги кризисини бошидан кечираётган эди. Феодали аристократияси ҳужалик фаолиятдан тобора кўпроқ четлаша бошлади: улар яшашнинг асосий манбаи қирол саройининг инъомлари, асосий мангулот эса саройдаги иғво — ғийбатлар ва феодаллар ўртасидаги урушлардан иборат бўлиб қолди. Феодали магнатлари ўзаро шиддатли уруш бошлаб, бир — бирларини хонавайрон қилдилар ва қириб ташладилар. Ланкастерларни асосан қолақ Шимол ва Уэльс баронлари, Йоркларни эса мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан анча ривожланган жануби — шарқдаги иририк феодалларнинг бир қисми қўллаб — қувватлади. Савдо ва ҳунармандчиликнинг тўлиқ ривожланишидан, кучли ҳокимият уриятишдан манфаатдор бўлган янги дворянлар ва бадавлат шаҳарликлар Йоркларни қўллаб — қувватладилар. Йорклар герцоги Ричард Ланкастерлар «қироли» Генрих VI га қарши уруш бошлади ва уни 1460 йилда Ногэмтон тор — мор келтириб, асирга олди. Ричард вафотидан кейин Оқ гул тарафдорларига унинг ўғли Эдуард бошчилик қилди. Эдуард Лондонни забт этгандан кейин Эдуард IV номи билан подшо деб эълон қилинди. Аммо уруш илгаригидек шиддат билан давом этарди. Генрих VI ни унинг тарафдорлари озод қилиб олишди. Генрих VI нинг Францияга қочиб кетган рафиқаси Маргарита 1464 йилда француз подшоши Людовик XI нинг мададига таяниб, қўшинлар билан Англияга қайтиб келди, аммо мағлубиятта учради, Эдуард IV нинг ўзбошимчилиги ва феодаллар эркига барҳам бериш йўлидаги уринишлари унинг илгари тарафдорларини ўзига қарши қилиб қўйди. Англиядаги иририк феодали

магнатларидан бири граф Уорвик ердамида Генрих VI яна тахга чиқиб олди. Эдуард эса ҳокимият ўғриси деб эълон қилинди (1471). Аммо Тьюкабери яқинидаги жангда Эдуардда ланкастерларга қақшаткич зарба берди. Генрих VI ҳал қилувчи жанггачаёқ яна асир олиниб, қирол турмаси Тауэрда вафот этди. Эдуард IV қирол ҳокимиятини ғоят мустаҳкамлади ва парламентни аҳен – аҳендагина чақириб, ҳукмронлик қилди. Унинг вафотидан кейин 1483 йилда укаси Ричард III тахтни кўлга олди ва Эдуард IV нинг ёш ўғилларини қатл қилди. Ричард III ортиқча қатлларга ва тазийқларга йўл қўйганлиги сабабли ланкастерларни ҳам, йоркчиларни ҳам ўзига қарши қилиб қўйди. Улар ланкастерлардан чиққан Генрих Тюдор теварагига бирлаша бошладилар. Босворт яқинидаги жангда Ричард III мағлубиятга учради ва ўлдирилди. Генрих Тюдор Генрих VII деган ном билан Англиянинг подшоси бўлди ва Тюдорлар сулоласига асос солди. Оқ гуллар билан қизил гуллар уруши феодал зодагонлари кучига путур етказди, уларнинг кўп қисми қириб ташланди. Англияда абсолютизм даври бошланди.

**Министериялар** – ўрта асрларда Ғарбий Европада қироль ҳамда руҳоний ва оқсуяк феодалларнинг хўжалик ва маъмурий хизматларини адо этувчи хизматкорлар.

**Марка** – 1) Герман территориял ёки қишлоқ жамоаси. Жамоа деҳқончилигида ерларга ишлов бериш индивидуал тартибда олиб борилган: ҳовли кўрғонлари хусусий мулкка ажратиб берилган: қолган ерлар эса ҳовли – жойларга қараб тақсимлаб олинган, четдан ёки девор билан ўраб олинган, уни бузиш эса жарима тўлатиши билан жазоланган. Бундай тармоқларга: ҳайдаладиган ерлар, узумзорлар, баъзан ўтлоқ ва ўрмонлар кирган;

2) Ўрта асрларда Ғарбий Европада махсус ҳарбий ва маъмурий бўлақларга ажратилган бўлиб, маркграфлик ўз майдони жиҳатидан графликда анчагина катта бўлиб, маркграфлик бошида турган графлар кўпинча ҳарбий бошлиқлардан бўлган. Чунки улар бу чегара вилоятларнинг мудофааси ҳақида ҳам қайғуришлари керак эди.

**Рицарлик** – ўрта аср Ғарбий Европасида ҳарбий ер эгаллиги сословиеси. Феодал муносабатлари шакллана борган сари рицарлар алоҳида сословие сифатида ажралиб чиқа бошлади. Унинг вужудга келиши араблар, венгерлар ва норманлар ҳужумидан мудофаа қилиш зарурати туғилиши туфайли тезлашган эди. Отлиқ армияни ташкил этган рицарликнинг асосий социал вазифаси эксплуатация қилинаётган деҳқонларнинг итоатда сақлашга қаратилган эди. Рицарлар ўзларининг сеньорлари бўлган анча йирик феодаллардан уларнинг армиясида отлиқ ҳарбий хизматни адо этиш шарти эвазига олган поместьеларини идора қилар эдилар. Рицарлар XIII асрга келиб ҳарбий ташкилот характерини олди. Рицарлар салиб юришларида фаол иштирок этдилар ва бу юришлар давомида бир қатор диний рицарлик орденлари таъсис этилди. Ўт отувчи



қурулларнинг пайдо бўлиши туфайли оғир қурулланган рицар отлик армиялари ўз аҳамиятини йўқота бошлади.

**Герцог** – даставвал қадимий германлар қабила зодагонлари сайлайдиган ҳарбий бошлиқ, илк ўрта аср даврида Ғарбий Европада – қабила князи, феодал тарқоқлиги даврида – катта ҳудуд эгаси. Ўрта аср охирларида ва янги даврда герцог – Ғарбий Европада дворянлик унвонларидан бири.

**Гёзлар** – XVI асрлардаги Нидерландия буржуа революцияси давомида.

1) мамлакат эркинлиги ва дин эркинлигини Испаниядан «қонуний воситалар» ёрдамида ҳимоя қилиш мақсадида Нидерландияда 1565 йил ташкил топган иттифоқ аъзоларининг номи;

2) Нидерландияга ҳукмронлик қилувчи испанларга қарши қуруқликда (ўрмон геёлари) ва денгизда (денгиз гёзлари) кураш олиб борган халқ қўзғолончилари – партизанларнинг номи. Денгиз гёзлари катта роль уйнаб, испан кемаларига ҳужум қилдилар ва Испания билан Нидерландия ўртасидаги денгиз алоқаларини деярли тамомила гўхтатишга эришдилар. 1572 йил 1 апрелда денгиз гёзларининг Голландия оролларида бирига бориб, Бриль шаҳрини эгаллашлари Шимолий Нидерландиянинг янги қўзғолонига сабаб бўлди, бу қўзғолон Испания зулмидан озод бўлиш билан тугалланди.

**Граф** – илк феодализм даврида Ғарбда қирол тайинлайдиган округ бошлиғи. Феодализм бошланиши билан графлар деярли мустақил ворис ҳукмронларга айланишди. Феодализм тўла раванқ топган даврда графлар баъзан йирик феодалларга бериладиган фахрий унвон. Абсолютизм қарор топиши билан графлик меросга ўтадиган дворян унвонларидан бири.

**Енгилмас армада** – Испания томонидан Англияни босиб олиш учун 1588 йилда тузилган (130 йирик ва 30 кичик кемалар ва 2,5 мингдан ортиқ қурул аслаҳалардан иборат) йирик ҳарбий флот. 1588 йил 30 майда Енгилмас армада ношуд флот бошлиғи герцог Медина Сидония бошчилигида Англияга 19 минг солдатдан иборат десант ташламоқ учун Лиссабондан йўлга чиқди. 1588 йил июл – август ойларида бесўнақай испан кемалари Англия флоти (адмирал Хоуард бошчилигида) билан бўлган тўқнашувда кучли зарбага учради. Испания кемалари орқага қайтаётганда уларнинг кўпчилиги денгиз довулидан ҳалок бўлдилар. Испанлар бу юришда 75 кема ва 10 минг киши йўқотди.

Енгилмас армада ҳалокати испанлар қудратини бўшаштириб юборди.

**Жакерия** – 1358 йил Францияда деҳқонларнинг феодалларга қарши қўзғолони. У ўз номини «Жакбаном» («Олий – Жак») лақабидан олган. Француз феодаллари деҳқонларни ана шундай деб атадилар. Уша даврдаги бошқа деҳқон ҳаракатлари сингари Жакериянинг асосий сабаблари пул хўжалигининг ривожланиши ва шу туфайли меҳнаткашлар оmmasини эксплуатация қилишининг кучайиши булган. Француз

деҳқонлари 1347–1353 йиллардаги вабо оқбатларидан ҳамда Юз йиллик уруш олиб келган умумий хонавайронагарчиликдан ниҳоятда азоб чекар эдилар. Қўзғолон 1358 йил кўкламида Пикардияда бошланиб, бутун Шампанни қамраб олди ва Парижгача етиб келди. Бу қўзғолон Этьвен Марсель бошчилигидаги Париж қўзғолони билан бир вақтга тўғри келди. Жакерия қўзғолонига Гильом Каль бошчилик қилган деҳқонлар ҳаракати уюшмаган ҳолда эди. Деҳқонлар қўзғолонидан чўчиган унинг синфий душманлари – феодаллар жипслашиб, қўзғолонни тезда бостирдилар. Қишлоқ аҳолиси оммавий киргин қилинди. Аммо катта Жакерия бостирилганидан кейин ҳам Францияда Юз йиллик уруш мобайнида деҳқонлар яна 2 марта қўзғолон кўтардилар.

Ж а к е р и я сўзи деҳқонлар стихияли қўзғолонларини ифодаловчи сўз бўлиб қолди.

**Цезарепатизм** – бир одам қўлида иккита олий ҳокимият: дунёвий (императорлик) ва черков (папалик) ҳокимиятнинг бирлашуви.

**Тўсиб олиш** – помещчиклар – ер эгалари томонидан деҳқонларнинг жамоа ерларини босиб олиш процесси. Бу жараён феодал қишлоқларга капиталистик муносабатларнинг кириб келиши билан боғлиқдир. Тўсиб олишнинг классик мамлакати Англия эди.

Англияда тўсиб олишнинг бошланиши XV асрнинг охирига тўғри келади. Бозорда жун нархининг ошуви кўнчиликни ривожлантиришга, ҳайдаладиган ерларни ҳам яйловга айлантиришга олиб келади ва бу ҳол ўраб олишнинг кучайиши учун бир туртки бўлди. Тўсиб олиш орқали ерларни босиб олишда помещчиклар ва Англия қишлоқларининг тўқ табақалари иштирок этдилар. Ўраб олиш XVI асрдаёқ қишлоқларнинг кучли равишда табақалашувига ва камбағаллашув, ерсизланишига олиб келди. XVIII асрга келиб ўраб олиш катта миқёсларда олиб борилди ва деҳқонларнинг оилавий равишда ердан айрилиб қолишга олиб келди. Деҳқонлар оммаси тўсиб олишга кучли қаршилик кўрсатдилар. Тўсиб олиш бир неча бор деҳқонлар қўзғолонига олиб келди. Тўсиб олиш Англияда деҳқонлар синфининг батамом бўлиниб кетиши ва ёлланма ишчилар жуда катта синфнинг вужудга келишига олиб келди.

**Турнир** – ўрта асрларда кўпчилик Европа мамлакатларида қўлланиб келинган рицарлар ҳарбий мусобақаси. Турнирларда ўрта аср ҳарбий кучларининг асосий негизини ташкил этувчи рицарларнинг жанговар сифатлари намоиш этиларди. Бу турнирлар Франциядан келиб чиққан. Турнирлар феодал аъёнларининг кенг иштирокида оммавий равишда ўтказилади. Турнирнинг ўтказилиши махсус кодекс ёрдамида тартибга солиниб турилар ва унинг бажарилиши устидан ироедлар назорат қилиб борадилар. XIII асрдан бошлаб турнирлар қонли ҳаракатга эга бўла бошлади ва кўпинча тўқнашувчиларнинг оғир яраланиши ёки ҳатто ўлими билан тугар эди. XVI асрдан шаҳарликлар ва деҳқонлар оммаси ичидан ёлланиб тузилган пиёда ўқчилар пайдо бўлгач, отлик

рицарлар ўз аҳамиятини йўқотди ва турнир ўтказиш ҳам шу билан бирга барҳам топди.

**Уния** (лот. — бирлашма) — монархия давлатининг битта монарх ҳокимияти остида бирлашув формаси. Уния кўпинча номустаҳкам характерда бўлар, умумий монарх ҳокимияти эса номинал даражада булар эди. Айрим ҳолларда битилган шахсий униялар кейинроққа бориб мустаҳкам бирлашувларга ёки давлатнинг тўла равишда бир — бирига қушилиб кетишига олиб келган эди. Черковлар бўлиниб кетганидан кейин Рим папалигида провослав черковининг бош роль ўйнашини сақлаб қолган ҳолда, аммо ибодат қилиш ва маросимларни ўтказиш она тилида олиб бориш шарти билан провослав черковини католик черкови билан бирлаштириш учун черков униялари тузишга уринишлар ҳам бўлган.

#### Адабиётлар:

1. Историческая энциклопедия. Т.1 — 12. — М., 1962 — 1972.
2. Семенов В.П. Ўрта асрлар тарихи. — Т., 1973.
3. Фомченко А.П. Ўрта асрлар тарихидан изоҳли луғат. — Т., 1979.
4. Энциклопедический словарь. — М., 1987.
5. ЎМЭ. 1—2—жилди. — Т., 2000.

### Ўрта Осиё хонликларининг тарихий атамалари (XIX — XX аср бошлари).

#### Режа:

1. Ўрта Осиё хонликларининг геосиёсий ўрни.
2. Хонликларнинг маъмурий тизимдаги мансаблари.
3. Ҳарбий ва диний мавзудаги тарихий атамалар.
4. Солиқ ва мажбуриятларни ифодаловчи тарихий атамалар.

Аввало Ўрта Осиё хонликларининг геосиёсий ўрнига тўхталиб утсак. Бухоро амирлиги ўзбек хонликлари орасида ўзининг ҳудудий ўрни, аҳолиси ва табиий ресурслари жиҳатидан муҳим мавқега эга эди.

XIX асрга келиб Бухоро амирлигининг ҳудуди қарийиб 200 минг кв.км.ни ташкил этди. Унинг чегаралари жанубда Амударёнинг сўл қирғоғидан бошланиб, Сирдарёгача чўзилиб қозоқ жузлари билан чегарадош эди. Амирлик шарқда Помир тоғларидан ғарбда Хива хонлиги чегараларигача бўлган ҳудудни эгалларди. Бухоро ва Самарқанд каби пирик шаҳарлар жойлашган Зарафшон водийси амирликнинг марказий қисми ҳисобланарди. Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари, ҳозирги Тожикистон ҳудудидаги Вахш, Кофирниҳон, Панж дарелари водийсида жойлашган шаҳар ва қишлоқлар, шунингдек, Туркменистон ҳудудига

кирган Мурғоб дарёси воҳаларидаги ерлар ҳам Бухоро амирлигига қарар эди.

Хива хонлиги жанубда Эрон, шарқда Бухоро амирлиги, ғарбда Каспий денгизи, шимолда қозоқ жузлари билан чегарадош бўлган. Сувсиз ва поенсиз Қорақум, Қизилқум саҳролари Хива хонлигини географик жиҳатдан бошқа мамлакатлардан ажратиб қўйган эди. Амударё соҳилларида жойлашган Хива, Урганч, Кат, Кўҳна Урганч, Хазорасп, Қўнғирот, Хўжайли, Курдар (ҳозирги Чимбой) шаҳарлари хонликнинг йирик шаҳарлари ҳисобланар эди. Хива шаҳри Ўрта Осиёнинг энг бой савдо марказларидан бири бўлиб, 1598 йилдан бошлаб хонликнинг пойтахти бўлган.

Қорақалпоқлар яшайдиган Амударёнинг қуйи ҳавзаси ва Орол денгизининг жанубий қирғоқлари ҳам Хива хонлиги тасарруфида эди.

XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон хонлиги ҳудудий жиҳатдан Ўрта Осиёдаги йирик давлат эди. Хонлик шарқда Шарқий Туркистон, ғарбда Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги билан чегарадош бўлган. Қўқон хонлиги билан Россия ўртасида Мирзачўл ва Муюнқул чўллари ястаниб ётган.

Хонликнинг жанубий чегаралари Қоратегин, Кўлоб, Дарвоз, Шўғнон сингари тоғли ўлкаларни ўз ичига олиб, бу ҳудудлар учун Бухоро амирлиги билан тез – тез тўқнашувлар бўлиб турган.

Қўқон хонлигининг ҳудуди Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидан фарқли ўлароқ, серсув дарёлар, сўлим водийлар, серҳосил ерларга бой эди. Хонликнинг маркази Қўқон, Марғилон, Ўзган, Андижон, Наманган каби ириқ шаҳарлар жойлашган Фарғона водийси эди. Тошкент, Туркистон, Чимкент, Авлиёота, Пишпак, Сузак, Оқмачит каби йирик шаҳарлар ҳам Қўқон хонлиги тасарруфида эди.

Хонликларда маъмурий бошқарув тизими билан боғлиқ тарихий атамалар бир – бирдан фарқ қилади.

Амир Бухоро амирлигининг олий ҳукмдори, яъни чекланмаган ҳокимият эгаси бўлган. Унинг ҳузурида ижроия ҳокимиятни сарой аъёнларидан қуйидагилар амалга оширган:

Қушбеги – олий мансаб бўлиб, амрдан кейинги биринчи амалдор ҳисобланган, айна вақтда амирнинг ўринбосари саналган. Манғитлар сулоласи даврида барча вилоят ҳоким ва беклари қушбегига бўйсунган, амир пойтахтда бўлмаган вақтда у амирликнинг барча ишларини бошқарган. Қушбеги, шунингдек, Бухоро вилоятининг ҳокими ҳам ҳисобланган. Қушбеги ҳам пойтахт аркида яшаган. Қушбеги мансабидан кейингиси оталиқ бўлган.

Амирликдаги кейинги мансаб – **қушбегийи** – **поендир**. У, асосан, молия ишларини бошқарган, айна вақтда бутун амирлик ҳудудидаги закот йиғувчилар бошлиғи ҳисобланган. Шу боисдан баъзан уни **закотчийи** – **калон** деб юритишган.

Амалдори меҳмонхона амир қабулхонасидаги ишларни ташкил этган.

**Додҳоҳ** — амир саройининг юқори лавозимларидан бири бўлиб, у Бухородаги юқори хизмат доирасида 10—тонфадаги амал ёки мансаб ҳисобланган. У арз, илтимосномаларни қабул қилиб, уларга ёзма ва оғзаки жавоб қайтарган.

Амир саройининг йирик мансабдорларидан бири — **мирзабоши** девонхона ҳокими, мирзалар бошлиғи ҳисобланган.

**Хазиначи** амир хазинасини муҳофаза қилган.

Ташриф буюрган хорижий меҳмон ва элчиларни кутиб олиш билан **удайчи** шуғулланган. Қутвол — давлат қурилишларига жавобгар шахс бўлиб, арк қурилиши, қалъа деворлари ва иморатларини таъмирлаш унинг зиммасида эди.

**Парвоначи** амир фармонларини ёзиб олиб, уларни тегишли шахсларга етказган, вазир муовини сифатида фармон ижроси билан шуғулланган.

Амир ошхонасининг бош ошпази фаррошбоши, меҳмонларни кутиб олиш, дастурхон ёзиш, таом келтириш билан шуғулланувчи **дастурхончи**, амир отхонасини бошқарувчи **мирохур**, жамоат тартибини сақлаш ва уни ташкил этувчи **миршаб** каби мансаблар ҳам бўлган. Миршаблар бошлиғи — **миршаббоши** дейилган.

**Беклик** — Бухоро амирлигида бек томонидан идора этиладиган маъмурий ҳудуд. Бухоро амирлиги XX аср бошларида 27 та бекликдан иборат бўлган. Бек — Ўрта Осиё хонликларида шахар ёки вилоят бошлиғи. Бек ўзи бошқарадиган бекликда чексиз ҳуқуққа эга бўлиб, у фақат амирга бўйсунган. Шунингдек, бек сўзи аслзода, ҳукмдор, жаноб, маъноларида ишлатилган.

Хивада хон Девони бир неча тармоқларга бўлинган. Бош вазир ва вазирлар, қушбеги, оталиқ, раис, қози калон, шайхулислом, **мирзабоши**, тўлчибоши, иноқ, девонбеги, хазиначи, молия ишлари вазири, сарой муншиси, ясовулбоши, маҳрамбоши каби мансаблар шахсан ҳар томондан тайинланган. Хонликдаги энг катта мансаб ва унвонлар — **иноқ**, **оталиқ** ва **бий** мансаблари бўлган.

Қўқон хонлигида ҳам бир неча сарой унвон ва мансаблари бўлган. Олий даражали унвон ва мансаблар: **оталиқ**, **бекларбеги**, **бий**, **девонбеги**, **хазиначи**, **иноқ**, **эшикоғаси**, **парвоначи**, **додҳоҳ**, **дастурхончи**, **саркор**, **шарбатдор**, **офтобачи**, **қоровулбеги**, **тўнқатор**, **қушбеги**.

Ўрта даражадаги унвон ва амаллар: **китобдор**, **рисолачи**, **баковул**, **мирзабоши**, **сармунши**, **маҳтари закотзона**, **мирохур**, **шиғовул**.

Паст даражадаги мансаблар: **саломоға**, **мирзо**, **файзи**, **мунши**, **сўрнайчи**, **карнайчи**, **дафчи**, **човқучи**, **жарчи** (боши), **шотир**, **зинбардор** (гарчи), **жоловдор**.

Ҳарбий ишлар билан боғлиқ атамалар ҳам хилма — хилдир. Бухоро амирлигида ҳарбий ишларни тўлчибошилари лашкар мансабидаги киши



бошқарган бўлиб, бу унвон иккита бўлган: бири **тўпчибоши** лашкар, **вазири ҳарб** (**ҳарбий вазир**) номлари билан аталиб, Бухоро шаҳри ҳарбий горнизонининг бошлиғи бўлган. Иккинчиси **тўпчибошийи арки** — олий яъни қалъа артиллериясининг бошлиғи бўлиб, у пойтахт қалъасига комендантлик қилган.

Қурол — аслаҳа омборининг бошлиғи **жевачи** деб юритилган.

Хивада пойтахт хавфсизлигини сақлаш **тўпчибоши**, Ичан — қалъа ва Дишан — қалъа **қутволи** (комендант) зиммасида бўлган.

Қўқон хонлигида ҳарбий ишларга асосан **мингбоши**, бекликлардаги сарбозларга беклар қўмондонлик қилардилар. Уруш бораётган даврларда ҳам энг тажрибали мингбошини амири лашкар (олий бош қўмондон) қилиб тайинлар, унинг ҳуқуқ ва ваколатлари янада оширилар эди.

Диний атамаларга тўхталадиган бўлсак, Бухоро амирлиги ҳаётида қозикалон алоҳида аҳамиятга молик бўлганлигига дуч келамиз. **Қози** — **шаръиф**, ҳакам, ҳуқуқий ишларни ҳал этиб, васийликка, васиятнинг бажарилишига, мерос тақсимотига доир ишларни амалга оширган. Вақфни ҳам қози назорат қилган. Қози ҳукми қатъий бўлиб, унинг юзасидан амиргагина шикоят қилиш мумкин бўлган.

Қози — ул — куззот — қозикалон уринбосари бўлган.

Амирликда илоҳиёт илмида эришган ютуқлари учун махсус 3 та илмий унвон белгиланган. Уларнинг олийси **уроқ**, кейингиси **судур** ва охиргиси **садр** деб аталган.

Қўқон хонлигида диний мансабларнинг энг олийси шайхулислом бўлиб, уни 1818 йил Умархон жорий этган. Хожа — калон фикҳ олимнинг фахрий унвони.

**Халифа** — уринбосар (бу ерда хонликдаги турли тариқатларнинг раҳбарларига нисбатан ишлатилган).

**Муфти** — фатво берувчи.

Хивада ҳам шайхулислом, Қози калон, раис каби диний мансаблар мавжуд бўлган.

Хонликларнинг солиқ ва мажбуриятларига оид атамалари ҳам турличадир.

Бухорода ҳосилдан олинадиган солиқ — **хирож** деб аталиб, уни йиғувчилар амин ва қишлоқ оқсоқоли ҳисобланган.

Боғлар, бедазорлар, полиз экинлари учун олинган солиқ тури танобона еки алаф пул деб аталган.

Закоат солиғи савдогарлар моллари умумий миқдорининг 40 дан 1 ни ташкил этган.

Хива хонлигида 25 хилга яқин солиқ тури бўлган.

**Салғут солиғи** — ердан фойдаланганлик учун; **алғут**, **алғут бирла** — тўла хўжалик иш қуроллари, ҳовли ва ҳоказолар учун; **милтиқ пули** — хонлик қўшини учун; **тарози пули**, **миробона**, **дарвозабон пули**, **мушрифона** — ҳосил етилиб, ўрим — йиғим олдидан ер майдони ва ҳосил миқдорини аниқлаб берувчи амалдор учун тўланадиган; **афанақ пули**

солиги — хоннинг фармони ва бошқа муҳим хабарларни етказганлик учун гунанадиган солиқ; шунингдек оммавий ишлардан озод этилганлик учун гунанадиган солиқ ва руҳонийлар фойдасига берилиши лозим бўлган солиқлар ҳам мавжуд эди.

Қўқон хонлигида солиқ Бухоро ва Хивага қараганда кўпроқ бўлган. Россияси деҳқончилик маҳсулотларидан олинадиган **хирож** ва ҳунармандлар, савдогарлардан ундириладиган **закот** бўлган.

#### Адабиётлар:

1. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. — Т., 2000.
2. Вильданова А.Б. Подлинник бухарского трактата о гинах и звениях. Письменные памятники Востока // Ежегодник, 1968-М., 1970.
3. Мирза Бадиъ Девои. Мажмаъ ул-арком. Факсимил рукописи. Введение, перевод, примечание и приращение А.Б. Вильдановой. — М., 1981.
4. Йўлдошев М. Хива хонлигида феодал ер эгаллиги ва давлат тузилиши — Т., 1959.
5. Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства. — Т., 1973.
6. Семенов А.А. Бухарский трактатинах и звениях и об обязанностях носителей их в Средневосточной Бухаре // Советской востоковедение. Т.V.-1948.
7. Юлдашев М.Ю. К истории крестьянского землевладения в Средней Азии // ОНУ. 1964, №7.
8. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-жилд Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. — Т., 2000.
9. XX аср Хива давлат ҳужжатлари. — Т., 1960.

#### Янги ва энг янги даврнинг тарихий атамалари.

##### Режа:

1. Сиёсий мавзудаги тарихий атамалар.
2. Иқтисодий мавзудаги тарихий атамалар.
3. Дипломатияга оид тарихий ва замонавий атамалар.

Ушбу даврнинг атамаларини таҳлил қилиб, шуни кузатиш мумкинки, уларнинг кўпи янги ва энг янги даврда пайдо бўлган. Уларнинг кўпчилигига лотин, араб ва юнон, шунингдек, ғарб ва шарқ тилларидан ўзлашган атамалардир.

Халқаро атамаларни тарихий атама сифатида кириб келишига халқаро майдонда фаол иштирок этаётган давлатларнинг ўрни билан баҳолаш тўғри бўларди. Бу каби атамаларга инглиз, голланд, француз, немис, италян тилидан кириб келган атамаларни киритишимиз мумкин. Агар ўрта асрларда маълум бир атама аниқ маънони билатган бўлса,

яниги ва энг янги даврга келиб улар кенгроқ маънодаги аниқ тавсифловчи хусусиятига эга бўлди.

Ҳозирда қўлланилаётган атамаларнинг ривожини XIX ва, айниқса, XX асрда давлатлар ва халқларнинг сиёсий ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Жамиятнинг ривожини, масалан, уруш ва тинчлик муаммолари, илмий – техника инқилоби, ишлаб чиқаришнинг жадал ривожини, коммуникациялар, руҳий дунёнинг миллий жиҳатларининг ривожини, миллий ўзлигини таниш мамлакатлар ва халқларнинг яқинлашиш элементлари билан уйғунлашган ҳолда кўпгина тарихий жараёнларни уйғунлаштирди. Худди шу даврда кўплаб халқлар умумбашарий муаммолар – колониализмлар, жаҳон урушлари ва турли ирқий камситишларга дуч келди. Тоталитар, шовинистик, экстремистик ақидаларга қарши курашни ифодаловчи атамалар ҳам айнан шу даврда пайдо бўлди.

Халқаро атамаларни тартибга келтириш ва уни аниқлаш ишлари кўпгина мамлакатлар (АҚШ, Франция, Англия) да олиб борилади. Турли халқаро ташкилотлар (ЮНЕСКО, Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот, Халқаро электротехника комиссияси ва ҳоказо) турли тиллардан олинган атамаларни мувофиқлаштиради.

Сиёсий мавзудаги тарихий атамаларнинг аҳамиятлиларига тўхталамиз.

**Конституция** (лот.constitutio – тузилма) давлатнинг асосий қонуни бўлиб, жамият ва давлат курилиши, маҳаллий вакиллик органлари тамойил ва тартибларини изга солиб турувчи ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликлари акс этган ҳужжат. Жаҳонда биринчи Конституция 1787 йилда АҚШда, 1831 йилда Бельгияда, 1874 йилда Швейцарияда қабул қилинган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, 1992 йил 8 декабрда ўз Конституциясини қабул қилди. У 26 боб, 128 моддадан иборат. Конституция ўзига хос хусусиятлари билан бошқа қонунлардан ажралиб туради. Улар:

1) ҳамма қонунлар Конституциядан келиб чиқиб ваунга зид келмаслигида;  
2) Конституциянинг ҳолати доим биринчи ва асос солувчи ҳисобланишида;  
3) Конституция жорий қонунлар тизимини белгилашда;  
4) Конституциянинг қабул қилинишидаги хусусиятларда, қонунлар қабул қилишда Олий Мажлис депутатларининг кўпчили овози талаб қилинса, Конституцияга узгартишлар киритишда Олий Мажлис депутатларининг 3/2 қисмидан кўпроғи қагнашиши шарт;  
5) Конституция қабул қилишда унинг ҳар бир моддаси овозга қўйилади;  
6) Конституция жаҳон мамлакатларида ўзгармайдиган барқарор қонун ҳисобланади.

Жаҳоннинг ривожланиши йўлида ғов бўлувчи энг жирканч иллат бу – терроризм бўлиб қолди. Террорнинг ёвуз мақсадларини халқимиз 1999 йил 16 февралда ўз бошидан кечирган эди. 2001 йил 11 сентябрида

АҚШдаги террористик ҳаракатлар ҳам унинг чуқур иддиэ орактанлигидан дарак беради. Аммо ҳозирда бутун дунё ҳамжамияти инбу иллатга қарши кескин кураш олиб бормоқда.

**Террор** (лот. terror — кўрқув, даҳшат) — даҳшатли оқибатга олиб келувчи сиёсат бўлиб, сиёсий мақсадлари учун зуравонлик йўли билан қора кўриш. Терроризм бу рақибларини жисмонан йўқ қилишга асосланган сиёсий ҳаракат усулидир.

**Париж Коммунаси** — 1871 йилнинг 18 мартада Парижда Учинчи республика ҳукуматига қарши халқ инқилоби. Бунга бонапартчилар режими ва 1870—71 йиллардаги француз—прусс урушида Франциянинг мағлубияти сабаб бўлди. 28 мартда эълон қилинган Коммуна 28 майга қадар яшаган.

**Конфедерация** (лот. confederatio — иттифок, бирлашма) — Давлат бошқарув шакли бўлиб, конфедерацияга кирган давлатлар ўз мустақиллиги, давлат бошқарув органларини сақлаб қолади. Конфедерацияга фақат маълум мақсадлар учун бирлашилади (яъни харбий, ташқи сиёсат ва ҳоказо). Швейцария тарихий конфедерация шаклига мисол бўла олади.

**Федерация** (сўнгги лот. Foederatio дан — иттифок, бирлашма) — давлат тузилиш формаси бўлиб, унда ҳуқуқий жиҳатдан муайян сиёсий мустақилликка эга бўлган бир неча давлат тузилишлари битта иттифок давлатини ташкил этади. Федерация ҳудуди федерацияга кирган давлатлар ҳудудидан ташкил топган. Бу давлат тузилишининг ҳар бири ўз конституциясини қабул қилиш ҳуқуқига эга. Федерация билан унга кирган штатлар, республикалар, кантонлар ўртасидаги ваколат ягона конституция билан чегараланиб кўйилади. Федерациянинг иттифок оғирликлари ўзларининг ҳуқуқий ва суд системаларига эгадир. Купгина федерацияда бир вақтнинг ўзида ягона иттифок граждандлиги ва иттифокдош бирликлар граждандлиги ҳам мавжуддир. Буржуа федерация миллий—ҳудудий бирликни қатъий ҳисобга олмаган ҳолда тузилади. Буржуа федерацияси одатда бир неча давлат тузилишининг иттифоқи шифатида вужудга келади (АҚШ, ГФР, Австрия ва ҳоказо).

**Тотолитаризм** (лот. Totalis — бутун, ҳаммаси, тўла) — давлат бошқарувининг шаклларида бири бўлиб, жамият ҳаётининг барча соҳалари устидан тўла давлат назоратини ўрнатилганлиги билан характерланади. XX асрнинг 20— йилларида Германия ва Италия фашизмнинг расмий мафкурасига айланди.

**Эмиграция** (лот. Emigrare дан олинган бошқа ерга кўчиш) — иқтисодий, сиёсий ва бошқа сабаблар билан ўз ватанидан мажбуран ёки ихтиёрий суратда бошқа мамлакатга кўчиб кетиш. Ҳозирги замон капиталистик жамиятида эмиграцияга асосан ишсизлик, (Масалан, 1978 йилларда Ғарбий Европа мамлакатларида 12 миллионга яқин чет эллик ишчи бор эди.) иқтисодий қийинчиликларни, миллий камситишлар, сиёсий таъқиблар сабаб бўлмоқда.

**Брифинг** (ингл. briefing) — айнан матбуот вакиллариининг инструктажи, қисқача кенгаши бўлиб, унда бу иш учун махсус вакил қилинган шахслар муайян масала бўйича ҳукуматнинг позициясини баён қилиб беради ёки халқаро мунозараларда, йиғилишларда, конференцияларда иштирок этаётган томонларнинг бу анжуманларининг бориши тўғрисидаги, уларнинг қарашларини баён қилиб берувчи ахборот ва ҳоказо.

**Миллатлар Лигаси (1919—1946)** — халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги йўлларидаги ҳамкорликни амалга оширувчи халқаро ташкилот. Фашист давлатлар иттифоқига бепарқ қараганлиги учун иккинчи жаҳон уруши бошланганидан кейин амалда ўз фаолиятини тухтади.

**Бошқарувнинг парламент шакли** (парламент — фр. Parlez — гапирмоқ) — қонун чиқарувчи ва ижроия органларининг ва вазифалари аниқ тақсимланганда парламентнинг имтиёзли мавқега эга бўлиши. Парламент депутатлари ҳукуматни шакллантирадилар, бош вазирни ва конституциявий назорат органларини сайлайдилар.

**Консерваторлар** (лот. «conservator» — «муҳофазакор», «сақловчи») — консерватив қарашлар маслакдошлари, у ёки бу ислоҳотлар ёхуд ўзгаришларга қаршилар.

**Интервенция** — бир ёки бир неча давлатнинг бошқа давлат ички ишларида зўравонлик билан аралашуви, унинг суверенитетини бузиш.

**Доминион** (ингл. Dominion — мулк, ҳокимият) — Британия империяси таркибида бўлган, инглиз қиролини ўз раҳбари деб эътироф этувчи давлат (1867 йилдан Канада, 1901 йилдан Австралия иттифоқи, 1097 йилдан Янги Зеландия ва бошқалар.).

**Рейхстаг** (нем. Reich — давлат, Tag — мажлис) — 1867 йилдан 1945 йилгача Германия парламентининг номи. Ялпи сайлов ҳуқуқи асосида сайланган ҳукумат Рейхстаг олдида жавоб бермас эди. 1933—1945 йилларда у расман сақланиб, ҳукумат баёнотларини (рейхстаг номидан) эълон қилиш ва қулай воситага айланди.

**Рейхсрат** (нем. Reich — давлат, Rat — кенгаш) — 1919—1934 йилларда Германия парламентининг ўлка ва вилоятлар вакиллари билан иборат бўлган, қонунчилик ва бошқарув масалалари бўйича масъул палатаси. Нацистлар томонидан 1934 йилда Германиянинг федератив тузилиши бекор қилинган пайтда тарқатиб юборилган.

**Рейхсвер** (нем. Reich — давлат, Wehr — мудофаа) — 1919—1935 йилларда Германия қуроли кучлари. 1919 йилги Версаль тинчлик шартномаси асосида ташкил этилган. 1935 йил 16 мартда Германия бир томонлама тарзда Версаль шартномасининг ҳарбий моддаларини бекор қилди ва ялпи ҳарбий мажбуриятни жорий этди.

**Хунта** (испан. Junta — йиғин, бирлашма) — ҳукуматни ғайриқонуний равишда эгалловчи ва диктаторлик усуллари билан ҳукмронлик қилувчи фитначилар гуруҳи (Испания, Латин Америкаси мамлакатлари). 1991 йил



анигида Москвада ҳам собиқ СССРни сақлаб қолиш мақсадида ГКЧПчилар уриниш қилган эди. Аммо бу хунта демократик кучлар томонидан баргараф этилган эди.

**Антисеминтизм** — миллатчиликнинг семит халқи яҳудийларга қарши қаратилган куринишларидан бири.

**Коалиция** (лот. *Coalitio, coalescere* дан — бирлашиш) — давлатлар, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари ва бошқа ташкилотларнинг умумий сиёсий ҳарбий, иқтисодий мақсадларга эришиш учун тузган уюшмаси, иттифоқи, битими. Иккинчи жаҳон уруши жараёнида антигитлерчи коалиция ташкил топди.

**Апартеид** (апархейд) — (африкаане (бурск). *Apartheid* — алоҳида — алоҳида яшаш) Жанубий Африка Республикасининг ҳукмрон реакцион доиралари томонидан Африканинг туб аҳолисига кўпроқ Ҳиндистондан кучиб келган кишиларга нисбатан олиб борилаётган шафқатсиз иркий камситиш ва сегрегация сиёсати.

Африкаликларни резерватларда (1959 йилда бантустанлар деб атала бошлади) яшашга мажбур қиладилар. улар гражданлик ҳуқуқидан маҳрум қилганлар, оқ танлиларга қараганда анча кам иш ҳақи олардилар ва ҳоказо. Алоҳида — алоҳида яшаш тартибини бузиш жиноий тартибда таъкиб қилинади. БМТ қабул қилган бир қанча ҳужжатларда апартеид инсониятга нисбатан қилинган, халқаро ҳуқуқ принципларини, жумладан, БМТ Устави мақсадлари ва принципларини бузувчи, пинчликка ва халқлар хавфсизлигига жиддий таҳдид солувчи жиноят деб эълон қилинди.

**Нацизм** — Германия фашизмининг номларидан бири. Германия фашистлар национал — социалистлар партияси номидан келиб чиққан.

**Коллоборонистлар** (фр. *Collaboration* — ҳамкорлик) — Иккинчи Жаҳон уруши даврида фашист босқинчилари билан ҳамкорлик қилган шахслар.

**Тред — юнионлар** (ингл. *Trade union* — ҳунар, касб ва *union* — бирлашма) — инглиз касаба уюшмалари ҳаракатидаги оқим. Асосий мақсади ҳаётнинг шарт — шароитларини яхшилаш учун кураш.

**Неоколониализм** — империалистик давлатлар ва монополияларнинг империализмнинг мустамлакачилик система барбод бўлаётган шароитда мустамлака қарамлигидан озод бўлган мамлакатлар устидан янги, анча тадбирли усуллар билан ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш ва бу мамлакатлар халқларини эксплуатация қилишга қаратилган мустамлакачилик сиёсати. Неоколониализм Осиё, Африка, Латин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатларнинг ҳақиқий мустақиллик томон ҳаракатига, бу мамлакатларда чет эл монополиялари мулкнинг национализация қилинишига ва иқтисодиётнинг давлат секторига айланишига тўсқинлик қилади. Неоколониализм ҳукмронликнинг услублари ривожланаётган мамлакатларга иқтисодий ва сиёсий шартлар асосида «ёрдам» беришни, тенг ҳуқуқли шартномалар ва битимлар

тузишни, бу мамлакатларни империалистик давлатлар ҳомийлигида турли блок ва иттифоқларга тортишни, мустакил ривожланиш йўлига ўтиб олган мамлакатларнинг ички ишларига аралаштириш, қўғирчоқ режимлар тузишни ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

«Совуқ уруш» — бу атама Иккинчи жаҳон урушидан кейин вужудга келди, капиталистик давлатларнинг собиқ Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларга нисбатан қўллаган сиёсати. «Совуқ уруш» сиёсатига АҚШ ва Ғарбдаги бошқа мамлакатлар энг реакцион кучларининг манфаатлари сабаб бўлган, унинг элементлари АҚШ ва Буюк Британия ҳукмрон доираларининг ҳатги — ҳаракатларида Иккинчи жаҳон уруши тугамасдан илгариеқ намоён бўлган эди. Инглиз сиёсий арбоби У Черчилнинг 1946 йил 5 мартда Фултонда (АҚШ) сўзлаган нутқи социализм дунесига Ғарб томонидан «Совуқ уруш»ни ошкора эълон қилиш бўлган эди. Бу нуқта, аслида, «Совуқ уруш» дастурида баён қилиб берилган эди. 1947 йилда у собиқ СССРга қарши Ғарбий Европанинг ҳарбий блокини тузиш лойиҳасини ҳам кўтариб чиқди. «Совуқ уруш» учун куч ишлатиш хавфини солиш, диктаторликка интилиш, социалистик давлатларга қарши иқтисодий блокада ташкил этиш ва қўпурувчилик фаолияти олиб боришга уриниш, қуролланиш пойгасини ва ҳарбий тайёргарликни бутун чоралар билан тезлаштириш, агрессив блоклар ва иттифоқларни тузиш «психологик уруш» характерини авж олдириш характерлидир. «Совуқ уруш» ва у вужудга келтирган ташқи сиёсий концепциялар ва доктриналар — «зўравонлик сиёсати», «коммунизмни улоқтириб ташлаш», «уруш ёқасида тутиш» ва бошқа Ғарб мамлакатлари энг реакцион монополистик доираларининг манфаатларидан келиб чиққан эди. Халқаро кескинликнинг ошиб кетиши ва жаҳон урушининг бошланиб кетиш хавфи «Совуқ уруш» натижаси бўлди.

Кучлар нисбатидаги ўзгаришлар асосида жаҳонда халқаро муносабатларнинг бутун системасида қайта қурилиш рўй бермоқда. Сўнги йилларда «Совуқ уруш»дан халқаро кескинликни юмшатиш томон, ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатлар амалиетида гинч — тотув яшаш принципини қарор топтириш томон бурилиш қилишга эришилди.

«Лондон клуби» — матбуотда қўлланиладиган ибора бўлиб, ядро технологияси, асбоб — ускуна ва материаллар етказиб берувчи бир гуруҳ давлатларни билдиради. Бу гуруҳга Россия, АҚШ, Англия, Франция, Германия, Чехия, Польша, Япония, Канада, Италия ва баъзи бошқа экспортёрлар киради. Экспортёрларнинг 1975—1977 йилларда Лондонда бўлиб ўтган қатор кенгашларида ядро асбоб — ускуналарини ва материалларни экспорт қилишга нисбатан баъзи бир мухим принципларни қўллаш тўғрисида ана шу мамлакатлар ўртасида битимга келинди.

Қуролсизланиш — тадбирлар системаси бўлиб, уларнинг амалга ошириш уруш олиб бориш воситаларини йўқ қилишга ёки жиддий

қискартиришга ва жаҳон ядро уруши хавфини бартараф этиш учун широк яратилишига олиб келади. Қисман, ялпи ва тўла қуролсизланиш тушунчаси фарқ қилинади

**Анклав** (фр. Enclave лот. Inclavare дан — қулфлаб олиш) — давлат ҳудудининг ёки давлатлар территорияси билан ҳар томондан ўраб олинган қисми. Масалан, Леего давлати ЖАР ҳудудидаги анклав ҳисобланади. Агар бу қисмни бошқа давлат ҳудуди тўла ўраб олмаган бўлса ва у денгизга туташса, бунда айрим анклав ҳақида сўз юритиш мумкин.

**Аннексия** (лот. Annexio — қўшиб олиш) — бир давлатнинг ҳудудининг (ёки унинг бир қисмининг) бошқа давлат томонидан зўрлик билан босиб олиниши, қўшиб олиниши. Халқаро уюшманинг фойдаланувида бўлган ерларнинг (очиқ денгиз, унинг туби, антарктика ва бошқалар) босиб олиш ҳам аннексия деб қаралади. Аннексия ҳозирги халқаро ҳуқуқни қўпол бузишдир. Аннексия тушунчасининг таърифи 1917 йил 26 октябрида эълон қилинган (8 ноябр) тинчлик тўғрисидаги декретда берилган.

**Уруш** — давлатлар ёки синфлар ўртасида уларнинг иқтисодий ва сиёсий мақсадларини амалга ошириш учун олиб бориладиган қуролли кураш, сиёсатни зўрлик воситалари билан давом эттириш.

**Гражданлик** — жисмоний шахснинг муайян давлат билан ҳуқуқий алоқаси. Ҳар бир гражданин маълум ҳуқуқларга эга ва бадавлатига нисбатан тегишли бурчларини бажариши лозим. Бу ҳуқуқ ва бурчлар мамлакатнинг ички қонунлари: конституция, гражданлик тўғрисидаги қонун ва бошқа ҳуқуқий актлар билан белгиланади. Гражданлик шахснинг фақат ички ҳуқуқидагина эмас, балки халқаро ҳуқуқдаги ҳуқуқий ҳолатини ҳам белгилаб беради.

Чет элда бўлган гражданлар ўз давлати олдидаги бурчларини бажаришдан озод этилмайдилар ва шу билан бир вақтда ўз давлати томонидан дипломатик ҳимоя қилинишдан фойдаланадилар.

Гражданликка эга бўлиш ва гражданликдан маҳрум бўлиш тартиби давлат қонуни ва халқаро битимлар билан белгиланади. Бунда туғилиш муносабати билан гражданликка эга бўлишни ҳал қилаётганда иккита принцип қўлланилади. Бу принциплар миллий ва ҳудудий принциплардир. Миллий принципга мувофиқ, боланинг гражданлиги, у қаерда туғилганидан қатъий назар, ота-онасининг гражданлигига боғлиқ, ҳудудий принципда гражданлик бола туғилган жойга қараб белгиланади ва бу бола ота-онасининг гражданлиги билан боғлиқ бўлмайди. Амалиётда бу икки принцип муайян мажбурий шартларга риоя қилиш билан қўшиб олиб борилади.

**Имиграция** (лот. Immigrans (immigrantis) дан — жойлашган) — бошқа давлатлар гражданларининг (иммигрантларининг) бирон мамлакатга вақтинча ёки доимий яшаш учун келиши. Иммиграцияга асосан сиёсий ва иқтисодий важлар сабаб бўлади. Дуненинги иммигрантлар борадиган

кўл мамлакатларида махсус иммигрантлик квоталари жорий этилган. Ана шу квоталар доирасида чет эл гражданининг ҳар йилги оқими тартибга солиб турилади.

**Казус белли** (лот. *Casus belli* – айнан урушга баҳона) – уруш ҳолати вужудга келиши учун бевосита расмий сабаб. Казус беллини урушга сабаб сифатида урушнинг келтириб чиқарган ҳақиқий сабаблардан фарқ қилиш керак. Масалан Сараевода Австрия эрцгерцоги Фердинанднинг ўлдирилиши 1914–1918 йиллардаги Биринчи жаҳон уруши учун Казус белли бўлган эди. Урушнинг ҳақиқий сабаби империалистик давлатларнинг дунёни қайта тақсимлаш учун кураши бўлган эди.

**Капитуляция** (лот. *Capitulatio, capitulare* дан – келишиш) – 1) муҳофизат қилинаётган объектни душманга топшириш ёки қўшиннинг аср тушиши. Капитуляция одатда капитуляция бўлган давлат зиммасига сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва ҳоказо мажбуриятлар юклаш билан бирга қўшиб олиб борилади;

2) Сўзсиз капитуляция – тўла мағлубиятга учраган душмanning ердаги, денгиздаги ва ҳаводаги кучларини голиб давлатлар томонидан унга қўйилган шартлар асосида асирга тушиши ва кейинчалик қуролсизлантирилиши. Гитлерчилар Германиясининг ва милитаристик Япониянинг 1945 йилдаги мағлубияти капитуляцияга сўзсиз таслим бўлади.

**Карт – Бланш** (фр. *carte blanche*) – бирор шахс имзо чекиб, бошқа шахсга уни ўзи истаган мазмунда тўлдириш ҳуқуқи берилган тоза бланк. Чекланмаган ваколат

**Мораторий** (лот. *Moratorius* дан – ушлаб турувчи) – ички ёки ташқи мажбуриятларини бажарилишини узайтириш. Мораторий муайян муддатга ёки алоҳида ҳолатлар амал қилган учун ўрнатилади. Мораторий мажбуриятларгагина таалуқли, қисман махсус бўлиши мумкин. Банк мораторий – мораторий турларидан бири бўлиб, бунда кредит берадиган муассасалар ҳукуматнинг буйруғи билан маълум вақтга епиб қўйилади. Масалан, Америка долларининг 1971–1973 йиллардаги девальвацияси вақтида Ғарбий Европадаги асосий валюта бозорлари бир неча марта епиб қўйилади. Ядро портлатувчилари мораторийси мораторийнинг асосий туридир.

**Нейтраллизм** – бошқа давлатлар ва бир гуруҳ давлатлар билан узининг муносабатида бетарафликни асосий принцип қилиб эълон қилган давлат сиёсати (Швейцария, Туркменистон).

**Неоколонизм** – империалистик давлатлар ва монополияларнинг империализмнинг мустамлакачилик системаси барбод бўлаётган шароитда мустамлака қарамлигидан озод бўлган мамлакатлар устидан янги, анча тадбирли усуллар билан ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш ва бу мамлакатлар халқларини эксплуатация қилишга қаратилган мустамлакачилик сиёсати. Неоколонизм Осиё, Африка ва Латин

Америкасидаги ривожланаётган мамлакатларнинг ҳақиқии мустақиллик томон ҳаракатига, бу мамлакатларда чет эл монополиялари мулкнинг национализация қилинишига иқтисоднинг давлат секторига айланишига социалистик ориентация йўлига ўтишга ва социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни методлари ривожланаётган мамлакатларга иқтисодий ва сиёсий шартлар асосида «ёрдам» беришни, тенг ҳуқуқли бўлмаган шартномалар ва битимлар тузишни, бу мамлакатларни империалистик давлатлар ҳомийлигида турли блок ва иттифоқларга тортишни, мустақил ривожланиш йўлига ўтиб олган мамлакатларнинг ички ишига аралашishi, кўгирчоқ режимлар тузишни ўз ичига олади.

**Протекториат** (лот. Protector дан — ҳимоячи, ҳомийлик қилувчи) — кучли давлатнинг кучсиз давлат устидан расмий ҳомийлик қилиш. Амалда протекториат империалистик давлатлар томонидан иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан кучсиз мамлакатларга мажбуран қабул қилдирилар эди.

Протекториат кўпинча протекториат ўрнатилган давлат ҳудудининг оккупация қилиш билан бирга амалга оширилар эди. Протекториат қарам мамлакатнинг тула босиб олиш ва ўзига қўшиб олишда айрим ҳолларда фақат ўтиш формаси бўларди, холос.

Халқаро муносабатлар тарихида протекториат кўпинча бир томонлама акт ўрнатилар эди. Буёқ Британия 1914 йилда Миср устидан протекториат ўрнатди, аслида эса уни 1882 йилда босиб олган эди. 1939 йилда гитлерчилар Германияси Чехия ва Моравия устидан протекториат ўрнатди, аслида эса улар фашист агрессорларини қурбони бўлган эди.

**Репатриация** (лот. Repatriare — ватанга қайтиш) — уруш еки эмиграция натижасида ўз мамлакатидан ташқарида қолган ҳарбий асирларни ва граждaн шахсларни ватанига қайтариш.

**Репрессалии** (лот. Reprehendere — тўхтатиб туриш, тўхтатиш, танбёҳ бериш) — халқаро муносабатларда бирор давлат томонидан ўзининг ҳуқуқларини бошқа давлат бузганлигига жавобан, ана шу давлатни ўзи қабул қилган тадбирларни бекор қилишга мажбур қилиш мақсадида қилинган тадбир ёки ҳаракат.

**Ратификация** (лот. Ratus — тасдиқланган ва fasere дан қилмоқ) — аҳдлашувчи давлатларнинг мухтор вакиллари томонидан тузилган халқаро шартнома ёки битимнинг олиб давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланиши. Ратификация шартномага юридик куч беради.

**Пролонгация** (фр. Prolongation, лот. Prolongare — чўзиш, узайтириш) — бирон шартнома, битимнинг амал қилиш муддатини чўзиш.

**Денонсация** (фр. Denoncer — эълон қилиш, бекор қилмоқ) — денонсация қилиш — бир давлат томонидан иккинчи давлатга уларни ўртасида тузилган шартнома ёки битимнинг бекор қилинганлиги тўғрисида хабар қилиш.

Янги ва энг янги даврда шаклланган иқтисодий атамалардин баъзиларига изоҳ бериб ўтсак:



**Реституция** (лот. Restitutio — тиклаш) (халқаро ҳуқуқда) — урушаётган давлат томонидан душман ҳудудидан ғайри қонуний равишда босиб олинган ва олиб чиқиб кетилган мулкни қайтариб бериш; реституция тартиби тинчлик аҳди еки бошқа ҳуқуқий актлар билан белгиланади.

**Концессия** (лот. Concessio — ён бериш) — Давлатга тегишли табиий бойликлар, корхоналар ва бошқа объектларни хорижий давлатларга, компаниялар ва айрим шахсларга маълум муддатга фойдаланишга бериш.

**Инвестиция** — сармоянинг бирон-бир корхона, ишга узоқ муддатга жойлаштириш.

**Инфляция** — қоғоз пулларнинг қадрсизланиш ва реал товар таклифига нисбатан муомалада уларнинг кўпайиб кетиши билан боғлиқ бўлган қобилиятнинг пасайиш жараени.

**Шоп — стюардлар** — Англиядаги фабрикаларда цех етакчилари, корхоналарда ишчилар томонидан сайланадиган вакиллар. Турмуш даражасини юксалтириш учун оммавий ишчилар ҳаракатининг ташкилотчилари. Шоп — стюардларнинг ҳаракатлари тред — юнионларникидан кўра кескинроқ эди.

**Депрессия** (лот. Depressio — тушкунлик) — ортиқча ишлаб чиқариш инқирозидан сўнг рўй берадиган иқтисодий турғунлик, товарларга талаб камлиги, оммавий ишсизлик билан тавсифланадиган давр.

**Консорциум** (лот. Consortium — қатнашув, уюшма) — бир неча банк ёки саноат компанияларининг қарзни биргаликда жойлаштириш ёки умумий қиммат турувчи лойиҳани биргаликда амалга ошириш мақсадида вақтинчалик келишув.

**Стандардлаштириш** — хом — аше, ишлаб чиқариш жараёнларини, тайёр маҳсулотлар ва ҳоказоларга нисбатан давлат миқосида ягона, қатъий белгиланган меъёр ва талабларни ўрнатиш.

**Протекционизм сиёсати** (лот. Protectio — ҳимоя, яшириш) — ички бозорни чет эликлардан экспортни ошириш ва импортни чеклаш, катта божхона солиқларини белгилаш ва бошқа қатор чоралар воситасида ҳимоя қилиш сиёсати.

**Эмбарго** (исп. embargo — ҳибсга олиш) — бирор мамлакатдан маҳсулотлар, валюта олиб чиқиб кетишни ёки бирор мамлакатга маҳсулотлар, валюта олиб киришни таъқиқлаб қўйиш, шунингдек, ажнабий давлатга тегишли бўлган кемалар, юklar ва бошқа мулкларни ушлаб туриш. Уруш вақтида эмбаргодан душман давлатларга қарши иқтисодий санкция учун фойдаланилади. Тинчлик вақтида давлатлар турли мамлакатларга иқтисодий ва молиявий тазйиқ ўтказиш учун эмбаргодан фойдаланадилар.

**Протекционизм** (фр. protectionnisme, лот. protectio дан — ҳимоя, ҳомийлик) — давлатнинг миллий хўжаликни чет эл рақобатидан муҳофаза қилиш йўли билан уни ривожлантиришга қаратилган иқтисодий тадбирлар системаси. Бунга, масалан, чет эл маҳсулотларига

катта бож солиш, ўз мамлакатининг саноатига субсидиялар бериш ва ҳоказолар киради. Мамлакатга келтириладиган маҳсулотларга катта бож солиб, буржуа мамлакатлари ичкарасида монопол – юқори баҳоларни сақлаб қолишга ва чет элга жаҳон бозорига қараганда анча паст баҳоларда маҳсулот чиқаришга кўмаклашади.

**Ҳарбий коммунизм** – совет давлатининг фуқаролар уруши шароитидаги ижтимоий – иқтисодий сиёсатидир. Аҳолининг бой қисми мол – мулкни олишни, яъни меҳнат мажбурияти жорий этишни, йирик, урта ва қисман кичик саноатни тез суръатлар билан давлат ихтиёрига ўтказишни назарда tutарди. Тижорат татқиқланди, қинлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг ортиқча қисмини давлатга тошириш мажбурият қилиб қўйилди.

**Национализация** (лот. Natio – миллат, халқ) – ер, саноат, транспорт алоқа, банкларни ва ҳоказоларни хусусий мулкдан давлат мулкига ўтиши. Национализация характери мамлакатда мавжуд бўлган ижтимоий тузум билан белгиланади. Капиталистик национализация – национализация қилинган корхона, тармоқ ва ҳоказо буржуа давлати мулкига айланади. Капитализмнинг моҳияти бунинг натижасида ўзгармайди, чўнги эксплуатация қола беради, буржуа давлати эса, капиталистлар мажмуи сифатида чиқаверади. Капиталистик национализация монополистик капитал манфаатлари йўлида амалга оширилади, кўпинча у монополистик фойдаларни кўнайитириш, иқтисодни милитаризациялаш воситасига айланади ва ҳоказолар. Капитализм шароитида одатда етарли даражада даромадли бўлмаган ёки ҳатто зарар келтирадиган корхоналар, ишлаб чиқариш тармоқлари национализация қилинади. Корхона еталарига, одатда, компенсация тўланади.

**Интеграция** (лот. Integratio, integer дан – бутун) – бирор бир қисм ва элементларни бир бутунга бирлаштириш, иқтисодда ҳўжалик ҳаётини интернационализациялашнинг олий формаси бўлиб, бунга халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлаштириш объектив равишда сабаб бўлади. У турли мамлакатларнинг ўзаро яқинлашувида ва уларнинг корхоналари, тармоқлари ва ҳатто миллий иқтисоднинг ягона ҳўжалик организмга бирлашувида ифодаланади, ҳамда бу процессни тарбига солиб турувчи иқтисодий сиёсатдир.

**Репарация** (лот. Reparatio – тиклаш) – агрессия қилган давлат гомонидан ҳўжумга учраган давлатга агрессия натижасида етказилган зарарини қолаш учун тўланадиган товон. Репарация миқдори тинчлик эҳди ёки бошқа ҳўқуқий актлар билан белгиланади. Анархо – синдикализм – ишчилар ҳаракатида анархизм гоялари таъсирида бўлган оқим. Анархо – синдикалистлар касаба уюшмаларини ишчилар синфини ташкиллаштиришнинг муҳим шакли деб қисобланади. Ишлаб чиқариш воситалари касаба уюшмаларига ўтиши шарт. Беносита ҳаракат – иқтисодий иш ташлаш, саботаж, умумий иқтисодий стачка тактикасини қўллашади.

Ўнлар гуруҳи («Париж клуби») — ҳукуматлараро ташкилот. АҚШ, Канада, Япония, Бельгия, Франция, Германия, Италия, Нидерландия, Швеция ва Англия ҳукуматлари ўртасидаги битим натижасида 1961 йилда Парижда тузилди. Швейцария ушбу ташкилотда расман ишгирок этмайди, бироқ унинг вакили бу ташкилотнинг кенгашларида муттасил қатнашиб туради. Ташкилот тўғрисидаги битим кредитлар тўғрисидаги Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) бош битими тузилгандан кейин 1962 йил 24 октябрда кучга кирди. «Париж клуби»нинг расмий мақсади — танг ҳолларда манфаатдор мамлакатларга ўз фондидан ердан бериш йули билан ХВФнинг валюта заҳираларини кўпайтиришдир. Клубнинг битим билан белгиланган дастлабки фонди 6 миллиард долларни ташкил этган, ҳозирда у бир неча бор кўпайган.

Ўнлар гуруҳи мунтазам суратда амал қилмай, балки вақти — вақти билан икки даражада: вазирлар ва лавозимлар даражасида ўтказилиб турадиган кенгаш шаклида амал қилади. Вазирлар даражасида ўтказилганда кенгашда молия вазирлари ва марказий банкларнинг бошқарувчилари, Швейцария банкининг президенти, ХВФнинг бошқарувчи директори, Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш ташкилотининг бош котиби, Европа иқтисодий уюшмаси комиссияси раиси ўринбосари қатнашади. Лавозимли даражадаги кенгашларда молия вазирлиги, марказий банклар, юқорида кўрсатиб ўтилган халқаро ташкилотлар аппаратидан юқори лавозимли амалдорлар қатнашади. Кенгаш қатъий равишда махфий ўтказилади. Ўнлар гуруҳи раиси лавозимини гуруҳ қатнашчилари бўлган мамлакатлар молия вазирлари навбат билан эгаллаб турадилар.

Ўнлар гуруҳи амалда Ғарбнинг валюта молия муаммоларини тартибга солиб турувчи ва ХВФнинг сиёсатини белгилаб берувчи органга айланиб қолди. ХВФнинг кўп қарорлари, жумладан, валюта курсларини белгилаш, ХВФ олтин заҳирасини сотиш, ердан бериш шартларини белгилаш тўғрисидаги ва бошқа қарорлари уларни Ўнлар гуруҳи тасдиқлагандан кейин қабул этилади.

Дипломатияга оид атамаларнинг асосийларини таҳлил қилсак:

**Дипломатия** (фр. diplomatie) — 1) давлат бошлиқлари, шунингдек уларнинг махсус органларнинг давлатни ташқи сиёсат соҳасидаги мақсад ва вазифаларини амалга ошириш соҳасидаги, чет элларда давлат, унинг идоралари ва граждандарнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги расмий фаолияти. Дипломатия давлат ташқи сиёсатининг муҳим воситасидир. Музокаралар, ёзишмалар ва давлатнинг чет элдаги кундалик вакилиги шаклида амалга оширилади.

**Д и п л о м а т** (фр. diplomate) —

1) Ўз давлатининг чет элдаги давлатлар билан расмий сиёсий алоқалар қилиб туриш бўйича вазифаларни амалга ошириб турувчи мансабдор шахс. Дипломат ташқи ишлар билан шуғулланувчи идора ёки давлатларнинг чет элдаги вакилларида мансабдор шахс бўлиши мумкин;

2) Музокаралар олиб бориш санъатини биладиган, кишиларга усталик билан муомалада бўлувчи шахс.

Дипломатик иммунитет — чет эл дипломатик ваколатхоналарига ва ана шу ваколатхона ходимларига бериладиган энгилликлар, имтиёзлар ва афзалликлар: биноларнинг ва ҳаракат қилиш воситаларининг дахлсизлиги, шахсий дахлсизлик, жиноий ва гражданилик ишлари бўйича судга тортилишдан озод қилиш, солиқлар ва бож солиқларидан озод қилиш, ўз ҳукумати билан хабарлашиб туриш эркинлиги, ваколатхона биносига байроқ ва герб осиб ҳуқуқи ва ҳоказолар йиғиндиси дипломатик иммунитет дипломатик ваколатхоналар ходимларининг оилаларига ҳам тааллуқли. Давлатнинг савдо ваколатхонаси ва уларнинг ходимлари ҳам дипломатик иммунитетдан фойдаланади.

### **Д и п л о м а т и к   к о р п у с —**

1) бирор давлатда аккредитланган чет эл дипломатик ваколатхоналари бошлиқларининг йиғиндиси;

2) кенг маънода — дипломатик ваколатхоналарнинг барча дипломатик ходимлари ва уларнинг аъзолари. Дипломатик корпус ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлган уюшма, ташкилот эмас.

**Дипломатик курьер** — мансабдор шахс бўлиб, унинг вазифасига ўз давлатининг ташқи ишлар билан шуғулланувчи идорасидан ана шу давлатнинг чет элдаги дипломатик ваколатхонасига дипломатик почтани олиб бориш ва у ердан олиб келиш киради. Дипломатик курьер дипломатик иммунитетдан тўла фойдаланмайди, бироқ ҳудудидан ўтиб кетадиган давлатларда шахсий дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади ва суд қилинмаслик ҳуқуқига эгадир. Халқаро одоб тариқасида дипломатик курьер шахсий бағажини божхона қаровидан ўтказишдан ва божхона божлари тўлашдан озод қилинади. Ташқи сиёсат — халқаро майдонда давлатлар ва халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатни тартибга солиб турувчи сиёсат. Ташқи сиёсат ички сиёсат билан chambarchас боғланган ва давлат ҳамда ижтимоий тузумнинг характерини акс эттиради.

**Элчи** — дипломатик даража, халқаро ҳуқуқда қабул қилинган классификацияга мувофиқ I класс дипломатик вакил.

### **Э л ч и х о н а —**

1) бирон давлат ҳукумати томонидан иккала давлат учун ҳам муҳим бўлган масалалар бўйича дипломатик музокаралар олиб бориш учун махсус топшириқ билан бошқа давлатга юбориладиган бир гуруҳ кишилар;

2) Бирон давлатнинг бошқа давлат ҳудудидagi элчи бошчилиқ қиладиган доимий ваколатхонаси бўлиб, у дипломатик алоқаларни амалга ошириш учун ана шу давлатлар ўртасидаги келишувга мувофиқ тузилади.

Агреман — (фр. *agrement* — розилик) — бир давлат ҳукуматининг бошқа давлат доимий дипломатик вакилини ўз мамлакатида қабул қилиш тўғрисидаги розилиги, Агреман иккала мамлакат ташқи ишлар идоралари томонидан ёзма равишда талаб қилиб олинади ва берилади.

**А т т а ш е** (фр. Attache — айнан бириктирилган) —

1) Кичик дипломатик даража;

2) Элчихоналарда ва миссияларда дипломатик таркибдаги лавозимли киши.

3) Бирор бошқа (дипломатик бўлмаган) муассасанинг муайян соҳа бўйича мутахассис сифатида элчихоналарга ёки миссияларга юборилган вакили (масалан, ҳарбий атташе, савдо атташеси).

**В и з а** (фр. Visa, лат. Visus дан — қаралган) —

1) Ҳар қандай шахснинг бирор мамлакатга келиши ёки ундан кетиши мумкинлиги тўғрисида, шунингдек, чет элик кишининг бирор давлат ҳудуди орқали ўтиб кетиши тўғрисида унинг ҳужжатига расмий белги;

2) Ҳужжатдаги расмий ёзув бўлиб, у бу ҳужжатнинг тасдиқланганлигини, рўйхатдан ёки текширишдан ўтказилганлигини билдиради.

**Ишонч ёрлиғи** — давлат бошлиғи томонидан дипломатик вакилга ана шу лавозимга тайинланаётган вақтда бериладиган ҳужжат. Ишонч ёрлиғи дипломат борадиган давлат бошлиғи номига ёзилади. Ишонч ёрлиғи топширилган вақтдан бошлаб дипломатик вакил ўз вазифаларини бажаришга киришди деб ҳисобланади.

**К о н с у л л и к** (лот. Consul) —

1) Қадимги Римда (республика даврида) сайлаб қўйиладиган юқори лавозимли киши;

2) Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқида — бир давлатнинг бошқа бир давлатнинг консулик округи деб аталувчи бирон шахрида ўз давлатининг ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа манфаатларини ҳимоя этувчи мансабдор киши.

**Коммюнике** (ҳозирги замон халқаро ҳуқуқида) — бир давлатнинг бошқа давлатга муайян ҳудуддаги муассасаси бўлиб, унга к о н с у л бошчилик қилади.

**Протокол** (фр. Protocole, грекча protokollon дан — манускрипт ўрамига ёпиштириб қўйилган биринчи варақ) —

1) Йиғилишда, мажлисда, сўроқ вақтида ва ҳоказо бўлиб ўтган гаплар ёзилган ҳужжат;

2) Бирор факт, ҳодиса ҳақида гувоҳлик берувчи ҳужжат;

3) Бирор махсус масала бўйича давлатлар ўртасидаги езма битим;

4) Дипломатик пакт — турли дипломатик актларни амалга ошириш тадбирини ва турли мамлакатлар дипломатлари ўртасидаги ва раҳбар давлат арбоблари ўртасидаги муносабатларни ташқи шаклларини тартибга солиб турувчи қоидалар йиғиндиси.

**Натурализация** (лот. Naturalis дан — табиий) — чет элик киши томонидан бирон мамлакатда фуқаролик олиш.

**Нота** (лот. Nota, айнан — ёзма белги) — дипломатик амалиётда бир давлатнинг иккинчи бир давлатга расмий мурожаати. Нота ёрдамида бир ҳукуматнинг ҳуқуқи ёки даъвоси, иккинчи бир ҳукуматнинг нотўғри



ҳагги ҳаракатларидан норозилиги баён қилиниши мумкин, шунингдек, ноталар алмаштириш йўли билан битим тузилади. Бошқа расмий дипломатик ҳужжатлар каби нота ҳам инфорацион характерга эга бўлади.

**Пакт** (лот. Pactum — битим) — катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган халқаро шартнома, битим. Пакт хавфсизлик, ҳужум қилмаслик, ўзаро ердан каби ва бошқа ташқи сиёсий масалаларни солиб туради.

**Меморандум** (лот. Memorandum — эсда сақлаб қолиши лозим бўлган нарса) — дипломатик ёзишма формулаларидан бири бўлиб, нотага қараганда одатда аҳамияти камроқ бўлади. Меморандум музокара олиб борилаётган масаланинг фактик ёки ҳуқуқий томонларини баён қилиш тарзида тузилади ва кўпинча нотага тиркаб қўйилиб, ундаги қоидаларни ривожлантиради ва асослаб беради.

**Преамбула** (фр. Preamble, лат. Preambulus — олдинда борувчи) — халқаро шартнома ёки битимнинг кириш қисми бўлиб, унда одатда принцип қоидалар ва сабаблар, шартномани тузиш учун асослар баён этилади.

#### Адабиётлар:

1. Бугаева Г.А. Краткий политологический словарь. — Т., 1995.
2. Дипломатический словарь. Тт. 1-3. - М., 1984-1986.
3. История Парижской Коммуны 1871 года. - М., 1971.
4. История первой Мировой войны. 1914-1918. Тт.1 - 3.-М., 1975.
5. Ковалёв А.Н. Азбука дипломатии. - М., 1984.
6. Новая история. — М., 1984.
7. Словарь иностранных слов. — М., 1990.
8. Қисқача сиёсий луғат. — Т., 1983.

### Ўзбекистоннинг мустақиллиги ҳамда дунё ҳамжамияти томон интеграциялашуви шароитида тарихий атамалар.

#### Режа:

1. Мустақилликнинг эълон қилиниши.
2. Тарихий атамаларнинг тикланиши.

Олис ва яқин тарих бугунги кун ва келажак учун ибрат дарслигидир. Дарвоқе, Президентимиз таъкидлаганларидек "Ватан, Миллат тақдири ҳал бўладиган қалтис вазиятларда гуғри иулни ташлаи олиш учун, аввало, тарихни ва ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатини билиш керак экан. Тарих инсоннинг кўзини очар экан. Шунда кун хатодаринин олдини олиш мумкин бўлар экан"

Ўзбекистон XX асрнинг сўнги ўн йилликлари бошида ўз мустақиллигини эълон қилди. Бу эса ижтимоий-сиёсий, маънавий, маданий ҳаётимизда янгича ўзгаришлар эшигини очди.

Ўзбекистон бир неча халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлди. Қўлаб давлатлар томонидан тан олинди, ўзаро алоқалар йўлга қўйилди.

Айтиш мумкинки, ушбу шароитда миллатимиз халқлари тилига қўлаб янги атамалар жадал кириб келди. Булар аввалдан илғор давлатларда қўлланиб келинган бўлса — да, аммо мавжуд бўлган шўролар тузими даврида бу каби атамалар ва уларнинг амалиётига асло йўл қўйилмаган эди. Масалан, акция, акциз, коммуникация, дивидент, мониторинг, консалтинг, биржа, маркетинг ва ҳоказолар. Ушбу атамаларнинг соҳалари тикланиб, минглаб кишилар унинг тармоқларида фаолият курсатмоқда.

Қўлаб мавжуд атамаларнинг таъсир доиралари кучайди. Бунга мисол қилиб, демократия, Конституция, Омбудсман, парламент (Олий Мажлис) ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Айтиш мумкинки, XVIII илк бор АҚШ да жорий этилган Президентлик бошқаруви ҳали собиқ СССР давридаёқ илк бор Ўзбекистонда жорий этилди. Эски сўз деб қаралган ҳоким атамаси ҳам бугунги мустақил давлатимизда маҳаллий ижроия ва бошқарув органлари бошлиғи яъни вилоятлар, туман ва шаҳарлар бошлиғига нисбатан қўлланилмоқда. Оқсоқол атамаси ҳам фақат маҳалланинг обрўли кишисига янада аниқроқ айтадиган бўлсак ўз — ўзини бошқариш органларида кенг қўлланилмоқда.

Тарих ғиддирағи куну тун тинмай айланмоқда. Унинг шиддати шу қадар кучлики биз инсонлар унинг ҳар бир кунидан, ҳар бир янгилигидан бохабар бўлиб яшашимизни тақозо этмоқда яъни инсон ўзгаришлардан, ҳаракатдан тўхтаб қолиши мумкин. Тарих эса ҳаракатда, фақат олдинга интилмоқда.

Йиллар давомида эскирган — "архаик" сўзлар деб қаралган атамалар ҳам бугун тилимизга қайтадан кириб келмоқда. Бу эса халқимиз тарихий — миллий, маънавий мероси билан боғлиқлигини асло унутмаслигимиз керак.

Ешлар ҳам ана шу меросга муносиб бўлишга интилишлари лозим. Бунинг учун дунёқарашларимизни, илмимиз ва иқтидоримизни янгиланаётган дунёга уйғунлаштиришимиз керак. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов айтганларидек: «Вақт дунёқарашимизни ислоҳ қилишни қаттиқ талаб қилмоқда».

### Адабиётлар:

- 1 Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ — Т., 1998.
- 2 Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т., 1995.
- 3 Баркамол авлод орзуси. — Т., 1999.
- 4 Мустақиллик изоҳли илмий — оммабош луғат — Т., 1998.
- 5 Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати — Т., 2000.
- 8 Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3 жид. Мустақил Ўзбекистон тарихи — Т., 2000.

**Тарихий атамашунослик**  
(бакалавриат йўналишидаги талабалар учун ўқув –  
услубий қўлланма)

Нашрга рухсат этилди 14.05.02. Формат 84x108 1/32. Ёзма қороз.  
Шартли босма табоқ 4,6. Адади 150 нусха. Буюртма №005.

ЎзМУ Тарих факультети кичик босмахонасида нашр этилди.  
Тошкент, Навоий – 36.

